

# Увайсий

КЎНГИЛ  
ГУЛЗОРИ

Тошкент  
Ғафур Ғулом номидаги  
Адабиёт ва санъат нашриёти  
1983

Нашрга тайёрловчилар:

*ИМОДИДДИН ҚОСИМОВ* (Улфат)

*АМОНИЛЛО ВАЛИХОНОВ* (Бокир)

Тақризчи

*ВАҲОБ РАҲМОНОВ,*

Сўзбоши муаллифи

*АМОНИЛЛО ВАЛИХОНОВ*

Ўз Увайсий.

У14 Кўнгиш гулзори [Сўзбоши муаллифи А. Вали-  
хонов].— Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти,  
1983.—272 б.

Қўлингиздаги бу кичик китобчага оташнафас шоира Увайсийнинг ажойиб ғазаллари, мустазод, мухаммаслари, таржеъбандлари, таркиббанд, чистонларидан намуналар киритилган. Улар шоиранинг шеърят соҳасидаги истеъдоди ва бадний маҳоратидан хабар бериб турибдилар.

**Увайси. Сад души.**

4702570100—51

М 352 (04)—83.1—83

Ўз

## ОТАШИН ШОИРА

Шоира Увайсий XIX аср биринчи ярмидаги Фарғона адабий муҳитида ўзига хос овози билан ҳам, ўзининг тутган ўрни билан ҳам, шунингдек, ўша давр адабий муҳитининг кенгайишига ва такомиллига кўрсатган таъсири билан ҳам алоҳида ажралиб турувчи истеъдодли ва оташин шоирадир. Фазлий қаби феодал-клерикал адабиёт вакиллари шоирани кўп камситишларига қарамай ўша давр адабиёти осмонининг порлоқ юлдузи, балки нурафшон ойн бўлмиш Нодиранинг унга том маънода ҳимоячилик қилиши, шунингдек, кенг халқ оммаси унинг ҳаёти ва юксак бадний маҳорати хусусида турли-туман ривоятлар тўқиб, Увайсийга ўз ҳурматини ифодалаши бунга яққол тасдиқловчи далилдир.

Шоира Увайсий ижодига қизиқиш улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейинги йилларда айниқса кучайди. Совет ҳокимияти йилларида 1940 йилларгача Увайсий тўғрисида асосан вақтли матбуотда айрим маълумотлар учраб турди. Сўнгги қирқ йил ичида шоиранинг ҳаёти ва ижоди хусусида бир қадар асосли ва белгилли аниқликларга эга бўлган маълумотлар кўпроқ берилди. Бу борадаги биринчи ахборот сифатида педагогика институтлари учун мўлжаллаб 1945 йили чиқарилган «Ўзбек адабиёти тарихи хрестоматияси» (II том)даги қисқа маълумот ва фазаларидан намуналарни, шунингдек, 1948 йили нашр этилган «Ўзбек поэзиясининг антологияси»даги атоқли ёзувчи Ойбекнинг бош сўзи ва шоира фазаларидан намуналарни айтиб ўтиш мумкин. Лекин у пайтларда Увайсий таржиман ҳолига онд маълумотлар етарли даражада аниқланмаган эди. Иккинчидан эса, бу ишлар шоиранинг махсус ўзига бағишланмаганидан улардаги маълумотлар йўл-йўлакай бериладиган ахборотлар сифатидаги материаллар эди. Шу сабабли уларда баъзи бир ноаниқликлар ҳам мавжуддир.

50-йиллардан бошлаб шоира Увайсийнинг ҳаёти ва ижодига махсус бағишланган мақола ва асарлар ҳам пайдо бўла бошлади. Бундай хайрли ишлардан Абдулла Олимжонов билан Уткир Рашидовларнинг мақола, тадқиқотларини кўрсатиб ўтиш ўринлидир. Уткир Рашидов ишида Нодира ва Маҳзуна тўғрисида гапирилгани-

га қарамай, Увайсий ижодига кенг ўрин ажратилган. Бу борада 1959 йили нашр этилган иккита асар ҳам диққатга сазовордир. Уларнинг бири ғайратли ва тиниб-тинчимас тадқиқотчи Тўхтасин Жалоловнинг «Ўзбек шоирлари» китоби бўлса, иккинчиси, Шарқ адабиётининг билимдонларидан бири А. П. Қаюмов ва Э. Иброҳимовалар томонидан нашрга тайёрланган Увайсий девонидир. Буларнинг биринчисида тадқиқотчи ўтиздан ортиқ ўзбек шоирларининг асарларини ўрганиб, тадқиқ этган ва улар орасидан Зебунисо, Нодира, Увайсий ва Бонуларга алоҳида эътибор берган. Увайсий хусусидаги мақоласида тадқиқотчи ўша пайтгача маълум бўлган, кўпчилик томонидан тан олинган ривоятларга асосланиб, шоира халқнинг сеvimли фарзанди бўлганини кўрсатади. Бундан ташқари, Тўхтасин Жалолов бир қанча янги маълумотларни ҳам топиб, манзарани анча равшанлаштиради. Иккинчи китоб — девоннинг дуруст томони шундаки, у аввало, дастлабки тадқиқотчиларнинг «Увайсий девони йўқолган» деган нотўғри фикрларига тузатиш киритади ва биографик маълумотларни бир қадар аниқлаштиради. 1959 йили Увайсий хусусида яна бир маълумот эълон қилинди. Бу ерда гап «Ўзбек адабиёти» тўрт томлиги хусусида бораётир. Унда шоирнинг ҳаётига оид жуда қисқа ахборот берилиб, шеърларидан намуналар эълон қилинади, лекин бунда ҳам аввалги маълумотлар такрорланади, янгилик учрамайди. 1961 йили А. П. Қаюмовнинг «Кўқон адабий муҳити» монографияси нашр этилди. Унда бошқа шоир ва шоиралар қатори Увайсийнинг таржимаи ҳоли ва ижодига оид бир мақола берилган бўлиб, таржимаи ҳолга тегишли маълумотлар тўла бўлмаса ҳам, ижодининг таҳлили анча яхши баён этилган эди (242—249-бетлар). Бинобарин бу мақола ҳам 50-йилларда юзага келган ишлар сирасига киради.

Шуни мамнуният билан қайд этиш лозимки, Увайсийнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти борасида энг самарали ишлар майдонга чиққан давр 60-йиллар бўлди. Бунга Андижон Давлат педагогика институти олимларининг олиб борган илмий-текшириш ишлари хусусидаги биринчи ахборот (1959 йил, ноябрь, Андижон область, «Коммунист» газетаси)асосий туртки берди. Шундан бир оз кейин (ўша йили, декабрь, «Андижанская правда» ва «Ўзбекистон маданияти» газеталарида) яна мақолалар эълон этилди.

Андижон Давлат педагогика институтининг ўзбек адабиёти кафедраси профессор Ҳ. Раззоқов раҳбарлигидаги ўз илмий-текшириш ишлари давомида Андижон область Марҳамат районида, шунингдек Марғилонда, Арсифда /Фарғона яқинида/ шоира Увайсийнинг авлодлари яшашини яниқлаб, улар билан алоқа боғлади. Марҳум Ҳ. Раззоқов, шоир Улфат ва бошқалар иштирокидаги илмий экспедиция шоиранинг ҳаёти ва ижодий фаолиятига оид бир қанча янги материалларни қўлга киритди. Шундан кейин шоиранинг Марҳаматдаги авлодлари, унинг асарларига қизиқиш жуда кучайди. 1960 йилнинг

Бошларида Ўзбекистон ССР Фанлар Академиясидан М. Алавия, М. Қодирова, Э. Иброҳимовалардан иборат группа, Самарқанд Давлат университетидан академик В. Абдуллаев бошчилигидаги группа келиб, Увайсийнинг чевараси Холжон отин (шоира Мағзий) ихтиёридага меросга қизиқдилар; шундан кейин, шоира тўғрисидаги янги-янги маълумотларни ўрганиб чиқдилар. Бу маълумотлар асосида Э. Иброҳимованинг «Увайсий» рисоласи (1963) ва Ҳ. Раззоқов, Улфат /И. Қосимов/, Ғ. Абдуллаев, Н. Маматовлар томонидан нашрга тайёрланиб, профессор Ҳ. Раззоқов ва Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор Ғ. Х. Абдуллаевларнинг «Сўз боши» лари билан чоп этилган «Девон» майдонга келди (1963). Шунингдек, ана шу маълумотлар 1967 йили чоп этилган «Ўзбек адабиёти тарихи» (иккинчи китоб) дарслигидаги «Увайсий» мақоласига асос қилиб олинди.

Шундай қилиб, 60-йиллар Увайсий ҳаёти ва ижодий фаолиятини ўрганишда энг баракали ишлар қилинган ва шоира ҳақидаги маълумотларга жуда кўп аниқликлар киритилган давр бўлди. Шунинг зўр қониқиш ва ифтихор билан айтиб ўтиш мумкинки, ушбу сатрлар муаллифига ҳам бу борадаги барча изланиш ва қидириш ишларида бевосита иштирок этиш шарафи муяссар бўлган ва у Холжон отин — Мағзий, унинг қизи Жаҳон отин, набираси Фозилжон ака Назировлар билан юзма-юз мулоқотларда қатнашган эди. Ана шу суҳбатлар, баъзи асарлардаги маълумотлар, шонраининг ўз асарларидаги айрим ишоралар ва мўътабар доираларда эшитилган ривоятлар асосида Увайсийнинг таржимаи ҳолини қуйидагича баён этиш мумкин.

\* \* \*

Унинг асл исми Жаҳон отин эди. У Марғилоннинг, Чилдухтарон маҳалласида 1789—90-йилларда дунёга келди. Отаси Сиддиқ бобо, онаси Чинни биби. Марғилонлик машҳур шоир Рожийдан нақл қилишларича, Сиддиқ бобо мадрасани тугатган, адабиёт ва илми мусиқийни яхшигина билган киши бўлиб, косиблик билан кун кечирган. Форс-тожик ва ўзбек тилларида шеърлар ҳам ёзган, уни Ҳофиз бобо ҳам деб аташган. Онаси Чинни биби эса, саводли аёл бўлиб, мактабдорлик қилган ва ўз атрофидаги меҳнаткаш косибларнинг фарзандлари орасида маърифат тарқатган. Жаҳон отин жуда ёшлигидан бошлаб онасидан савод ўрганган, зехнлилиги туфайли бу борада тез муваффақият қозониб, онасига халифалик, ёрдамчилик қилган. У кичиклигиданоқ отасидан ва акаси — машҳур Охунжон ҳофиздан дотор, танбур чалишни, илми мусиқийнинг амалий жиҳатларини ўрганади. Отасидан яна араб, форс тилларини ва адабиёт сирларини ўрганишга уринади. Лекин отаси тез орада вафот этиб, онаси билан қолган Жаҳон отин ўзи мустақил равишда Ҳофиз, Жомий, Навоий, Фузулий, Бедил каби Шарқ шеърятининг буюк намояндалари ижо-

дنيا: ўрганеди. Шу билан бир вақтда у араб тили сарфу наҳвини ҳам тамомила мустақил равишда эгаллайди (чунки у вақтда ҳукмрон хурофий гуруҳлар аёлларнинг кун ўқишларини қатъиян тақиқлар эдилар). Онаси ва акаси Охунжон ҳофизлар уни 17 ёшида марғилонлик яхшигина саводли, адабиётдўст ва маърифатли бўлган Ҳожихон исми кишига узатадилар. Жаҳонхон ундан Муҳаммадхон ва Қуёшхон исми икки фарзанд кўради ва уларни саводли, шеърфаҳм қилиб ўстиришга жуда қаттиқ саъю ҳаракатлар қилади.

Эл орасида «Золимхон» деб лақаб олган Қўқон ҳукмдори Олимхон укаси Умарбекни Марғилон тумани ҳокими қилиб тайинлагач, Охунжон ҳофиз унинг созандаси ва Ҳожихон қисқа муддат давомида унинг арбобларидан бири бўлиб қоладилар. Бу пайтгача Марғилон ва унинг атрофида мактабдорлик ва шоира сифатида шўҳрат қозонган Увайсий Нодира билан яқинлашади. Бу яқинлашувда малика қуршовидаги Қўқа биби, Қўзихон, Улфат бегим каби очик фикрли аёлларнинг хизматлари катта бўлади. Чунки улар шеърфаҳм бўлишлариға қарамай, Моҳлар ойнм — шоира Нодира учун Увайсийдек фозила ҳам шоира бир ҳамсуҳбатнинг ўрнини боса олмасликларини яхши билардилар. Ана шу яқинлик Нодиранинг фожиона қатл этилгуниға қадар борган сари кучаяди. Ота-онасидан кейин қизин Қуёшхонға ҳомиладор эканлигида эри Ҳожихон ҳам вафот этади (Рожий нақли). Бу пайтда Қўқон музофотига хон бўлиб қолган Умарбек севикли малика Нодиранинг илтимосига мувофиқ эрининг йилни ўтказган Увайсийни икки боласи билан Қўқонға олдириб кетади ва у ерда шоира Фарғона маликасининг энг яқин кишиси, том маънода унинг ҳимоясидаги шахс сифатида умргузаронлик қилади. Бу ҳолни шоиранинг ўзи қуйидагиға ўхшаш кўпгина шеърларида ифтихор билан айтиб ўтади:

Ҳумойи авжи соясин то бошима солди,  
Бошимни кўкка еткурди, ҳам ул дам қилди имдоди.

Шунинг учун бўлса керак, Увайсий барча арзу додларни ўз ҳимоячиси Нодира номиға қилар эди<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> «Очерки истории общественно-философской мысли в Узбекистане» (Т., «Фан», 1977) китобида кўрсатиб ўтилишича, XIX асрнинг биринчи ярмида Қўқонда илгор адабиётнинг, шунингдек, прогрессив ижтимоий ва фалсафий фикрнинг намоёндалари Ғозий, Махмур, Гулҳанӣ, Нодира, Увайсий, Маҳзуналар эдилар. XIX аср бошида феодал тарқоқликка хотима берилиб, анча кенг территорияда марказлашган Қўқон феодал давлати тузилган эди. Умархон ва ўғли Муҳаммад Алихон салтанати даври эконоимканинг бир қадар ривожланиши ва маданий ҳаётнинг анча жонланиши билан характерланади. Хон саройи атрофида шоирларнинг белгилли доираси ҳосил бўлади. Феодал-клерикал йўналиш вакиллари Адо, Фазлий ва бошқалар феодал идеологиясини тарғиб этган бўлсалар, Ғозий, Ҳозик, Махмур, Гулҳанӣ ва бошқалар меҳнаткаш халқ ҳаётини ҳаққоний кўрсатишға ҳаракат қилдилар (267-269).

Увайсийнинг Қўқондаги ҳаёти қандай кечди?

Қўқонга келтирилган дастлабки пайтларда шоира ҳарамда яшайди. У ҳарамда «икки қўлини қовуштириб» ўлтирмади, балки Нодирага яқин киши бўлишдан ташқари ҳарамдаги қизлар — канизаклар орасида ҳам хат-савод ўргатиш билан, ҳам илми мусиқийнинг амалий жиҳатларидан таълим бериш билан шуғулланади. Лекин у ҳарамда узоқ вақт қола олмади, уч-тўрт йилдан сўнг уни тарк этишга мажбур бўлди. Увайсийни ўзидан узоқлаштиргиси келмаган Нодира Қўқондан унга ҳовли-жой соғиб олиб беради. Шоира бу жойда ўзининг севган машғулоти — шеър машқ қилиш, қизларни ўқитиш билан шуғулланади. У ўша вақтларда ҳам Нодиранинг ҳузурига истаган пайтида кира оларди. У маликанинг тақлифи ва илтимоси билан Нодира ҳимоя қилиши зарур бўлган тутқунларни ўқитар эди. Унинг муаллималик фаолияти борасида шогирдларидан бири бўлмиш Ожиза таҳаллусини танлаган аёл шоира вафотига ёзган тарих-матбуада жумладан тубандаги мисраларни ҳам учратамиз:

Юмди кўзин бу жаҳондин Жаҳон отун — ул Увайсий,  
Мулки Фарғона нисосина очиб кўзи, веран баср.

Муаллималик касбига Увайсий ихлос билан қарайди ва илмга ташна қизларга чуқур таълим беради. Бу ҳол унинг ғазалларида ҳам ўз ифодасини топгандир:

Келдиким, икки пари, гўё тилаб айлаб қанот,  
Илм кони ичра, Вайсий бўлди мамнун иккиси.

Шуниси диққатга сазоворки, шоира ўз талибалари ва шогирдларининг ютуқларидан қувониб, уларга мувашшақлар ҳам бағишлаган.

Нодира ҳам истеъдодли аёллардан кўпини ўз атрофига тўплаб, уларни ҳам ҳимоя қилган, ҳам тарбия қилган. Бу борада шоир Нодир ўзининг «Ҳафт гулшан»ида шундай ёзади:

«...Ийғибон ҳар тарафдин неча хотун,  
Бориси фазлу дониш ичра отун.  
Ҳама фаҳму фаросат ичра яқраиғ,  
Ҳама зуҳду ибодат бирла ҳамсанғ.  
Бори Зебуннисодек эрди шоир,  
Бори Марям каби зуҳд ичра моҳир.  
Борининг фаҳми бир-бирдин фузунроқ,  
Борининг илми бир-бирдин узунроқ.  
Алардин эрди Ойим кўнгли хушхол,  
Утар эрди анинг бирла маҳу сол...»

Ана шу шоира, олма ва фозилалардан бири, сўзсиз, бизнинг бадрисса объектӣ бўлмиш Увайсий эди.

Масалан:

Жаҳон гулзорида ҳақи қудумингдин етар зийнат,  
Хиромингдин топар жон гулшани оройишу назҳат.

матлаъли ғазали Жаҳон биби номига ёзилган мувашшаҳ бўлиб, Жаҳон биби Ҳаёт, Бақо, Дилором исмли қизлар Увайсийдан аруз, қофия ва мусиқий санъатини ўрганганлар. Улар ҳам форс-тожик, ҳам туркий тилларда юксак савиядаги шеърлар ёзишга қодир шоиралар бўлганлар. Худди шу тўрт қиз хусусида Фарғона водийси халқи орасида бир ривоят мавжуддир. У шундай:

Маълумки, Моҳлар ойим Қўқон ҳарамига турли жойлардан ҳар хил сабаблар билан келтирилган қизларга мураббийлик қилган. У бу ғузалларни турли-туман йўллар билан ҳимоя қилишга, шунингдек, улардаги истеъдодни ўстиришга ўзининг бурчи сифатида қараган. Бу борада Увайсийдан яхши фойдаланган ва уни бу ишда ўзининг кўмакчиси деб билган. Юқорида номлари зикр этилган тўрт қизнинг истеъдодини пайқаган малика Умархонга илтимос қилиб, уларни Увайсийда ўқитишга руҳсат олган. Кейин қизлар аруз ва қофия илмини ўрганганлар. Қуиларнинг бирида Умархон уларнинг машғулотлари қандай натижа бергани билан қизиқиб қолади. Шунда толибларнинг иқтидорларини аниқлаш учун шеър айтишларини таклиф этади. Табиийки, мазкур ғузаллар хонга маъқул бўлишга уринишадди. Биринчи навбат Жаҳонга берилади. У айтади:

Ту подшоҳи жаҳоний, Жаҳон зи даст мадеҳ,  
Ки подшоҳи жаҳонро жаҳон ба кор ояд.

Навбат Ҳаётга келади:

Жаҳон хут аст, ва лекин Ҳаёт мебояд,  
Ҳаёт агар набувад, аз жаҳон чи кор ояд?

Кейин Бақо шеър айтади:

Ҳаёту Жаҳонро ҳама бебақост,  
Бақоро талаб кун, ки охир бақост.

Ўзига хос бу мусобақани Дилором яқунлайди:



Жаҳону, Ҳаёту Бақо чист? Гар —  
Наёбад Дил ором, онҳо ҳабост!<sup>1</sup>

Хон уларнинг барчасидан таъсирланиб, мамнун бўлган. Увайсий-га ўз номидан миннатдорчилик билдиришни Нодирага топширган ва миннатдорлик белгиси сифатида унга Марғилондан бир ҳовли-жой инъом қилган (Юсуфжон қизиқ Шакаржонов нақли).

Бу амалда бўлиб ўтганми, ё йўқми, бизга қоронғи. Лекин шу ҳикоянинг ўзи ҳам Увайсийга нисбатан халқ ҳурматини кўрсатади.

Увайсийнинг Қўқондаги дастлабки ўн йил ҳаётига оид яна бир эпизод диққатга сазовордир. Юқорида айтиб ўтганимиздек, янги ҳовли-жойида шоира ҳам толибаларни ўқитиш билан, ҳам созандахонанда қизларга илми мусиқийнинг амалий жиҳатларидан таълим бериш билан машғул бўлади. Қўқоннинг бирида шоира Нодира олдида бўлиб, уйига қайтиб келса, эшигининг қулфи бузилган, танбурларини кимлардир олиб кетибди. У қўни-қўшнилардан суриштириб билсаки, ғанимлар томонидан қилинган ивго билан муҳтасиб Нуруллоҳ хожа ўн беш киши ҳамроҳлигида қулфни бузиб кириб, ҳақоратлар қилиб, танбурни олиб чиқиб кетган экан. Бу хусусда Нодира воситасида Умархонга арз қилади. Моҳлар ойимнинг саъю ҳаракатлари туфайли танбур қайтариб берилади.

Увайсийнинг Қўқонда кечган ҳаёти дастлабки даврларда Нодиранинг ҳимояси туфайли баъзан масрурликлар билан зийнатланган бўлса, Муҳаммад Алихон тахтга ўлтирганидан кейин унинг бошига кўпгина кулфатлар ҳам тушган. У 14—15 ёшлик Муҳаммадхонни /шоиранинг ўғли/ унинг шеър ёзишини ва онасининг Нодирага яқинлигини баҳона қилиб «сарой хизмати»га — маҳрамликка олди. Сўнгра Увайсийни эрга бермоқчи бўлди. Шоира бунга унамагач, уни турли йўллар билан кетма-кет таъқиб остига олади. Масалан, ўғли Муҳаммадхонни сарбоз қилиб, Қашқар юришига юборади<sup>2</sup>. Бу айрилиқ дарди Увайсийга ортиқ даражада қаттиқ зарба бўлди. Шоиранинг фазалларида бу хусусда тубандаги мисралар ҳам бор:

<sup>1</sup> Юқоридаги байтларнинг мазмунлари:

Сен жаҳоннинг подшоҳсан, Жаҳонни қўлдан берма. Чунки жаҳон подшоҳига Жаҳон иш беради.

Жаҳон яхши, лекин Ҳаёт зарурроқдир. Агар ҳаёт бўлмаса, жаҳоннинг қўлидан нима келарди?

Ҳаёт билан жаҳон бебақодирлар. Бақони талаб қил, чунки у бақолидир. Жаҳон, Ҳаёт, Бақо нима эмиш? Агар дил ором топмаса, уларнинг барчаси беҳудадир (бу ерда исм — Дилором ўрнида ҳам).

Тўрттала байтда ҳам сўз уйинлари, лўфлар шеърларнинг бадий юксакликларини таъминлагандир.

<sup>2</sup> М у ҳ а м а д х о н — *Мажнунни* Умархон сурғун қилган, деган фикр маъқуладан йироқдир. Чунки Жаҳон отин 1806—1807 йили эрга берилган, 1808—1809 йили ўғли туғилган. Умархон ўлган йили (1822) у 13—14 ёшда экан.

Бугун, эй дўстлар, фарзанди жононимни соғиндим,  
 Гадо бўлсам не айб, ул шоҳи давронимни соғиндим.  
 Мусофирман, ғарибман, бекасу ҳам бенаводурман,  
 Вужудим дарда тўлди, эмди дармонимни соғиндим.  
 ...Қоронғу бўлди олам кўзима ушбу жудоликдин,  
 Кўзу кўнглум зиёси, моҳи тобонимни соғиндим.  
 Мени бекас Увайсий йиғлагайман рўзу шаб тинмай,  
 Уйимнинг зийнати, кўз равшани, хонимни соғиндим.

Бу зорланишлар Муҳаммад Алихонга таъсир этмади. Боз устига Қашқар юришидан қайтаётиб эргаштириб келган кишиси — Ҳасан охун боққолни Увайсийнинг Қўқондаги ҳовлисига қўшни қилиб киритади. Бунда у ҳовли-жой онаси Нодира томонидан совға қилинганини пеш қилади. Ҳасан охун муттаҳам судхўр киши бўлиб, хоннинг розилиги билан шоиранинг олган 12 тилло қарзини пеш қилади ва кейинчалик жойни ўзиники қилиб олади.

Ана шундай таққирланишлар ва кулфатлар шоирани:

Меҳнату аламларга мубтало Увайсийман,  
 Қайда дард эли бўлса, ошно Увайсийман.

Ёки:

Дили мотам, қади ҳам таъби номавзуну беидрок,  
 Лабида кулгую бағрида қон, кўз ёши Жайхунман!—

деб фарёд чекишга мажбур қилди.

Шунча кулфатлар чекиб бўлса ҳам Қўқонда узоқ туришга уни нима мажбур қилди? Фикримизча, бунга биринчи сабаб ўгли Муҳаммадхоннинг ҳажри эди. Чунки у Марғилонда туриб хонга ўглини келтириб бериш ҳақида ялтимос қилишни қийин эди. Иккинчидан, бошқа бир нарса ҳам уни Қўқонда тутиб турар эди. Муҳаммад Алихон бир Увайсийга ва мазлум оммаганига эмас, балки ўз онаси — бу вақтга келиб Фарғона мулкининг севикли онахони бўлиб қолган Моҳлар ойимга ҳам азоблар ўтказар, уни мунгайтириб қўйган эди. Нодира атрофидаги кишилардан — билимдон, адабиётдўст, шеърфаҳм доимий ҳамсуҳбатларидан кўпчилиги нутраб кетган ва Хушқол биби, Увайсий каби бир неча кишигина қолган эди. Увайсий маликанинг кучли ҳамёисда доимий марҳаматларидан баҳраманд бўла туриб, уни шундай ҳолларда бекас қилиб ташлаб кетишни ўзига эп кўрмас эди. Бу бемуруватлик бўлур эди. У:

Ялаб гупроғ, бул байтул-хазан ичра ётибдурман,  
Бу ғам шөмида умид ила Махрухсор отингдин,—

— деб қувонган, балки қиёматда ҳам ундан умидвор эканини баланд  
— овоз билан айтган эди:

Мени Макнунага дод айлайин ул рўзи жазо,  
Ушбу қонун ила бўлмишки жафо ҳижронинг.

Увайсий ўғлининг қайтишидан умиди узилгач, Қўқондаги кул-  
фат ва ташвишларга ортиқ чидай олмас эди. Оқила Нодира буни  
фаҳмлаб, энди ёлғиз қизини эҳтиёт қилиш учун Қўқондан узоқроқ  
туриш зарурлигини уқтириб, рухсат беради. У Марғилонга қайтади  
(1830 йилларнинг ўрталарида — Рожий нақли). Марғилонда эканида  
ҳам Нодира билан яқин алоқада бўлиб туради. Қўқонга ёзилган  
хатлар буни яққол тасдиқлайди.

Марғилонда экан, Увайсий бутун қалб қўрини қизига сарфлай-  
ди. Ҳусни табиийси тенгсиз бўлган Қуёшхон маънавий жиҳатдан ҳам  
ғўзал бўлиб, камолга етади. У фозила, шоира бўлиб етишади — Хо-  
кий тахаллуси билан шеърлар ёзади. Шунингдек, дутор, танбурда  
руҳбахш тароналар оғоз қиларли даражада моҳира бўлади. Уни  
марғилонлик Абдусамад қори исмли кишига узатадилар. Қори жуда  
мутаассиб бўлиб, рафиқасининг шоира, созанда, хонанда экани унга  
ёқмайди ва уни сиқув остига олади. Натижада Қуёшхон жуда кўп  
жабр-ситам чекиб 30 ёшида (1839—40) вафот этади. Бу аламлар  
Увайсийга яна бир зарба бўлади. Лекин қизидан бир ёшлигида ётмиш  
қолган набираси Биби Хадичага тарбия бериш вазифаси шоирани  
муқаррар ҳалокатдан сақлаб қолади. Набирасини ҳам саводли, фози-  
ла қилиб тарбиялаш учун Увайсий бутун муаллималик маҳоратини  
сарф қилади. Лекин унинг тарбиясини ўзи истаган даражага етказиш  
ўчун умри кифоят этмайди. Хадича 10—11 ёшида эканида — 1850  
йили у Марғилонда вафот этиб, ўша ерда дафн қилинади.

Андижонлик фозиллардан бўлмиш Отабек қози марғилонлик  
машҳур шоир Рожий билан жуда яқин дўст эди. Унинг ўғилларидаан  
бири — марҳум Аҳмадбек маҳдум ака эса, хизмат сабабидан улар-  
нинг кўп суҳбатларида иштирокчи бўлган. Ана шундай суҳбатлар-  
нинг бирини Рожийнинг Увайсий вафотиغا Ожиза тахаллусли бир  
шоира томонидан ёзилган тарих-марсияни ўқиганини эслаб, уни тез  
ёзиб олиб ёд олганини бу сатрлар муаллифига айтган эди. У марсия  
дубандагичадир:

Шум ажал боис ўлуб итти қаму нодинрайн давр,  
Ер қаро бағрида пинҳонду неча фозилайн аср.

Юмди кўзин бу жаҳондан Жаҳон отун-ул Увайсий,  
 Мулки Фарғона нисосина очиб кўзи, веран баср.  
 Таъбидан сочти қаму назм жавоҳирлари ҳар дам,  
 Тузди, зийнат вериб онлар била, девон денилан каср.  
 Зулм аҳлидан анга етса неча жавру жафолар,  
 Моҳи Фарғона тўсуб нури-ла, сағ тарди нечук ҳаср.  
 Фавти тарихини бу Ожиза айлар чоғи иншо  
 Ақл пиридан умид айлади имдод била наср.  
 Ер юзин ўртагач ул фозилайи асрнинг ўди,  
 Соли фавтина хирад пири деди: «Фозилайи аср!»

Бу марсияни тўлиқ келтиришдан мақсадимиз шуки, у шоира вафотининг санасига аниқлик киритишдан ташқари юқорида айтиб ўтилган фикрларимизни тўла тасдиқлайди.

Шуни ҳам айтиб ўтиш ўринлики, Увайсий авлодидан кўпгина шоир ва шоиралар чиққандир. Уғли Мажнун тахаллуси билан, қизи Хокий тахаллуси билан шеър ёзганларини юқорида айтиб ўтган эдик. Қуёшхоннинг қизи Биби Хадича Азмиё тахаллуси билан шеърлар ёзган. У мингтепалик (ҳозирги Марҳамат райони) Абду-жаббор тўқсобанинг ўғли Абдуқодирга тушади. Ундан туғилган қиз Холжон биби ҳам шоира бўлиб етишади, тахаллуси Мағзий. Шундай қилиб, Увайсий аждодлари ва авлодлари бутун бир шоирлар ва шоиралар сулоласини ташкил этади. Бу сулоланинг энг машҳураси — Увайсийдир.

Шоира Увайсийнинг ижоди ҳам унинг замондошлари бўлмиш бошқа шоир ва шоираларнинг ижодларидан ўзининг ғояси, мавзулари ва жилолари билан ажралиб туради. XIX аср адабий ҳаракатчилигида Увайсий тўтган ўрни алоҳидадир. Чунки у кўпчилик шоирлар сингари адабиётни ҳаётдан ажратмади, балки ҳаётни у қандай бўлса, худди шундай ифодалади. Мана, Увайсий томонидан ўз даври ва ундаги меҳнаткаш халқнинг аҳволига берилган характеристика:

Замонанг тун, қадам босқон ерингча бўлмасун армон,  
 Мабодо топмағайсен, Вайси, беармон, таваҳҳум қил.

Еки:

Бу элким, тиги ҳирмон илк кўкси чокларидиндур,  
 Дили мажруҳ, ғайр озоридин ғамноклардиндур.

Бундай шароитда шоиранинг бағри қонга айланди: У ўзи ва ўзига ўхшаш жабрдийда халқ аҳволига қон йиғлади, бу ҳақсизликлар гувоҳи бўлмиш фалакка «бағрини қон айламакни» таълим берди:

Сиришким донасин кўрди юзум тупроғида андоқ,  
Маломат қушлари бошим уза қошона тутмишлар.

Ёки:

Қайга борсам, бағриминг қони менга гулзор эрур,  
Донмо қуту nasibим, истасам — озор эрур.

Яна:

Бориб саҳрога, қон бағримдин изҳор айладим бир кун,  
Фалак бағрин қизил қон айламакни мендин ўрганди!

Увайсий кўп мазлума аёллар каби фақат қон йиғлаш билангина чекланмади, балки бу зулмга ва ҳақсизликка, бу ҳийла-найранг ва туҳмат-маломатларга, бу ғаламислик ва ифвогарликларга қарши ўз имконияти даражасида курашди: у Ҳасан боққолга ўхшаш муттаҳам судхўрларни, Тунқатор ва Қароҳол каби золимларни, дин ҳомийси номи билан иш кўрувчи Нуруллоҳ хожа сингари рибкор муҳтасибларни, бундай зулм ва адолатсизликларнинг асосий сабабчиси бўлмиш подшолар ва хонларни ўз асарларида аямай, рўй-рост фош этди:

Агарчи бохабарсен фашши дасторингдин, эй зоҳид,  
Валекин ботинингдин юз туман бебок сесканди.

Ёки:

Кўрди Мансур шаҳ юзин, берди «Ана-л-ҳақ!»дин хабар,  
Бу мажозий шоҳларнинг зулм дори бир нафас!

Хўш, бундай фош этишларга, антиклерикал, демократик тенденциядаги овозларга ўша даврдаги сарой адабий муҳити вакиллари қандай қарадилар? Улар, албатта, шоирага хайрихоҳлик бил-

дирмадилар, балки унга паст назар билан қаралдилар, уни камситдилар, ҳатто унга туҳматлар ҳам уюштирдилар. Масалан, ўша давр қлерикал адабиётининг йирик намояндаси Фазлий Намангоний ўзининг «Мажмуатуш шуаро» асарида унга қуйидагича «таъриф» берди:

Дигар Вайси ҳам аз гуруҳи нисост,  
На монанди Маҳзун фаҳиму расост.

Хаёлам ба тавсифи ў барнахост,  
Аз он рўй: гоҳ каж шуда, гоҳ рост.

Мазмуни: яна бири — Вайсий ҳам аёллар гуруҳидандир. /У/ Маҳзунадек тушунадиган ва етук эмас. Уни мақташга хаёлим шу сабабдан юрмадики, (у) баъзан эгри, баъзан тўғри (сўзлар) эди.

Бу билан Фазлий нима демоқчи? Унга шоиранинг нимаси ёқмаган? Бу саволларга шоира асарларида жавоб айтиб қўйган. Дуруст, Увайсийда баъзан шеърнинг ташқи ялтироқлигига, ҳатто қофияларга ҳам эътиборсизлик ҳоллари учрайди. Масалан, «кўнгул доғ ўлди, доғ ўлди» радифли ғазалида у қофияга аҳамият бермайди. Лекин бундай шеърлар қай ҳолатларда ёзилган? Уларнинг мазмуни ўткир, фикрлар жўшқин, ифода ёрқин. Улар, афтидан, шоиранинг жуда зўр ҳаяжонли дамларида, балки бор овози билан фарёд чекишга тайёр турган пайтларида ёзилганга ўхшайди. Бундай чоқларда одатда ижодкорларнинг асосий диққат-эътибори ўз мақсадни аниқлашга, тушунарли қилиб айтишга, ўз ички дунёсининг борлигини очиқ ташлашга қаратилган бўлади ва ана шундай вақтларда шаклбозлик унинг назарида, иккинчи планга ўтиб қолади. Лекин шоиранинг гоёвий душманлари айни шу ҳолдан фойдаланиб, уни камситишга уринадилар.

Шоиранинг юксак бадий маҳорат эгаси бўлишида, афтидан, Шарқ адабиётининг йирик намояндаларидан баракали таъсирлангани ҳам ҳал қилувчи роль ўйнаганга ўхшайди. Чунки унинг ғазалларида Навоий, Фузулий, Бедил, Машраб каби ўз салафларига пайравлик аниқ сезилиб туради. Лекин бундай пайравлик жараёнида Увайсий уларга нисбатан ўзининг гоёт чуқур ҳурмати туфайли кўнчилиқ шоирларда учрамайдиган лурназокат одобни тўла сақлайди. Анъана сифатида Навоий, Фузулийларга бир неча дурустгина мухаммаслар болаган бўлса ҳам, лекин назирчиликда (татаббулда) одобга қатъий риоя қилади. Чунончи, унинг «Қоқулинг» радифли ғазали улуг Навоийнинг «Қошки» радифли машҳур ғазалидан таъсирланиб, унга пайравлик йўсунида татаббуъ жанрида ёзилган бўлса ҳам, унда қофия ва радифли бошқача танлаган. Шунингдек,

оташнафас Фузулийниг «Керакмазми сенго?» радифли газалига, Машраб газалларига бир неча татаббуълар ёзган бўлса ҳам, уларда қофиялар бошқача танланган. Бу ҳол унинг ўз салафларига нисбатан юксак ҳурмат сақлаганини билдирганидан ташқари, адабиётда чинакам одобга риоя қилганини, ўта маданиятли эканини ҳам кўрсатувчи бир далилдир.

Ана шундай кучли истеъдод эгаси бўлмиш Увайсий келажакка умид кўзи билан қаради: тун сўнгидан тонг келажакка тўла ишонди!

Кўруб фурқат туни, эй Вайси, назмид ўлма васлидин,  
Билурмусанки, донм субҳ ҳар шом ичра ёстамиш.

Кўриниб турибдики, шоира келажакнинг ёрқинлигига шубҳа қилмаган. Шуни ҳам айтиб ўтиш зарурки, ана шу ишонч ва умид уни актив фаолиятга руҳлантирди. Фарғона халқининг сеvimли маликаси — шоира Нодира ҳомийлигида Увайсий бутун умри давомида ўз ижоди билан ҳам адабиёт ва санъатни тарғиб этишга хизмат қилди. У замон фожиаси туфайли мазлумаларга айлантирилган, аслида жамиятнинг гўзал бир эҳсони бўлган аёллар орасида маърифат тарқатиш билан шуғулланди. Ешлигидан то умрининг охиригача қизларни ўқитган, иқтидорли қизларга адабиёт ва санъатнинг амалий жиҳатларидан таълим берган шоира ўз бадий ижодини бу жараён учун — таълимнинг муваффақияти учун хизмат қилдирди. У шеърятдаги айрим санъатларни, абжод ҳисобини, муаммо санъатини ўз толибаларига чуқурроқ ўргатиш учун уларнинг зеҳнини тарбиялаш мақсадида ҳам жуда кўп шеърлар ёзди. Шундай қилиб, унинг бадий ижодида соф лирик жиҳат, ижтимоий мотивлардан ташқари, маърифий томонни ҳам учратамиз. Бундай бадий маҳсулотлари жумласига унинг мувашшаҳларини, чистоналарини киритиш мумкинки, булардан таълим жараёнида унумли фойдаланган. Масалан, унинг мувашшаҳлари тузилиш жиҳатидан бошқаларникидан фарқли эди: исмларни у гоҳ биринчи мисраларга, гоҳ қофияли мисраларга, гоҳ шахмат оти юриши усулида жойлаштирар эди. Бунда у ўз толибаларининг имлосини синини назарда тутарди. Шунингдек, мувашшаҳларда одамлар исмидангина эмас, балки бошқа номлардан ҳам фойдаланган. Масалан, бир мувашшаҳда «мақсуд» сузи, бошқасида «фулод қалам» ибораси беркитилган (сўнгги мисолдан бундай шу нарса англашиладикки, демак, XIX асрнинг биринчи ярмида Фарғона водийсида «пўлат қалам», яъни металл ручкадан кишилар фойдаланган эканлар).

Бу маълумотлардан шундай хулоса чиқаришга тамомила ҳақлик борки, Увайсий ҳам шеърят санъатида, ҳам таълим-тарбия соҳасида жойлиб янгиликларни қўллаган новатор шоира эди.

Унинг дostonчиликдаги маҳорати тўғрисида академик В. А. Абдуллаевнинг «Ўзбек адабиёти тарихи» (иккинчи китоб — 1967) асарида батафсил тўхталгани учун бу ерда тақрорлашни истамадик.

Қисқаси, Жаҳон отин — Увайсий оташин шоира бўлиб, XIX аср биринчи ярми ўзбек шеъриятидаги ёрқин сиймолардан биридир.

Энди қисқача «Девон»ни нашрга тайёрлаш ҳақида:

«Девон»ни тузишда шоиранинг чевараси Холжон отиннинг, яъни шоира Мағзийнинг қўлида сақланган ва кейинчалик у Андижон Давлат педагогика институтига тақдим этган асарлардан фойдаланилди. У китоблар институт кутубхонасида 138048, 138049; 138050 инвентарь номерлари билан сақланмоқда. Улардан бири шоира Мағзий қаламига мансуб (138050) бўлиб, камчиликлари кўпроқ. Унда 11256 мисра шеър бор. Яна бир (138049) гўзал настаълик хати билан кўчирилган, котиби номаълум. Унда 4186 мисра бор. Учинчиси 161 бетдан иборат.

Айрим камчиликлар бошқа нусхалар билан таққосланиб, шунингдек, мантиқ ҳукми асосида бартараф этилди. Бу ишни бажаришимизда берган маслаҳатлари учун профессор Ҳ. Раззоқовга ва бизни китоб билан таъминлашда хизмат қилган файласуф олим, ЎзССРда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор Ф. Х. Абдуллаевга самимий миннатдорлик билдиришни ўзимизнинг бурчимиз деб биламиз.

**АМОНИЛЛО  
ВАЛИХОНОВ**



Жон тасаддуқ бошинг узра чирмагон дасторинга,  
Бош тасаддуқ сўзлагон шаҳду шакар гуфторинга.

Қўз тасаддуқдур сенинг хуршид талъат ҳуснинга,  
Қадди долим ҳам тасаддуқ чун алиф рафторинга.


Қўл тасаддуқдур сенинг ул ядди байзойингга ҳам,  
Жон тасаддуқ этмагон ким, кўзлари хумморинга?!

Ким гирифторинг эрур, мумкин эмас топмоқ халос,  
Анкабут янглиғ этибсан қайд мушкин торинга.

Онқадар сўрдим табиблардин бу дардимга даво,  
Васлидин ўзга даво йўқ деди, ул беморинга.

Қимки сендин юз ўгурса, эрмас ул толиби дин,  
Топшир ул куфр аҳлини сен қодири жабборинга.

Демадинг ашъори чошимни кўруб, маҳбубиман,  
Боракалло, эй Увайсий, айлагон гуфторинга.



Оҳ гулрухсора жонон, хордурман ишқида,  
Дил аро қон, сийнаси афгордурман ишқида.

Кечалар кирдим чаман, вақти саҳар зор айладим,  
Қумрию ҳам андалиби зордурман ишқида.

Хотирим тай қилса ногаҳ наргиси ул масти хоб,  
Кавкаби сайёрадек бедордурман ишқида.

Мўрдек помолдурманким, саломат аҳлига,  
Дард аҳлига бу дам сардордурман ишқида.

Ақлу, фаҳму, хушу гидроким сазовор ўлдиким,  
Мажмари бардош ичинда нордурман ишқида.

Истасам марҳам ажаб эрмаски, сендин, эй табиб,  
Дардсизлар захмидин бемордурман ишқида.

Соқиё, бергил алимга соғареким, хосдин,  
Соғиниб ул соф май, хуммордурман ишқида.

Гул юзи ўшарму ул гул юзига, эй боғбон,  
Оч даринг, кўрмакligим душвордурман ишқида.

Хотирим зулфига банду ихтиёрим ҳуснига,  
Дин ила пайваст ул зуннордурман ишқида.

Қилма, эй зоҳид, кўруб, аҳволима сен сарзаниш,  
Нозу истиқомли, сузбардордурман ишқида.

Гар киши боду даридори Увайсий ичра бор —  
Ул матойи раъзга бозордурман ишқида.

Ажаб йўқ тун-кун ўлсам маҳвашимнинг жустужўйинда,  
Хаёли Қайсдин воқиф гар ўлсанг, Лайли сўйинда.

Димоғим кокулининг нағҳатидин масту мустағрақ,  
Ки, гўё ёстаниб минг нофая ҳар тора мўйинда.

Қошин васфини тинмай матлаиға мумкин изларман,  
Қурам, носеҳ-насихатда, халойиқ гуфту гўйинда.

Фалак давринда юв илқияғни ул мақсуддин, эй дил,  
Худо халқ айламиш бул вожгунни чарх хўйинда.

Неча Фарҳоду Мажнун, неча Мансуру Зулайҳоня  
Деманг ҳар ёнда жамъин, қасди бир жонона кўйинда.

Қадидин сарв касб этмиш, кўзидин боғ аро бодом,  
Руҳидин ул гули раъно, қизил гул они бўйинда.

Ёзар ул ҳусн васфин тийра табъидин, сабаб улдур:  
Қуруб нури илоҳий Вайсий маҳрухсор рўйинда.

Мажнунлиғ асир айлади жонон эшикинда,  
Хуш мардуд эрур борича имкон эшикинда.

Бўйнимға солиб тавқ, не хуш, бандалиғ этсам,  
Қумри сифат ул сарви хиромон эшикинда.

Фурқат билан умрим гули во бўлмайин ўтти,  
Илким талаби чоки гирибон эшикинда.

Ўзлук асарин топмағум ул ой ҳарамидин,  
Обод катон йўқ маҳи тобон эшикинда.

Дил мавти ҳаво топса Масеҳингдин, ажаб йўқ,  
Тан фазли эрурким, шарафи жон эшикинда.

Фикрим белини боғлади авсофинги дерга,  
Албатта шакар ёғди найнстон эшикинда.

Яъқуб фалак дастидин этмиш нега фарёд?  
Ул Миср шаҳин. Юсуфи Канъон эшикинда.

Бедониш эли даргаҳидин мардуд эмасдур,  
Қўйғойму рамуз аҳлини нодон эшикинда?

Зухд аҳли ажаб — ишқи санам қўйинини кўрмай,  
Дард аҳли эмас, юрмаса Луқмон эшикинда.

Роғиб бўлибон Вайсий фано кўйини кезди,  
Марғубин ола олғуси султон эшикинда.

Вафога ножуз эрди нағмайи дутор базминда,  
Ки афроди бани одамда йуқ гуфтор назминда.

Жудолиғ ваҳмин айларманки, хайри боди сарв осо,  
Менга мафҳум ўлубдур, найлайин, рафтор жазминда.

Аё ишқ аҳли, қатлингдин хабар тут ушбу соатким,  
Чу жон бахш этмак ул ғайр аҳлиға дилдор разминда.

Сари зулфунгни савдоси тушуб, бўлдум харидоранг,  
Ки мен ҳал ўлмишам меъдаи бозор ҳазминда.

Санам зулфин хаёлидин, Увайсий, қолма бир соат,  
Бўлуб юз куфр ҳосил сендаги зуннор азминда.

Мувашшаҳ айладим бир моҳпайкар интизоринда,  
Шикори ҳарф этарга иштиёқи шаҳсуворинда.

Хирад, идрок, ҳушу ақл зойил айладим, ваҳким,  
Ушал ширин даҳаннинг нашъалиғ нутқин хуморинда.

Зақоти ҳуснидин уммид этиб, мен ҳоки раҳ узра,  
Шаҳаншоҳимки, давлат бирла тахт узра қароринда.

Висолидин муродим: сурма қилсам хоки пойини,  
Жило топқай кўзум ойинаси гардин губоринда.

Муаттардур жаҳон, ҳуснунг китоби ошкор ўлғоч,  
Ёшурмиш нофайи ишқ ўзни хатти мушкборинда.

Вафо паймонасин ижод этарга илтижо этсанг,  
Ки топқай хаста кўнглум баҳрае, лутфун баҳоринда.

Жамолин кўзгусида Мажнупосо кўрдим аҳволим,  
Нечун Лайлинамолиғ шевайи ул гульузоринда.

Нигорим қайда бўлса, ҳозир ўлсам тонг эмасдуркич,  
Дилим давринда фитрокинда ул чобук шикоринда.

Таважжуҳ хотир айлаб, олсалар ҳар байт бошидин,  
Хуруфи жамъ ўлиб, исми чиқар Вайсий шиоринда.

Мусаббир йўқду мендек ишқ аро собир субуринда,  
Сенингдек кимки, золим, раҳмсиз жобир жубуринда.

Тушуб бошимга зулфунг, эй санам, дин кетти илкимдин,  
Йўқ эрди ушбу зунноринг каби кофир куфуринда.

Халос айлаб ўзумни ҳажр саҳросида, ҳайронман,  
Ўзун ҳирмона қолғон васл аро ҳозир ҳузуринда.

Хатингдин топти хат кўнглумгаким, ғайр аҳли хат тортти,  
Юзи ҳолим забуниндаки, бул хотир хутуринда.

Кўнгул, махсуслиқ даъво қилурсан ҳар замон андоқ,  
Неча афвожи ушшоқи ўшал носир нусуринда.

Муҳаббат тухмин эктим, хирмани ғамми кўтармиш дил,  
На дилдинким, туганмас ғам, қаю вофир вуфуринда.

Увайсий рутбайи шукрингга парвоз этти, невчумким,  
Этар мақсад камолотиниким, шокир шукуринда.

Фосид эрмиш сенга қилмоғи мени зор гила,  
Агар ўтса менидин, афв қил, эй ёр, гила.

Гила борин тула қўйса, гила қилмам не учун?  
Расмдур айламаки бизлара дилдор гила.

Кеча қон юттиму, телмурдиму жонон лабиға,  
Саҳар ўткарди, қилур субҳда изҳор гила.

Айладингким дини исломими барбод яна,  
Ўлдурубдур мени, эй кокули зуннор, гила.

Қайси феълимни қилай кўнглун очорға мифтоҳ?  
Хира қилди дили миръотини зангор гила.

Сурма қилғум гила тоғин не учун кўзларима?  
Ўлди меърожи ҳазин жонима асрор гила.

Чиқадур исми азим, мисраи бор қофиялиғ,  
Наср қилдим бошини, айлама ғамхор гила.



Эй, мени беҳисоб инжитма,  
Мубталоу хароб инжитма.

Айла эмди ҳазар бу оҳимдин,  
Бағрим ўлди кабоб, инжитма.

Эй ситамгар нигори бад андеш,  
Қилма мунча азоб, инжитма.

Ҳажрдин нотавон ўлубдурман,  
Дард ила печу тоб, инжитма.

Не бўлур музтарибни шод этсанғ,  
Бу ишингдур — савоб, инжитма.

Мени зора саволи қаҳр эттинг,  
Дейин эмди жавоб, инжитма.

Интизор аҳлидин ўгуруб юз,  
Айладинг юз ҳижоб, инжитма.

Учрадим турфа шўхи бадхўя,  
Айлама кўп итоб, инжитма.

Новакингдин бу сийнадур мажруҳ,  
Хуни дилдур — шароб, инжитма.

Мунча зулму ситам, Увайсий, недур?  
Қолмади сабру тоб, инжитма.

Ер, йўлингда оқорғон, қўйки мақдам устина,  
Гарди пойинг тўтиё бу чашми пурнам устина.

Фурқатида мубтало, ҳажр илгида эрдим асир,  
Дарда марқам бўлди гўё, ҳамдамим, ҳам устиня.

Бошима тож ўлди оҳим, кўзга бағрим қони — мил,  
Тож бар сар, хуш келибсан нури дийдам устинга

Вайсийсан, ағёра майл этсанг гузар қил доимо,  
Ҳажру васли ичра доим ул Мадинам устина.

Хиром айлар гулистон ичра ул мастона-мастона,  
Табассумдан намоён айлабон дурдона-дурдона.

Тамошо чоғида монеъдурур кўздин юрак қони,  
Бу ҳасратдин тўкар мардумларим маржона-маржона.

Майи гулранг ародур жилвагар рухсори, эй соқий,  
Таваққуф айламай сунгил яна паймона-паймона.

Ушал шўхи ситамгарни бўлурму ошно деб ҳеч?  
Рақиб-ла иттифоқ айлар, менга бегона-бегона.

Менга то болу пар эрди хаданги тийри пайкониинг,  
Етөлмам ошённингғаки, бол афшона-афшона.

Қаю бир тун аро рухсори жонона назар солғоч,  
Бу кўз ойинаси ҳусниға ҳур ҳайрона-ҳайрона.

Хати Хизр ила ораз даврида зулфи зарафшони,  
Гул атрофида гўё сунбулу райҳона-райҳона.

Мени девонанинг бу хирқа факролудасидур беҳ,  
Ани бермам ҳарири кисвати султона-султона.

Увайсийдур рафиқи — дард, ҳижронадурур — мунис,  
Ғами дилдор бирлан доимо ҳамхона-ҳамхона.

Забонингни кетургил, эй шакарлаб, тўти гуфтора,  
Нечунким, марҳамат бўлсин неча мендек дилафкора!

Нигоҳинг ташлагил, лутф айлабон, эй шўҳи бепарво,  
Йўлингда интизор ўлгон менингдек ошиқи зора.

Мени «Лоядхулу» деб маҳрум этма, боғбон аҳли,  
Азал деҳқони бағрим жонини сочган шу гулзора.

Харидор ўлдум ул «Наҳну қасамно!»да сенга, дилбар,  
Замон аҳлини ҳам деб, солма кўп ҳуснунгни бозора.

Алимда бош ила жон, хориж ўлгум икки оламдин,  
Кўруб қаллошлиғ, кўрсатма зулмингни харидора.

Бағир жоним эди саҳрода буткан лолайи рангин,  
Биҳамдиллаҳ, не сонд кун эди, санчилди дастора.

Хабардор ўл харобот аҳли ичра, соқийи даврон,  
Паё-пай тут оёғинг, ташналаб ўлгон бу хуммора.

Муяссар бўлмаса гар тоқи абру саждагоҳингдин,  
Не ҳосил сенга, зоҳид, ташлагил бўйнингни зуннора.

Увайсий, юз жафо кўрсанг ҳақиқат ёридин доим,  
Ўгурма юзни ондин, солма кўзни ўзга дилдора.

Ёр бир соат мени ҳуснига меҳмон айласа,  
Қўнгулуми зиндона солғум, ёна армон айласа.

Эй дило, кўп чекмагил меҳнат оёғида алам,  
Шояд ул душворни ҳақ бизга осон айласа.

Шона урсам ғайр зулфига, чақилсун қўлларим,  
Қайси бир машшота ҳам зулфунг паришон айласа.

Етмайин мақсадға, ўзга ишққа ўлсам сувор,  
Уйнатиб шавқинг самандин кимки туғён айласа.

Маҳрам ўлсам халқ асрорига, мен маҳрум ўлай,  
Ким ҳараминг сиррини ахбора эълон айласа.

Ғайрға ўлсам ғулом, бўлсин бошим тандин жудо,  
Бандаликда кимки тавқингни гирибон айласа.

Тонг эмас, лаълинг масеҳидин Увайсий топса жон,  
Жонини абру ҳилолинг сори қурбон айласа.

Ҳажрида хушнудман қонимни гулзор айласа,  
Васлида мардуд, ҳирмона сазовор айласа.

Қимки жондин йироқ ўлғонда, меҳридин йироқ,  
Меҳри ортар ёна ҳуснига мени зор айласа.

Узгаман жондин умид, ул дилбари нозукбадан —  
Сурмани зоғул-басарға васл ҳар бор айласа.

Чоки сийнамдин равон ўлғой жигар хунобаси  
Май ичиб ағёр бирла чеҳра гулнор айласа.

Ёр жабр ила мени қилса оёқ остида хор,  
Ортиқ эрмиш менга ул, бул халқ сардор айласа.

Васл гардини тополмон излабон, ўлмай нетай,  
Ҳажр чоҳида кўнгул кўзгуси зангор айласа.

Ташламай ўзни нетай тангри таолоға бугун,  
Ёр ағёримни ёру бизни ағёр айласа.

Бир назар солғойму деб, бўлди таним охир туроб,  
Тупрағим элтинг, мабодо хос меъмор айласа.

Вайсий, ҳақ сориға ён, ваҳқим, ёнардин илгари —  
Анда иш бўлғай, сенинг жойинг қизил нор айласа.

Муарриз таҳсил айдай, шояд ул соҳибқирон сўрса.  
Ки, андин сўнг бу аҳволимни султони жаҳон сўрса.

Муҳаббат онча мадфун айламишким жисми урёним,  
Топо олмон ўзумдин, мендин ул ному нишон сўрса.

Олурман гоҳ-ногоҳ ядди ноқобилға танбурим,  
Тариқатдин биякногаҳ неча сўз орифон сўрса.

Бугун иқрорман танбур ила масту аластимға,  
Маломатдин деса бўҳтон, бу шамъи нурфишон сўрса.

Борай олдига йиғлаб, дод этиб мен муҳтасиблардин,  
Қаронғу бўлди дил бул сўзга, хуршиди замон сўрса.

Чақимчилар чақибдурлар мени ул муҳтасибларга,  
Ки тун-кун муҳтасиблар анда таҳқиқин равон сўрса.

Бориб кулбамга Нуруллоҳ хўжам ўн беш киши бирлаң,  
Кирибдур кулбама ёлғуз киши мендим баён сўрса.

Кириб беважҳи шаръий кўп киши, бу кулба қулфи йўқ.  
Не дерсан, билмамиш ул шаҳнайн охир замон сўрса.

Олиб танбурни қўлга, мени айлаб ҳақоратлар,  
Ки тунғуз бўлса пўст ташлар эмиш лафзи забон сўрса.

Раҳи шаръ ичра йўқтур муҳтасиблар уйга кирмаклик,  
Аларга кўчау бозор, шаръидин аён сўрса.

Тополмай ул Қарохол олдиға то борди Нуруллоҳ,  
«Ёшурди ҳақлиғи они» деди, ақл имтиҳон сўрса.

Биҳамдиллаҳ, мен анда — Моҳрухсоримнинг<sup>1</sup> олдида,  
Синар эрди белим етгунча, ул ҳукми равон сўрса.

Шафоат этти мунда Вайсийни мўйини бир тори,  
Умидим кўп ўшал фаҳри жаҳон, дорул-амон сўрса.

---

<sup>1</sup> Моҳрухсорим — Моҳлар Ойим, яъни Нодира бегим.



Ҳаводис илкидин ҳар дам доши душар боша,  
Шикоятлу ўлуб, зинҳор чин индирмагил қоша.

Ёзилгон иилгун тоқиға андоқ толеим вожун,  
Ки хаттинг барқрафтор илкима душса ўлур лоша.

Азалдан то абад ишқ ичра дарду ғам насибингдир,  
На суд эдгай букун мотам дудуб, дош урмағинг боша?!

Дедим: бир йўли густохона тарфи доманин ушлай,  
Деди: давлат этоки номуносиб дасти қаллоша.

Не истарсан букун роғиб хароб аҳволидан, Вайсий?  
Мудом омёда ғам кўнглидаю кўзлар дўлур ёша!

Менга ул ситамгарн пуржафо ситаму жафоси қачонғача?  
Яналарга ваъда карам этиб, карама вафоси қачонғача?

Юз ўгурмиш ул маҳи меҳрваш менидинки журму хато кўруб,  
Гар эса хатоси бу зарранинг, аниким жазоси қачонғача?

Бу фироқ ўтида куюб кўнбул, етиб эрди жисмима заъфлиг,  
Яна бул тағофил ўти билан жигарим яроси қачонғача?

Назар этса аҳли сафо менга, оқарур бу бахт билан кўнгул,  
Ани суҳбатив нечун изламай, икисин қароси қачонғача?

Дили ҳақиқидин топибон асар, тила шаръдин берибон хабар,  
Сўз этар чоғида икисининг тўла можароси қачонғача?

Гули гунчайи нашугуфтага ета олмай они фироқида,  
Чу ҳазин бу жисми фиғор ароки бу жон навоси қачонғача?

Бу Увайсий баҳрина ғўта ур, хабар ол ўзунг дури ганжидин,  
Дилидин етургуси ҳолини бу забон сабоси қачонғача?

Айлади нури бир ой дилин мунаввар бу кеча,  
Ой эмас, тобиши бир хуршиди анвар бу кеча.

Гурбат аҳлини дили ер бирла тенг эрди, шаҳини,  
То кўтарди дилини шоҳи диловар бу кеча.

Лутфу эҳсона қадам қўйди талабгөрлар учун,  
Хотами Тайни кўрунг, ғўли муқаррар бу кеча.

Соя солди бошим узра бу ҳумогон кунжим,  
Қилди иқболими аъло қуши шаҳвар бу кеча.

Ер кундинму бўлуб, топти гаваллуд ойдин,  
Ани-чун бўлди бу гумраҳлара раҳбар бу кеча.

Хусни баҳрида садаф ичра ниҳон эрди сузи,  
Лабидан сочти шакарлик дуру гавҳар бу кеча.

Неча кундин бери Вайсийга фироқ эрди насиб,  
Базми султони бериб, бўлди муяссар бу кеча.

Хоки раҳ бўлғил санам йўлида, раҳбар бўлғуча,  
Оташи ишқ айлагил жисмингни, мажмар бўлғуча.

Ҳусн шоҳининг юзидин соқлагил кўз мардумин,  
Мубталойи банди ул зулфи муанбар бўлғуча.

Бир нигоҳи юз туман оламни тасхир айлади,  
Қил ҳазар ул чашми жодудин, мусаххар бўлғуча.

Ҳоли зорингдин тўла фош этма қиртос узраким,  
Муттаҳам — ағёрға ёра — мукаррар бўлғуча.

Шиква қилма қошу кўзу, юзу зулфу, лаълидин,  
Иштиқоқ этмакка дард аҳлиға масдар бўлғуча.

Ғайрдин бир хас хаёлинг ичра тамкин бермагил,  
Пок қил дил уйини манзури дилбар бўлғуча.

Орзуйи васли жонон ўлма, Вайсий, негаким,  
Мубталойи доғи ҳирмон ноз пайкар бўлғуча.

Бўлдим дучор кўнгли қатиг бағри тошқа,  
Эй дил эли, кўнгулни берингким, синошқа.

Меҳрим чунонки собит эрур хулқ хўйиға,  
Билмон, не бўлди, ёримидур меҳри бошқа.

Келди муҳаббатинг, қуйи туштум юзим тубан,  
Ҳар ким йиқилса тўймади ҳаргиз курошқа.

Васлингда мен ўзумни йўқотсам, ажаб эмас,  
Маҳ ёндошарда йўқ асари ҳеч қуёшқа.

Кўз қуйруғи билан боқасан, эътироз аро,  
Жоним қачон фидо бўлур ушбу қарошқа?

Эл гуфтуғўйин остида хору залилман,  
Ҳаргиз тараддуд этмадим илми маошқа.

Чарха дутар кафини Масеҳинг, берарга жон,  
Истар кўзунги қатлими, қолдим талошқа.

Ҳуснунгда фарз адосини баржо этибдуман,  
Кўзга муҳаббат эттиму ҳам сажда бошқа.

Зоҳид, табоҳ ҳолима сен этма сарзаниш,  
Махлуқ билмагай не келурини бошқа.

Вайсий жаҳондин ўтти, муродиға етмади,  
Тўймоққа расм йўқду қорин суйган ошқа.

Муҳаббат рамзидин ифшо этам ул ой жанобиға,  
Не ойким, зарралиғ касбин этургон офтобиға.

Риёзат тухмини дил мазраъиға ишқ деҳқони —  
Сочан, кўз ашки — жон меҳриду лозим — офтобиға.

Зулоли оби ҳайвон изларам монанди Искандар,  
Ҳаёти Хизр учун дил жустужўйи лаъли нобиға.

Азалда ишқ дарсидин сабоқ олгон эди руҳим,  
Анинг-чуи орзудур бу кўзум ҳуснунг китобиға.

Русуми хўблар андоқки, толибға жафо қилмоқ,  
Дило, сабр айлагил лойиқ кўран ҳар на азобиға.

Ҳад эрмас менга кўз очсам юзига шаҳсуворимнинг,  
Бу давлат кам эмас: сурсам, кўзумни мен рикобиға.

Йироқдин термулуб ушшоқлар, маъшуқи сангин дил —  
Тағофил хирғаҳида олғай ўз сатри ҳнжобиға.

Мақоми ишқдин бир зарра рамз айларга монеман,  
Таҳаммул айлаёлмасманки зоҳид эҳтисобиға.

Хароби ёр ўлан, ҳам рашк утда қуйган эрларнинг —  
Тараҳҳум айламас ҳолиға, ё бағри каобиға.

Алам ҳумродин айлаяг, қони бағримдин, хабар топсун,  
Қиё кўз солса сарви қад ҳазин жисмим туробиға.

Нийёз эт мисраъи аввал бошин ҳарфи мусаммодин,  
Фанофиссайр мазлум Вайсийнинг таъбиғ жавобиға.

Сўрмадим аҳволиңги, дарди фаровон андалиб.  
Хор захмидин ажаб чоки гирибон андалиб.

Доҳил ўлдим мен баногаҳ ушбу гулзоринг аро,  
Инжимакдин манъ қил бу кеча меҳмон андалиб.

Кўзга нафлат сурмасин тортма саҳар вақтида сен,  
Субҳдин шома етиб бўлди наришон андалиб.

Кечалар шеван билан, гул чеҳраси кўрмак учун,  
Кўрмайин гул хандаси бўлди пушаймон андалиб.

Кўрди васлини ганимат ул замон жононанинг,  
Холи йўқ гул хоридин, бўлдикки ҳайрон андалиб.

Хор жабрин ол ўзунга, ташла ул сорияга ўз,  
Хор нишидин равон ўлсун қизил қон, андалиб.

Вайсий, ул гул чеҳраси ҳумро эмас, ўлғой наким,  
Кеча тонг отеунча бағрин қони резон андалиб.

Тушму ё бедорлиғ: келди париру тебраниб,  
Кўнглума фаҳм ўлди сартосар жафожў тебраниб.

Ишқ дардин манъ қилмоқликға дам урма, ҳаким,  
Келмас ул жонона дарди бирла дору тебраниб.

Шукрилиллаҳ, боғбон очти дари иқболими,  
Хатти — райҳони чаман, зулфи — суманбў тебраниб.

Шодлиғ мардуд мендин умриминг то борича,  
Не учунким, меҳри бо ҳамроҳи қайғу тебраниб.

Соқиб, қилма қадаҳ лабрез, нозимдур кўнгул,  
Дам-бадам соғар тутуб, муғбачча бадхў тебраниб.

Зоҳидо кўп иддао қилма харобат аҳлиға,  
Васл чоғида келур дийдангға уйқу тебраниб.

Вайсий, афсун айласа ақлу ҳушингни ул замон,  
Кулди ул мужгон тузаб, ул чашми жоду тебраниб.



Мурғи жон дам ура олмаски, гулистон соғиниб,  
Мардуми кўз кўра билмас, маҳи тобон соғиниб.

Юрмани назм ҳуруфига забоним тарағи,  
Анбарафшонлиғ ўшал зулфи паришон соғиниб.

Соқиб, ташналаб ўлмушди Масиҳо, майни —  
Қадаҳи дил, хабар ол, бўлди тўла қон, соғиниб.

Тарки базм этти харобот эли май ўксугидин,  
Қўлга ол, соқий, қадаҳ, ўлди пушаймон соғиниб.

Чекти тасвиринги наққоши азал жаннат аро,  
Қилса тоат не ажаб зухд эли ғулмон соғиниб.

Жона жабр айла, Увайсий, раҳиға қўйма қадам,  
То азиз бошинги гўй айлади чавгон соғиниб.

Эй гул, жигарим қони узорингга муносиб,  
Юз порали куксумдаги хорингга муносиб.

Сарф айлама ҳар беҳабара лаъли ҳадисинг,  
То қаҳру ғазаб ҳам мени зорингга муносиб.

Тун соғарида шарбати бедорлиғ ичсанг,  
Мастоналиғ ул чашми хуморингга муносиб.

То қилди муаттар хати райҳони саҳаргоҳ,  
Хушҳоллигим ҳусни баҳорингга муносиб,

Манъ этма тараҳҳум этибон, ёр, йулунгдин,  
Ашким йул аро манъи губорингга муносиб.

Дил манзариини пок этибон мунтазир ўлдум,  
Бўлгойму экин табъи гулзорингга муносиб?

Рашк оташини, Вайсий, бугун айла мукаррар,  
Юз сен каби девона ниғорингга муносиб.

Шужраиллаҳ, ҳусну-руҳеоринг менга бўлди насиб,  
Марҳамат бобин юзумга айлагил во, эй ҳабиб!

Бир пари кунглумда ҳозир, кўзда гойибдур, нетай?  
Ул сабабдин остонингга келибман охтариб.

Уқларинг захми вужудимда жароҳат доимо,  
Марҳам этгил жисми уреним кўрубон, эй табиб.

Поймолу хоки раҳ бўлса вужудим, мақсадим  
Жон ба ҳақ таслим этсам, гарди пойнинг ёстаниб.

Эй улус, юмгил кўзунг, аҳволима раҳм айлабон,  
Кўз очай ҳусниға, маҳбубим келурмиш тебраниб.

Шум рақиблар бўлса васлингдин йироқ, айтгил мени,  
Мен ғариб ҳолим дейин, дийдорингга қилгил қариб.

Бош керак бўлса бугун, тўккил Увайсий қонини,  
Зулфи тарроринг тараб чиқгил, самандинг уйнатиб.

Айласам кўтоҳлиғ, сен айла пинҳон, қилма айб,  
Дард афзундур, чиқар оҳим-ла афғон, қилма айб.

Топмадим излаб бу олам аҳлидан бир дардманд,  
Йиғласам мен сенга дийдамдин тўкуб қон, қилма айб.

Айлади ноаҳл бедил кўнгли мажруҳим мариз,  
Айладим сендин талаб дардимга дармон, қилма айб.

Эй рафиқо, кулфати оламдин арз эткон замон,  
Нутқи бетаъсирими қилдим фаровон, қилма айб.

Неча мендек мустаҳиқ лутфинг гадоси доимо,  
Не ажабдурким, менга, соҳиби эҳсон, қилма айб.

Орзуйи васли дийдоринг агар ўлсам бугун,  
Ғам зимистонидаман, хуршиди тобон, қилма айб.

Бўлмаса манзур Увайсий машқи, эй саййид насаб,  
Маъдани маъни эурсан, менки нодон, қилма айб.

Ой юзунгга қилмағил зулфи паришонинг ҳижоб,  
Менга боқғил, қилмағил чашмингга мужгонинг ҳижоб.

Қон ютуб топтим сени, қилдинг нечукдин-эътироз,  
Айлама, эй шўх, бул кун лаъли хандонинг ҳижоб.

Утса гар мендин хато, айғил менга, қилма ниҳон,  
Бўлмасун ўтруда зоҳир нутқи пинҳонинг ҳижоб.

Ёки бир ағёр илгидин ичибсан бодани,  
Билмадим ул бирда қилгон аҳду паймонинг ҳижоб.

Мақсадинг недур, аё жондин азизроқ ҳамдамим,  
Эътирозинг айлади чоҳи занахдонинг ҳижоб.

Очти кўзни, сочти сўзни нозпайкар — жабркор,  
Деб эмиш ағёр сенга: «Чашми гирёнинг ҳижоб!»

Ёрдин мақсуди дил ҳосил қилур эрдим бугун,  
Эй фалак, бўлди менга кажравли давронинг ҳижоб.

Зоҳидо, қилма тамасхур бу фано аҳлини сен,  
Бўлмасун бу дуди оҳим бирла имонинг ҳижоб.

Фош қилдинг ишқ сиррини, Увайсий, танг дил,  
Ушбу кун бўлғай анга дарди фаровонинг ҳижоб.

Заррайи ушшоққа, эй дилбар, жамолини офтоб,  
То ниҳон этмоққа ул шабранг торингдур ниқоб...

Қилмамиш тафриқа касбидинки, лутфи гайрадур,  
Узгалар шодобдурким, уз гадосидур хароб.

Жон берам майхона ичра, раҳмдилдур лири дайр,  
Тангри, кўрсатма баногаҳ муҳтасиблардин азоб.

Соқиё, лабташналардин қилма соғарини дарин,  
Лахчайи рашк оташига доимо бағрим кабоб.

Мурда жон топқай эди нутқи Масиҳедин, Масеҳ —  
Нега қилмас бағрими жон фурқати ул лаъли ноб?

Нутқи лоқинғини шакаррез этма кун: қилма бадал  
Шаҳдким — беганая, талх — ошнеларга ҳисоб.

Чун таваккул фўтасин боғла, Увайсий, йўлида  
Тегса минг кулфат бошингга, айла жисмингни туроқ.

Қилди ул **мзшиқ сариди** ўзни изҳор офтоб,  
Не учунким, излагай ҳар рӯз дийдор офтоб.

Чарх зарфига қўюб оғзин, ютар ҳар кунда қон,  
Шом вақтида шафақ билгурди хунбор офтоб.

Кеча излар, кундуз излар, ваҳки, бир дам тинмайин,  
Чарх водийсинда Мажнуни жигархор офтоб.

Бенасибинг деб эдим бир мендуман, ҳар рӯзу **шаб** —  
Мен каби, жонон, юзунг кўрмаккадур зор офтоб.

Мен нечук Мажнун каби расвоий олам бўлмайин,  
Чарх уза рухсори моҳнингга гирифтор офтоб?!

Дўст деб тутти этокин ул фалак ғаддорнинг,  
Шатта урди, кетти мағриб, топти озор офтоб.

Вайсий, бошинг узра қўй хуршид талъат ёрни,  
Билмадингму, зарралар бошида дастор офтоб?!

Ғами дилдин кима дей, сен каби ғамхор туруб?  
Арз этай кимлара мен, шоҳи хабардор туруб?

Дема: «Гул барглари инжудек афғонинга!» — ким,  
Қай сори нола қилай орази гулзор туруб?

Хуснингни кўргали олам ҳама муҳтож эрур,  
Кўрсатурсан кима юз толиби дийдор туруб?

Носиҳо! Пандингиким, гуш қабул айламади,  
Ёр лаълини ҳадиси — дури шоҳвор туруб!

Даҳр бозорида савдо қилура йўқ дирамим,  
Бағри қон бирла борай қайда бу бозор туруб!

Лашкари фақр келиб, кўнглуми торож этти,  
Жумла шаҳлар шаҳи — сен, соҳиби асрор туруб.

Айламаслар киши равшанли мусобеҳдин умид,  
Нури оламға тотур хуршиди анвор туруб.

Юзунги кўргали лозим эса, эй Мисри Азиз,  
Қилма ойнани сайқал, дили зангор туруб.

Бева, мазлуми сияҳбахт ғарибингдурман,  
Ярашур кимга мурувват, мени бемор туруб?

Вайсий фарзандлари чўнг бўлди, тилар тўй кимдин,  
Сен каби шоҳи жаҳонгиру жаҳондор туруб?



Маъшуқ эрмас, бўлмаса ваест ичра нозик кўндаланг;  
Ошиқ эрмас, бўлмаса сўзу гудози кўндаланг.

Неча кун бедор ўлуб, ҳеч топмадим андин асар,  
Нўш аро бўлди муяссар эътирози кўндаланг.

Тоатингдин рост ўз роҳингга сен айлаб ҳавас,  
Ул муҳаббат бирла, зоҳид, қилма бози, кўндаланг.

Гар муҳаббат истасанг, қилма маломатдин ҳазар,  
Ҳар киши қўйса қадам, аввал мажози кўндаланг.

Ҳар киши қилса ибодат, тонгла маҳшаргоҳда,  
Тушгай ўтрусига ул қилгон ниёзи кўндаланг.

Вайсий, сўз кўтоҳ қил, гарчанд ҳасрат бўлса кўп,  
Келмасун кўнглига ҳар бирси дарози кўндаланг.

Бўлмасайди то паришонлигда зебо кокулинг,  
Қилмағайдим шона чоғидэ тамошо кокулинг.

Урмасам эрдим олиб илгимга ул машшотни,  
Қилмағай эрди мени оламга расво кокулинг.

Ё харидор ўлмасам эрдим жунуи бозорида,  
Солмағайди бошима юз рангли савдо кокулинг.

Хусни рухсоринг туё қўрғай эдим қадри туни,  
Қилмасайди юзларинг устида ғавғо кокулинг.

Қолмағайдим иорасолар таънаи пинҳониға,  
Этмасайди сиррими элга ҳувайдо кокулинг.

Қўнмасайди моҳ рухсорингга қўнглумининг қуши,  
Тушмағайди тори то буйнумга ялдо кокулинг.

Оемасайдинг жон олур вақтinda зулфунг дор этиб,  
Бўлмағайди мунча Вайсийга мужалло кокулинг.

Санамим, муҳаббатинг утидин тўло бор эди ҳазарим менинг,  
Қаю кунда жо тошиб эркан ул кўйгул ичра, йўл кабарим менинг.

Дема ҳар жаломнинг улус аро, била олмагай ани қадрини,  
Садафингни батинида музмар этки, нафас-суви гуҳарим менинг.

Не бўлур тараққуме айласанг, лабинг орзусида ҳар саҳар —  
Дил ариғидин ики кашмага оқа бошлади жигарим менинг.

Нетай, офтоби бу толейимга тулуви этмади, ҳасрато,  
Чу мурувват оқида боқмадинг, ҳамма зер эрур Забарим менинг.

Ситами эрур кўзима адаб, тами ўлғуси дилима галаб,  
Бирн сад савобдин афзунекл, хатоин лаб шакарим менинг.

Ажаб ўлмагай ўларим вафони йўлида марқади Мажиуна,  
Ки фироқ дашгида йиғладим, тушуб эрдиким тузарим менинг.

Бугун учрамиш, нетайин, ул ой бу фалакни ғайри саҳобиға,  
Ўмид уз кўнгул, менга бу эрурки, бу шом ила саҳарим менинг.

Жафосин чекмаса бўлмас муяссар сенга жононинг,  
Юракка дард етмай таъсир этмас оҳу афғонинг.

Кўнгул, сабр айлагил, бетоқат ўлма ҳажр шомига,  
Зулумот ичра қирмай топмағайсан оби ҳайвонинг.

Недин дод айламай, уммид субҳим шома айланмиш,  
Фиребу макр ила васлингни афсун этти ҳижронинг.

Қошинг бир ғамзаси то тўқди юз ушшоқ қонини,  
Қўзунг майдонида саф-саф тамошо қилди мужгонинг.

Вужудим поймолин хоки роҳидинки манъ этти,  
Аё хоки, ватан кўйида туттинг, борму армонинг?

Увайсий, бодаку расми ҳижоб ўлғай тааллуқот,  
Аларни ғарқ этар тўфон ўлуб бу чашми гирёнинг.

Мурувват махзани, токим Сурайё лашкари сонинг,  
Тағофил бирла қаҳру ғамзадурлар аҳли майдонинг.

Ики лабдур вазири аъзаминг, кўнгул қаён кетгай?  
Аларга маслаҳатсиз бўлмағай не ҳукм қилғонинг.

Хат эрмас, зеб учун лутф ила наққоши азал ул кун —  
Зумурраддин тузатти даврайи лаъли Бадахшонинг.

Не бўлди бир тамошо қилдурурсанг, эй баҳори ҳусн?  
Ниҳоли қомати — озоду рухсори гулистонинг!

Жамолинг орзу айлаб келибдур бул ғариб мискин,  
Қуюндек водийи ҳижрон аро аввора қилғонинг.

Бўлди, нозук баданим, жисмима жо ҳижронинг,  
Шаҳ эдим васлинг аро, қилди гадо ҳижронинг.

Сарв ё туби каби эрди сенинг даврингда —  
Қоматим, ваҳ нетайини, қилди дуто ҳижронинг.

Нетайини шиква қимай, ушбу жудолик ўгядин,  
Айлади ёри азиздинки жудо ҳижронинг.

Қўп эрур сен била мендин бу жудоликқа муҳол,  
Қилди ушбу фалаки раҳм-пбо ҳижронинг.

Сенга етмас менинг арзимки, бу ҳолимни десам,  
Мени айлабти, нигоримки, адо ҳижронинг.

Фурқатинг онча қавидурки, анга етмасдур,  
Васлиңги афсун этиб, қилди табо ҳижронинг.

Мени Макнунага дод айлайини ул рўзи жазо,  
Ушбу қонун ила бўлмишки жафо ҳижронинг.

Тўбидин ажсан эрур, динбар, қади зеболигинг,  
Тутидин афсаҳ эрур ширин-шакар гўёлигинг.

Таъна қилма ношикеболиғни изҳор айласам,  
Тушти бошимга ажойиб шўришу ғавғолигинг.

Сайри тулшан бирла табъимким кўшод ўлмас, нетай?  
Дил ҳадиқи ичра бутган гунчайи раънолигинг.

Ғайрдни қон эрди бағрим, ҳам мушавваш хотирим,  
Ҳасратимни барҳам урди соҳиб маънолигинг.

Мавж уран дарёни раҳматким, саломатларгадур,  
Дард аҳлига не деб, эй шўх бепарволнеинг?

Орзу бирла ҳавас идбораким дафн айлади,  
Фақр роҳидин хабар берди сенинг аълолигинг.

Мисли бир парвонадек Вайсвй тилар васлиниг мўдом,  
То ёрутқай кўнглини, эй шамъ, базморолнеинг.

Езмакимда ваефини қилди нечук тоқат хирад?  
Не учун жонона меҳрига эрур улфат хирад?

Боғлади маҳкам белин қошнини ёд айлаб қалам,  
Ёзди жону дил билан, сен қилма кўп миннат, хирад.

Сўрмагил мендин санам васлинда ибну отини,  
Ақлу, фаҳму, ҳушу идрокимгадур ҳайрат, хирад.

Гул юзин, райҳон хатин, кавсар лабин ёд айлаюб —  
Эрди хористон, бўлди бул замон жаннат, хирад.

Эй дило, тутқил хирад, ёндур муҳаббат ўтига,  
Айлади ишқ аҳлини шоҳидига бидъат хирад.

Кўзи қаҳр этса баногаҳ, васф этарда сўзини,  
Неча сўз бирлан нигоҳин айлади гийбат хирад.

Вайсидин ишқу муҳаббатнинг русумин истама,  
Ушбу ашъор ила берди зеб ила зийнат хирад.



Қайси қулдур, қилмағон сарви хиромонингни ед?  
Қайси сунбул қилмади зулфи паришонингни ед?

Иқтисоб айлабду ҳуснунг сабзасидин, этмагон —  
Қайси фаслининг баҳори хатти райҳонингни ед?

Қошларинг савдосини бошимга рифъат айладим,  
Қилмағон ким ийди рухсорингда қурбонингни ед?

Ўзгаларга лутфу эҳсонингни еткургонда ҳам,  
Ҳеч қилмассан меннингдек зору ҳайронингни ед.

Рашкда жоним, тараддуд айлади уқбоға азм,  
Айлагил, эй шўх, мендин сўнгги армонингни ед.

Ўтқамен ғам чоҳидин шавқинг самандин ўйнатиб,  
Қўнглум айлаб дам-бадам чоҳи занахдонингни ед.

Кирса худрой йўлга таълимсиз, адашгай роҳидин,  
Вайсий, ҳақ ёдида бўл, айлабки жононингни ед.

Билмадим, қайси пари қилди бу гуфторимни банд,  
Назм савдоси билан ҳам таъб бозоримни банд.

Эътироз этма, баногоҳ ўлса номаъқул бу сўз,  
Ҳусни рухсоринг этибдур ақли ҳушёримни банд.

Септи тухми хорни ағёр душманлик қилиб,  
Бўлди хористон, қилди роҳи гулзоримни банд.

Ер кўйига бугун борғум, танаҳҳум ғайрдаш,  
Бўлса минг жоним фидо, ким қилса ағёримни банд.

Билмадим воқеъ недур, васл ичра кўлдур эътироз,  
Урмади бир калима сўз, этмиш шакарборимни банд.

Сўзга кирди базм аро, юз баҳс пайдо айлади,  
То онинг доноляғи қилди йўқу боримни банд.

Ўзга юздин рашик, итоб этма, Увайсий, зордин;  
Нарвиси мастинг этибдур чашми беморимни банд.

Узни менга қолғонда чунон айлади жаллод,  
Лутфини рақибларга аён айлади жаллод.

Қурбони қошинг бўлгали илгингдин умидим,  
Фурқат ўти куксумни нишон айлади, жаллод.

Дил қонини тукмакка забонимни буюрди,  
Ошиқлиғими элга баён айлади жаллод.

Мафҳуми кўзум ул эди, эй мардуми чашмим,  
Қон ила сиришкимни равон айлади жаллод.

Жононима жон бўлса керак деб кеча-кундуз,  
Ишқ аҳлини чашмим нигорон айлади, жаллод.

Зулфи била банд айлади пойим била дастим,  
«Қабл анта мамот»имға камон айлади жаллод.

Ул тешайи рашким бошима ташладим охир,  
Узни менга қолғонда чунон айлади жаллод.

**Тиларлар аҳли олам доимо дилдоридин хушнуд,  
Бўлурму ҳеч одам мен каби озоридин хушнуд?!**

**Ажаб ёреки, эҳёлар кўзин қатлида жон бергай,  
Неча мавт аҳли бўлғойлар лабин гуфторидин хушнуд.**

**Тараддуд қилма, эй жонон лаби, сен сўзга кирмакка,  
Тугатти сўзни, бўлдим мен кўзи хунҳоридин хушнуд.**

**Санам хушнудидин ғайр аҳлиға жоним тасаддуқдур,  
Қиши бўлғоймукин ҳеч вақтда ағёрдин хушнуд.**

**Деманг: «Мажнун шавқи Лайлининг ойинасидиндур!»  
Юзин миръотининг тахтида ул дийдоридин хушнуд.**

**Қаломин музмар этти, бўлди ондин кўҳқан Фарҳод,  
Деманг: «Ширин лабининг нутқи шаккарборидин хушнуд!»**

**Ўвайсий, кўр, равон ўлғонда онинг йўқду муштоқи,  
Сабаб улдур: менинг жонониминг рафторидин хушнуд.**

Жонон сөридин келмиш, ваҳ, ғамму экин оё?  
Арзимни эшитмакка ҳамдамму экин оё?

Дарёни буён элтмиш мироб равон айлаб,  
Васлини тилар чашмим пурнамму экин оё?

Дерман кўтариб бошим: «Жабри менга яксардур!»  
Ўзга қулиға жабри кам-камму экин оё?

Жоно сифатин дерга ожиз бу забон, билмам,  
Жо топти бири кўнглум, оламму экин оё?

Айдимки ситамкора: «Мендин ўз эрур ағёр!»  
Айди бу замон ул шўх: «Маҳрамму экин оё?»

Бир доғ солибдурким, лутф этмаганидинму,  
То вақти жудолиғдин мотамму экин оё?

Беҳуда жафо чекма, Вайсий, нега ағёра —  
То аҳд ила паймони маҳкамму экин оё?

Бахтим кўзига уйқу мавзунму экин оё?  
Иқболима қасд эткон гардуиму экин оё?

Эй лайливаши золим, десанг не бўлур бир йўл,  
Хуснунгга завол ўлмас: «Мажнунму экин оё?»

Туштимки биёбона бир юзи бўлуб лола,  
Қонимга ўшал сахро тулгуиму экин оё?

Ваҳ, маҳри ниҳон ўлса сўрма жигарим қонин,  
Шом ўлса шлфақ бағри шурхунму экин оё?

Маҳрум кўзум буя кун кўп йирлагонидинму,  
Зоҳид, дема: «Бу дарё Жайҳунму экин оё?»

Эй соқийи давроним, етгунча қадаҳ қўлга,  
Телмурмагим пилгингга мазмунму экин оё?

Сўрма бу Увайсийдин ёнмоғи саволини,  
Гар берса башорат шох турғунму экин оё?

Бир шўхи замон кўрдим, дилбарму экин оё?  
Бошига қўён эгри афсарму экин оё?

Юз узра паришондур нассожи сияҳ тори,  
Машшота агар урса ҳайдарму экин оё?

Бир қатра зулолидин бўлғай минг ўлук эҳё,  
Бир деса бўлур кофир, шаккарму экин оё?

Жонона хаёлимдин азм айласа бир соат,  
Бошимга тушан савдо маҳшарму экин оё?

Эй ёр, нигоҳингдин қонлар дил аро жорий,  
Ҳар бир мижа-бир хунрез ханжарму экин оё?

Ошиқ киши илҳомин ушшоқ эшитиб бул кун,  
Даргоҳида маъшуқнинг сафдарму экин оё?

Онсиз бу жаҳон ичра кўз очмадигим ҳаргиз,  
Фардо бу сўзим анга боварму экин оё?

Бечора Увайсийни бир кун демади маҳваш:  
«Кўйимда гуломи чун камтарму экин оё?»

Кўрунур боғ аро бир дилбари гаҳ рост, гоҳи каж,  
Юзи узра татовул — ҳайдари гаҳ рост, гоҳи каж.

Борибон ул париваш заъф ҳолин сўргил, эй қосид,  
На воқеъдур: ёнида бистари гаҳ рост, гоҳи каж.

Такаллум қилмайин кулди табассум бирла ул гулруҳ,  
Кўрунди лаб аро тиш гавҳари гаҳ рост, гоҳи каж.

Дили маҳзун қаю ғамзангда қошингни хаёл этсун,  
Қийибсан бир кулоҳи афсари, гаҳ рост, гоҳи каж.

Кеча-кундуз бошингдин тинмайин афлок ўгрулди,  
Қамардин рашк этиб шамс анвари гаҳ рост, гоҳи каж.

Кўнгулда мосиводин йўқ десам, қилмас қабул ҳаргиз,  
Етиб дафзингга қилгон бовари, гаҳ рост, гоҳи каж.

Увайсий, рост Мажнун, бесару по, асрағил, эй шўх,  
Замона аҳлининг мажнунлари гаҳ рост, гоҳи каж.



Ишқ аҳлига ярошур доимо сўзу ғудоз,  
Шўх аҳлигаки, истиғно билан юз онча ноз.

Бошда савдо, кўзда ашку, дилда доғу жонда ўт,  
Мен каби ҳеч кимса қилгон йўқ муҳаббат сарфароз.

Эй ғинойи муғбача, олдингда жон берсам бугун,  
Чангу, қонуну, рубобу нағмани сен айла соз.

Беҳабарликнинг зимистонида ким бўлса ҳалок,  
Ишқ ўти кўнглум аро доим етарким боз-боз.

Ёр васлидин мени маҳрум деб, таън этмагил,  
Сабр тоғида турубон айтурам жононға роз.

Қилмағил бу даҳр аро фосид хаёлингдин тамаъ,  
Бебақодур, эй дило, қилғил жаҳонға имтиёз.

Вайсий шаънига муносиб кўрса ким ҳар қанча сўз,  
Минг забон пайдо бўлуб, айтса яна то бўлса оз.

Эй сабо, жоним ҳалокин айла жононимға арз,  
Ифқин, жисми нотавон аҳволин эт жонимға арз.

Оҳ дудин, ашк рангин, нола авжин айлагил —  
Зулфи — сунбул, юзи гул, сарви хиромонимға арз.

Куфри зулфи дину имонимни барбод айлабон,  
Қолғони-жон қасдин этган номусулмонимға арз.

Ваъдаи васлига етмай ўлганимни, эй рафиқ,  
Қилғасен, ҳар ерда кўрсанг, аҳди ёлғонимға арз.

Васл шавқи голибиман, гунгманким, айламак —  
Ҳоҷат эрмас қошифи асрори пинҳонимға арз.

Эй Увайсий, ҳажр зиқдонида жоним хавфи бор,  
Қилғасен, етсанг яна албатта султонимға арз.

Хат ёзибдур ҳуснунг, аввалги баҳосидур ҳануз,  
Марҳамат йўқтур, харидора изосидур ҳануз.

Жавр то кўргунча гутқаймен умид ондин вафо,  
Қайта-қайта ранг-баранг жонон жафосидур ҳануз.

Орзу рўзи азалдин ҳуснунга, шамсу қамар —  
Рутбайи чарх узра дийдоринг гадосидур ҳануз.

Таҳсин эрмас Лайливаш ёди била бўлсам туроб,  
Турбати Мажнун нигорин мубталосидур ҳануз.

Қийган эрди лабларинг ҳажрида дил ҳумро энгил,  
Сангдил, золим, анинг гулгун қабосидур ҳануз.

Интиҳо излаб фироқин даштида сарсондуман,  
Барҳам ўлди умрим, ишқинг ибтидосидур ҳануз.

Неча кун хуноба ютти ул лабинг шавқи билан,  
Бўлмади ҳаргиз муяссар, қон — гизосидур ҳануз.

Вайсий кўз юмди жаҳондин ҳусн арзонин тилаб,  
Хат ёзибдур ҳуснунг, аввалги баҳосидур ҳануз.

**Не** балоли чарх экан ушбу дун, менга ҳажридин ватан айлади,  
**Ватан** ичра боз не тириклигим, яна дардини кафан айлади.

**Не** бало бу золни қасдини, не билай бу чархни дардини,  
**Ки** улус қўлида қизил гули, иликимда ғуж тикан айлади.

**Ета** олмадим чу вафосиға, қоча олмадим бу жафосидин,  
**Биларам** азалда муҳаббатин оёғим сори кишан айлади.

**Йитириб** эдим бу ҳушу диним, қарасам — санамни қошидадур,  
**Бу** асир бўйнума қуфл этиб ики зулфидин расан айлади.

**Чиқибон** сувор ўла ул пари, бу кўнгул қушин қўла қўндуриб,  
**Олибон** ниқобини юзидин, хати сабзасин чаман айлади.

Бўлди хористон кўнгул, боғи рухи гул келмади,  
Ҳам фиғон этмай нетай ҳажрида, булбул келмади.

Интизор ўлдум мени машшотайи то хаста дил,  
Ноз илан анбарфишонлиғ зулфи сунбул келмади.

Кўнглум истар ҳар тараф жавлонгаҳин, бобок ўлуб,  
Тушкали занжири ишқдин бўйнима гул келмади.

То димоғимдур 'муаттарким, келиб бўйи насим,  
Кўз тутарман телмуруб, алвож кокул келмади.

Ташналиғ афсун этибдур, соқие, недур илож?  
Найлайн, муғбаччайи лаъли лаби мул келмади.

Қосидо, борғил бу дам ул меҳрининг кўйи сори,  
Бизлара номехрибон, бегона кўнгул келмади.

Келгуси ҳар кунда Вайсий зорға минг кулфати,  
Бўлди хористон кўнгул, боғи рухи гул келмади.

Чаманда гул — юзига қул, қадига — сарви озоди,  
Кузу зулфига — наргис бирла сунбул, бир паризоди

Ҳумойи авжи иззат соясин то бошима солди,  
Бошимни кукка еткурди, ҳамул дам етти имдоди.

Этиб зуннори зулфин дому холин айлабон дона,  
Кунгулнинг қушларининг сайдигадур турфа сайёди.

Нигорим қулға дуторин олиб, ноз ила соз этгач,  
Кунгулдин сабру тоқат борди, бошдин ҳуш барбоди.

Бериб жон лаъли ҳар дам, кўзларин қасди жон олмоқға,  
Ажаб бебок шўхи-қаҳри лутфомиз жаллоди.

Юзу зулфин, қади раъносини кўргонда дермишман:  
«Ҳам ул гулдур, ҳам ул сунбул, ҳам ул бир нахли шамшод!»

Бир охшом масти бепарво келиб, кунглумга ўт солди,  
Ҳазин жонимга онча қилди бедод узра бедоди.

Ямон кўз тегмасун деб, ошиқин кунглин сипанд этти,  
Бу найранг ила куйдурди, ким ул шогирд устоди?

Малаклар дода етти Вайсийнинг доду фиғонидин,  
Фироқингдин етушти чарх узра оҳу фарёди.

Висоли ёдида дўстларга мен зор ўлдум ўхшайди,  
Фироқ андуҳидин душманлара хор ўлдум ўхшайди.

Қатғ савдо тушуб бошимга, мен бўлдум харидори,  
Ололмай матлабим, расвойи бозор ўлдум ўхшайди.

Солибдур зулфи торин бўйнима, ё бандалик тавқи,  
Ваё ислом ичинда банди зуннор ўлдум ўхшайди.

Кўнгул сиррин тила<sup>1</sup> мазкур қилдим, кимга дод айлай?  
Гиладим кимдин? Ўзум-ўзумга агёр ўлдум ўхшайди.

Азалда руҳи нодоним суюбдур ёр ишқини,  
Анинг-чуи дарду ғам бирлан гирифтор ўлдум ўхшайди.

Париваш сайри боғ этмиш, тутуб агёр илкини,  
Ки ғайр аҳли ҳама гул шохида, хор ўлдум ўхшайди.

Нигоро, не бўлурким, мен ғариб васлингда жон берсам?  
Неча кундур — фироқ илкида озор ўлдум ўхшайди.

Увайсий орзу қилмиш сенинг олдингда ўлмакни,  
Тушубон мастлигин, эмди ҳушёр ўлдум ўхшайди.

<sup>1</sup> Т и л а — тилга маъносидда.

**Қи** булбул нола, афгон айламакни мендин ўрганди,  
**Вужудин** шамъ сўзон айламакни мендин ўрганди.

**Бориб** саҳрога, қон бағримдин изҳор айладим бир кун,  
**Фалак** бағрин қизил қон айламакни мендин ўрганди.

**Шафақ** — хун бўлғуси, дил, ёр меҳри гар ниҳон бўлса,  
**Само** гулгуни домон айламакни мендин ўрганди.

**Кўруб** абру ҳилолинг, жон фидо қилдим жамолингга,  
**Ул** ой ҳуснига қурбон айламакни мендин ўрганди.

**Фигонким**, ғам тароғи хаста кўнглум реш-реш этти,  
**Самам** зулфин паришон айламакни мендин ўрганди.

**Сени** изларман андоқким, қуёш дийдорин изларда,  
**Кезиб** тун-кун, шитобон айламакни мендин ўрганди.

**Қаноат** қилди Вайсий, толти дилдин гавҳари назмин:  
**Садаф** ҳам дурри галтон айламакни мендин ўрганди.



Кўруб рашк оташин бир тун дили ғамнок сесканди,  
Ҳароратдин, қадам ер узра қўйсам, хок сесканди.

Таваҳҳум бирла ёқ ҳирмон утин бағримға, эй шоҳо,  
Чиқан оҳим шароридин хасу хошок сесканди.

Дамо-дам ишқ сиридин самъи дилга айлади ифшо,  
Анинг-чун ақлу, ҳушу фаҳм ила идрок сесканди.

Қочиб ғам хайлидин бу дам Масиҳо сори юзландим,  
Бу шўр ангезлиқдин етти қат афлок сесканди.

Уқубат бирла тукти қоними, раҳм этмай ул сайёд,  
Таним захмини кўргач, осгали фитрок сесканди.

Агарчи бохабарсан, фашши дасторингдин, эй зоҳид,  
Валекин ботинингдан юз туман бебок сесканди.

Саломат аҳли, Вайсней, бағри хунобингда ғарқ улғай,  
Сиришкинг қонидин бу дийдайи намнок сесканди.

**Бугун бу нолайи зоримдин ул дилдор уйғонди,  
Биҳамдиллаҳ юқудин кўзлари хуммор уйғонди.**

**Таваккул шишасин кийсамки, урсам ғўта баҳри ишқ,  
Садаф батнида гуё гавҳари шаҳвор уйғонди.**

**Ғамим ҳаддин ошиб, беморлиғ билгурди жисмимга,  
Табиби жона дору, ҳам яна ғамхор уйғонди.**

**Кўзи уйқуға борса ёр, ишқ аҳли тирик эрмас,  
Ҳаёт обин ичурмакка Масеҳ минқор уйғонди.**

**Бу охшом бодайи раҳм ичти лутфи журъаси бирла,  
Саҳар шодоблиғ бирла юзи гулнор уйғонди.**

**Увайсий, сабр қилдинг, уйқудин бир кун очар деб кўз,  
Карам ҳамёзин айлаб, соҳиби асрор уйғонди.**

Қай чаман раъносидинсан, гулъузoringга бали,  
Қайси дарё мавжидинсан, табъи жoringга бали.

Тўндириб афлоклар, ичсанг муҳаббат бодасин,  
Қонёъ ўлмас лаъли нобингим, хумoringга бали.

Кўз саводи интизорингда оқарган эрдиким,  
Сақлади мардумларин, кўйи ғубoringга бали.

Етти авроқи фалакдин ўтти афғоним уни,  
Ул малойиклар дегайлар: «Оҳу зoringга бали!»

Эй Увайсий, мунча дилзор бадхўлиғ билан  
Ҳақ таоло раҳмидин уммидворингда бали.

Нечук жонона, истиғно билан куйдурди афъоли,  
Учолмас дил қуши ҳар ёна, сўзондур пару боли.

Тараҳхум айлағай, шояд, кетар вақтимда ул дилбар,  
Ажаб эрмас, агар қилсам таним йўлида помоли.

Кузи жаллоди бераҳму, ажойиб шўхи бепарво,  
Солур дин мулкига ғорат ўшал ҳиндубача холи.

Висолин орзусида берурман кеча-кундуз жон,  
Агар бўлса муяссар ул, ўзум — ҳайрон, тилим — лоли.

Кўнгул, сен истама ҳусн аҳлидин махсуслиғ, ваҳким,  
Фаровондур сенингдек неча кўйида қади доли.

Нечук мен эътироз этмай сенга, эй соқийи даврон,  
Таваққуф менга қолғонда, яна соғар эрур холи.

Қадам фикр этмайин қўйма фано йўлига, эй зоҳид,  
Ютар қон косайи ғамдин, будур Вайсийнинг аҳволи.

Биҳамдиллаҳ, саодатдур менга ул дўст пайғоми,  
Хаёли лавҳидин зойил эмас чунким гуландоми.

Забоним шонаси, эй соқий, юрмас сочи торига,  
Нечун нутқи шакаррези хумори бода ошоми.

Шакебо масканин симоб обод этса эрмас тонг,  
Туроби остонанг фавжи дард аҳлига ороми.

Ниқоби сунбулингдин таъни пинҳонман, насими гар —  
Қарам фазлидин ўлса то ҳувайдо, бўлса гулфоми.

Дема, эй зоҳид аҳли, доимо бегода маст ўлдинг,  
Кўнгул боғида ғам муғбаччасининг илгида жоми.

Туганмас донайи ғам, дил қушиға қут ҳар соат,  
Қоча олмон фироқидин, умиди васл эрур доми.

Кўруб расволиғимни, айтма, зоҳид, боғи ҳуснида —  
Гирифтор этти Вайсий дилрабонинг чашми бодоми.

**Бу оламга келиб бир одамиким сурди даврони,  
Бўлубдур ушбу дунё ўзгаларга турфа зиндони.**

**Било олмон: ёрурму субҳи иқболим висолидин,  
Адо қилди мени бир дилрабонинг шоми ҳижрони.**

**Ибороти ғамимда гар хатое бўлса афв эткил,  
Сенга бир зарра изҳор айлайин, эй маънилар кони.**

**Кел, эй ҳамдам, бугун сен ҳамнафаслиғ истама, лекин,  
Тириклик менда йўқ, жононга жоним бўлди қурбони.**

**Табибо, сен даво топмакни қилма ихтиёриким,  
Муҳаббат дардига ҳеч кимса топгон йўқду дармони.**

**Ниқоби сунбулинг ичра юзунг тимсоли андоқким,  
Қаронғу кечани равшан этибдур моҳи тобони,**

**Увайсий, эътиқод оламга қўймоқлиғ хатоедур,  
Келибсан ушбу дунё ичра билсанг, мисли меҳмони.**

Ор этар мен телбадин ул шўхларнинг сарвари,  
Авжй афлоки саодат, ё нужуми муштари.

Банди фитрок улмоғидин мурғи жондур беҳабар,  
Дом — зулфи, дона — холи, турфа бир афсунгари.

Расмдур сайёд оҳу сайд этмак, турфаким,  
Сайд этар сайёдни ул оҳуйи мавзунтари.

Қилса афсун, кўнглими, мушкул эрур қутқармағим,  
Макргар, айёр, ҳам сар фитна, ҳам жодугари.

Ҳарфи матлаб мисраъи қофиялиғ бошидадур,  
Деди бу сўзни бугун Вайсий -- ғуломи камтари.





Кўнгил ойинасини кўрмадим зангордин ғайри,  
Анга сайқал беролмас ашк ул дилдордин ғайри.

Нечунким рашк ботин, лутф музмардур, хушо, эй дил,  
Топа олмон базохир доимо озордин ғайри.

Ҳақиқат рамзидин савдо ағар қилса харидори,  
Муҳаббат расмида йўқдур куни бозордин ғайри.

Нечук дод айламай дайр ичра ул муғбачча давринда,  
Борорға тоб этолмон, кўрмадим ағёрдин ғайри.

Кел, эй соқий, муҳаббат жомини пур айла ҳуснига,  
Неча кундур: кўзу кўнглум эмас хуммордин ғайри.

Мабодо ул санам васлига мақруб айласа бир кун,  
Демаким, зоҳидо, бўйнуғма сол зуннордин ғайри.

Увайсийнинг фиғонин ёнмағи онча муҳол эрмиш,  
Сочи — сунбул, юзи — гул, бўйи — мул гулзордин ғайри.

Кўзум сарчашмасидин дам-бадам оби равон жори,  
Нечунким, уя ситамгардин менга жабри ниҳон жори.

Кўнгулга қони тамкин ўлди оби замзамидекким;  
Анинг-чун зоҳид аҳлин кўнгли соридин гумон жори.

Кўзум ул зеби офоқниким ҳуснига пурхун-чун,  
Анинг васфи руҳига ақлу, фаҳму ҳам забон жори.

Баногоҳ жўйи дилдин майл жори бўлса тонг эрмас,  
Ўзин қаддиғаким, ўз гисуйи анбарфишон жори.

Тафаккур қилма ғайб илкига сен, куфрига еткургай,  
Недин аҳволима, эй ҳуш аҳли, имтиҳон жори.

Бугун май тўлдирур ул муғбача зарфига, эй соқий,  
Неча мендек бағир хуноба чашмидинки қон жори.

Нечун қон йиғламай бир нечалар кулгусидин, ёраб,  
Ки чиққач лабларидин ғайр лутфига аён жори.

Ўзотиб илкими чарх узра, шамс осо мақомига,  
Фалакка ер юзидин дам-бадам оҳу фиғон жори.

Увайсий, истасангким, сен карамдин сер ўлмакни,  
Мақомоти фанода раҳм андоқ меҳрибон жори.

Учради қайдин менга, чун Ой ила Кун иккиси,  
Кўрдум аҳволин алар Фарҳоду Мажнун иккиси.

Зеҳни ғаввосимни солдим фазл баҳрин қаърига,  
Чун садаф батнида онлар дурри макнун иккиси.

Шаҳри дилда ақл шоҳин лашкаридур бешумор,  
Юз туман лашкарга келтирди шабихун иккиси.

Тушмасун ўт кулбага, саҳронишин, айланг ҳазар,  
Сайр этарга ҳайфким, ул тоғу ҳомун иккиси.

Келдиким икки пари гўё талаб айлаб қанот,  
Илм кони ичра, Вайсий, бўлди мамнун иккиси.

Келди васлингдин, нетайким, бу кеча ҳижрон иси,  
Ул сабаб эрди: табассумдин келур гирён иси.

Гарчи мен ҳуснунгга Мажнун, зарфи дил саршори ғам,  
Шавқи лаълингдин бағирдин келгуси бирён иси.

Оҳким, ғайри машомиға мабодо етмасун,  
Субҳ дам вақтида уйғотти мени райҳон иси.

Гар табассум этса гул, булбулга ором ўлмагай,  
Лабларинг то хандадур, мендин келур афғон иси.

Юсуфи соний фироқидин не тонг топсам хабар,  
Уйқу ичра чун Зулайҳога етиб Қанъон иси.

Заъф эди жисмим муҳаббат ранжидин бир неча кун,  
Шукрлиллаҳ, келди тандин ушбу дам Луқмон иси.

Бўлма ҳайрон Вайсийнинг олдинда қабзият кўруб,  
Келди васлингдин, нетайким, бу кеча ҳижрон иси.

Васлинг туни ошиқларинг ул масти хоб ўлтургуси,  
Бедорлиг чоғи яна шарми ҳижоб ўлтургуси.

Кўзлар саводи бўлдиким мисли қумурчоқ баҳрда,  
Таъни халойиқ ичраким, ашки ҳубоб ўлтургуси.

Сундум алим бўйнига, то чирмашди зулфи турраси,  
Оромсиз кўнглумниким, ул печу тоб ўлтургуси.

Сўрсам санамдин васлини, доим менга бермас жавоб,  
Тебратмайин лаъли лабин, нозу итоб ўлтургуси.

Базм ичра келса қаҳриким, қилса ҳақорат бир қулин,  
Ҳар бир сўзидин бизлара минг бир хитоб, ўлтургуси.

Даргоҳига келмаклигим билсам ададсиз — бешумор,  
Манъ этгали даргоҳидин, ваҳким, ҳисоб ўлтургуси.

Вайсей белин боглабдурур ёзмакда васфин найсифат,  
Кўз васфини қилмай тамом умри шитоб ўлтургуси.

Жунун дашти ажаб муҳлик, чиқарга жон ёвуқлашти,  
Умиди васли андоқ чоғдаким, имкон ёвуқлашти.

Жигар — хуноб, чеҳрам — зард, ашким жорий андоқким,  
Сориг чеҳрамга сар чашим саридин қон ёвуқлашти.

Дило, сен шиква қилма хўбрулар эътирозидин,  
Лабига лаб аролаб, гунчайи хандон ёвуқлашти.

Азизи Мисрсан, эй ҳусн шоҳи, оч ниқобингни,  
Юзунгинг иштиёқида маҳи Канъон ёвуқлашти.

Қўнгулин ҳам фалосинда тузаб, жон интизор ўлди,  
Киши бўлгаймуким, бориб дегай: «Меҳмон ёвуқлашти!»

Тамасхур этма умр ўткармакимга, зоҳиди ғофил,  
Сенга ҳуру қусуру, менга ул жонон ёвуқлашти.

Бугун ул дайр пир истагай мақбуллик мендин,  
Фано обод ўлурму, мосиво вайрон ёвуқлашти.

Муҳаббат сабзаси пажмурда ўлди дил аро, ваҳким,  
Биҳамдиллаҳ, барин белга уриб, деҳқон ёвуқлашти.

Увайсий, мард ўл бедор, гафлатда заиф ўлма,  
Неча кун интизор ўлгон ўшал эҳсон ёвуқлашти.

Лаби лаълинг ҳадисидин шакар минқорадур тўти,  
Ҳикоёти юзунг-ла баски, хуш гуфторадур тўти.

Бисоти базм оро боғ ичинда барги гулдиндур,  
Фигон айлаб, кўзида чашмайн хунборадур тўти.

Бу кома талх гўё шарбати ҳижрон аёғинда,  
Мазоқ истаб бу жона, роҳати — озорадур тўти.

Дариғо, шохсор узра қўюб ангушт ҳар зоғи,  
Бу доғ ила малоли хотири бечорадур тўти.

Дами шамшири каж абру ила гўё шаҳид этти,  
Пару боли ила чуи қатра хун афсонадур тўти.

Фигони андалиб аммо бу гул хамёзасиндиндир,  
Шакаррези лабингдин доимо хумморадур тўти.

Хаданги новакингдин пар чиқориб қуш болосидек,  
Улуб темир қаноти, толпиниб авворадур тўти.

Шакар тасвирини хотирдин айлаб маҳву маъдума,  
Мазоқи шарбати лаълинг била афгорадур тўти.

Гулистон ичра ҳар соат сен, эй қумри, наво соз эт,  
Нафас роҳидин аммо барқи оташборадур тўти.

Нетайким, андалиби Вайсий зиндони қафас ичра,  
Ажаб маъюс, доим дийдадин хунборадур тўти.

Етибдур ташналигдин жон лабимга, май бер, эй соқий,  
Зиёда бўлсуи умринг даҳр аро, ҳам давлатнинг боқий.

Гирифтoring эрур ким, йўқ амон ҳижрон балосидин,  
Амон топти балойи ҳажрдin жононим ушшоқин.

Сулуки ишқ аро аввора бўлгонларга қил рухсат,  
Хати иршод зоҳир айлади ҳуснунгнинг арвоқи.

Ҳазар агёрдин қилмоқ керак, эй дил, висол ичра,  
Билурмусанки, жонон оғзиға то борди бормоқин.

Муҳаббат сирридин дам урма ҳар толибга, невчунким,  
Кўтаргайму шутур борини, юклар бўлса тойлоқин?

Ки бу идбора иқбол ила дерман: «Зарра меҳрингдин —  
Етарму ҳеч ун, хуршид турган жо — фалак тоқи?»

Хаёлинг, Вайснй, ширин сўзидин тебратма ҳуснига,  
Қозиб Бестуни ғамни, қолмади чун сабр тирноқи!



Кўнгул боғи аро ҳусн аҳли жавлон айлаган бўлгай,  
Бу вола ақлими ҳуснига ҳайрон айлаган бўлгай.

Саҳар вақти димоғимга насимидин етиб бўйи,  
Тараҳҳум ушбу тун ул хатти райҳон айлаган бўлгай.

Дило, сен уймагил<sup>1</sup> гафлатта, ҳар тун бўлгил огоҳи,  
Мабодо фақр элига шоҳ эҳсон айлаган бўлгай.

Хабар берди бу туш рашк офатидин тун аро, ваҳким,  
Бу охшом ғайр элин кўйига меҳмон айлаган бўлгай.

Дема саҳрода бутган долайи рангин фироқинда —  
Оқон ёшим билан гулгуни домон айлаган бўлгай.

Қаронғу бўлди олам, оҳким иқбол тоқинда —  
Мавосил кун қўшим юзни пинҳон айлаган бўлгай.

Мунаввар айлади кўнглимни меҳринг, эй шаҳаншоҳим,  
Кн гўё ҳажр шомини моҳ тобон айлаган бўлгай.

Увайсий, истама тандин тирнилик ёр ағера,  
Бўл анда ҳамнишин, рашк ила қурбон айлаган бўлгай.

<sup>1</sup> У й м а г и л — уйқуламагил.

**Бошимга ёгдурурсан, эй фалак, бороши ғам токай?  
Езарсан паст иқболимни, эй лавҳи қалам, токай?**

**Ўзумдинму, фалакдинму, ва ё иқболи пастимдин,  
Туғу кун дўстдин озору душмандин снтам токай?**

**Араб тупроғини сур кўзга, сен ул ёна реҳлат қил,  
Бу не, кутуҳ умринггаки ғавғойи Ажам токай?**

**Нечунким орзу қилмай анинг йўлида ўлмакни,  
Жароҳатлиғ кўнгулга халқ нутқидин алам токай?**

**Фалак хонида афғор ўлди ўхшар савми ботниким,  
Висолидин бўлуб маҳрум, ҳажридин баҳам токай?**

**Қилибон суратин табдил ул малъун бадбахти,  
Дило, бир пуштипо ур, бўлғуси жисмингга рам токай?**

**Муҳаббат бўлса сенда, тангри билмас йўқду ҳеч кор,  
Қилурсан назмдин табъингга сен ҳою ҳашам токай?**

**Оёғинг остига боқ, чоҳи зулмоти қозилмишдур,  
Қўярсан беҳабарча устина ушбу қадам токай?**

**Қилиб меҳнат, дури мақсад олиб, дарёи ишқидин,  
Йитурсанг боз илкингдин, қилур тангри карам токай?**

**Нафас берди неча юз минг, харид этгил ўзин ёдин,  
Чинқар зоеъ давомал-қут итмоми дирам токай?**

**Увайсий, қолғон умринг ол юзунгга қиблайи мақсуд,  
Хирад бозорнда қилғунгду савдойи санам токай?**

Юурсан соҳиб хуни жигардин беҳабар тоқай?  
Магас аҳволига раҳм айламай, эй шери нар, тоқай?

Тааллуқ бодасин тожи азиз бошингга йўл топти,  
Хирад тарёкин ол комингга, ваҳким, дарди сар тоқай?

Кишиким, аҳли дилдур, дўстлиғ даврига кўз очса,  
Йироқ аҳли яқинлиғда эрурлар мўътабар тоқай?

Билурму аҳли ғафлат, қавқаби, бедор иниб дер,  
Кечалар тортган оҳимдин фалак узра шарар тоқай?

Қаноатда садаф батнида дурдин беҳабардурлар,  
Чўмуб ғаввос сочгай санги диллардин гуҳар, тоқай?

Увайсий, қалб миръотига кўргуз дил юзин, эй шўх,  
Қилурсан бу жаҳоннинг нек номидин ҳазар тоқай?

Кўрарам ҳажрини саҳросида меҳнат тоқай?  
Сурасан боғи жаҳон ичраки давлат тоқай?

Урарам оҳ бугуң, шаъшаа оҳимдинким  
Куядур олам эли, бўлғуси ҳумрат тоқай?

Қилмадинг тафриқа бегонага шафқат билди сўз,  
Ўз гадоиниғга маломат билди кулфат тоқай?

Ташлади тешасини бошига, Фарҳод ўлди,  
Бесутун тоғида беҳуда машаққат тоқай?

Лайлининг марқадини қучди-ю, жон берди, ажаб,  
Мажнунни шўридага ҳам билди улфат тоқай?

Кўрарам жавру жафо ҳажрида мен шому саҳар,  
Қиярам офатидин устима қисват тоқай?

Вайсий, тарк айла муҳаббатни, керак бўлмаса ҳақ,  
Қиласан дардини жониниғга миннат тоқай?

Дилрабо, ўлтур, бошингдин мисли гардун ўргулай,  
Ақлими барбод этиб, гўёки Мажнун ўргулай.

Итларинг бағримни ерда қилди бағрим реш-реш,  
Жорий айлаб қонларимни, жома гуягун ўргулай.

То кўруб расволиғим, ор этсанг, эй хуш маъдани,  
Бовар этгил кеча-кундузларда, Макнун<sup>1</sup>, ўргулай!

Лабларинг ҳажрида бағрим лахта-лахта қон эрур,  
Оқизиб кўз чашмасидин ашки пурхун ўргулай.

Соқиб, жон етти лабга, ваъда қил лаълини майин,  
Гарчи мен лабташнайин хуммор, Мажнун ўргулай.

Тангри халқ этмиш мени муфлис — гадолардин, нетай?  
Йўқ дирам, йўқ тоатим, кўз ёши Жайхун, ўргулай.

Демагил Вайсийин сен: «Уй Вайсийин бехонумон!»  
Фаҳм қилғил ҳасратим, ҳолим дигаргун, ўргулай.

---

<sup>1</sup> М а ж н у н — Нодира бегим.

Висолнинг ёнида бағрим тўло қон этмадим билмай,  
Оқнизиб ашки хуи, ҳумройи домон этмадим билмай.

Тирик юрмоқлигимдин таъни эл бисёрлар кўрдим,  
Фидо жонимни ул зулфи паришон этмадим билмай.

Муқаррар билдим: эски даҳрнинг бу молу дунёси —  
Фано йўлида дард аҳлига эҳсон этмадим билмай.

Дарига, ишқ сирридин хабар топмас кишилардин  
Фигону охи сўзонимни пинҳон этмадим билмай.

Саломат хонаси обод бўлмишким маломатдин —  
Талаб айлаб, кўнгул мулкини вайрон этмадим билмай.

Чинқиб саҳролага, арзимни айтиб сангги хороға,  
Ғамимдин қон этиб бағримни, маржон этмадим билмай.

Етар ҳар кунда юз маҳзун кўнгулга кулфати ағёр,  
Увайсий, нега аввал тарки жонон этмадим билмай?

Телмуруб; қон йиглабон, мен ошиқона кўз тугай,  
Юзи — гул, лаъли лаби — мул жонажона кўз тугай.

Эй улус, манъ айла кўз, келгай самандин уйпатиб,  
Интизорида қолон шўхи замона кўз тугай.

Ғам танаъум эрди доим фурқати дилдор аро,  
Васл хонидин бугун хурду калона кўз тугай.

Қимса бадгўшндин топти кўнгил ҳар дам вафот,  
Ҳар сўзидур бир Масеҳ, ширин забона кўз тугай.

Зоҳидо, кўз тутмагимдин келмасун сенга ғубор,  
Сирри ихфоси анингким — бегумона кўз тугай.

Сифлайн дундин бугун ашким бўлубдур лолагун,  
Ҳам ўзи сарроф, ҳам боимтиҳона кўз тугай.

Пайкари бадҳол равзан зоҳир ўлмиш бешумор,  
Жумлайн сўрохдин руҳи равона кўз тугай.

Бошима солса маломат қушлари кошонае,  
Ишқида ашкимни айлаб дона-дона кўз тугай.

Соқиле, ўлтурса соғар бер Увайсий илгина,  
Чехраин майдин мен акси меҳрибона кўз тугай.

Мени расво қилан кимдурки, сени сиймин бадан позук,  
Солён бошимга савд кимдур, ул гул пираҳан позук

Хаёли кирса кунглумга чиқар дунё дин меҳри,  
Қилибдур оқибат, эй дўстлар, ҳам беватан позук.

Чу сабрим тирноғида ҳар куни юз кўҳи ғам қоздим,  
Менинг олдимдадур Фарҳод — ожиз, Кўҳқан позук.

Қадинг — позук, қошинг — позук, кўзунг — позук, лабинг —  
позук,  
Тилинг — позук, сўзунг — позук, тишинг — дурри Адаң позук.

Хатингдур сабза райҳоний, лабингдур кавсар аднони,  
Ҳадинг — бўстон, юзунг — гул, мисли гулзори чаман позук.

Бошингдин то оёғингга қараб турсам, баринг позук,  
Хусусан ғабғабинг остида ул зери зақан позук.

Ики наргис, ики кунгул, ики таи, икки жон бирлаи  
Бирин бирига васл айлаб, қилоли анжуман позук.

Увайсий, ўз-ўзингга сўзлама, бир хил забонингини,  
Мабодо келмасун позук дилига то гаран позук<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Бу сўзлар «гаран» сузи «гарон», яъни «оғир» маъносидадир.



Келибман даргаҳингга, шоҳи хўбоним, қабул эткил,  
Бағир қоним била бул Чашми гирёним қабул эткил.

Умид айлаб талаб олмоққа кирдим роҳи покнингга,  
Йулнигда айлаган фарёду афғоним қабул эткил.

Қўнгулдин хорик улмиш васл умиди, не айлайким;  
Муҳаббат шавқи пчра доғи ҳижроним қабул эткил.

Тушубдур бошима савдон ишқинг, эй шаҳаншоҳим,  
Алам бозорида бул дәрди пинҳоним қабул эткил.

Утубдур гавҳари ноёби умрим токи гафлатда,  
Тазарруъ зор план қилгон пушаймоним қабул эткил.

Тегибдур новакнингдин печа ўк жисмим аро пинҳон,  
Шаҳиди ишқ улмоққа оқан қоним қабул эткил.

Увайсий гарчи ноқобил, келибдур остонингга,  
Фигону оҳи сўзонини, султоним, қабул эткил.

Тирикдик расминн оламда кўнгли шоддин сўргил,  
Фидо жон айлаганларни кўзи жаллоддин сўргил.

Умиди васли ёр айлаб олаи асбоблар расминн,  
Бу меҳнат тоғида ул тешайи Фарҳоддин сўргил.

Муҳаббат мажмари ичра кўйиб кул бўлган эрларни,  
Бисёбошларда Мажнун жисми нобунёддин сўргил.

Юрени реша-реша захм бўлгон потавон ажринн,  
Ғазаблиғ раҳмсиз ул ханжари фўлоддин сўргил.

Таҳи девора қолгонким ғубор олудалар рангинн,  
Мурассаъ ғам билан бул хонайн барбоддин сўргил.

Жудолнғ захри бирлан ҳажрида жуш айламоқликни,  
Висол илғида тутқон жони хайри боддин сўргил.

Хушу ақлннғ била қилғил дема, Вайснн, намозинннн,  
Ки андоқ расминн зоҳид — дили озоддин сўргил.

Жуунун тоши-бугун афгон яро, жонон, таваҳҳум қил,  
Баногоҳ жори бўлди дийдади тўғон, таваҳҳум қил.

Бериб илгинга тиги ранк ул гайр аҳли, эй қотил,  
Тўкарда қонимн шукридин, эй подон, таваҳҳум қил.

Бугун сайр айламини гулшани гулруҳсорлар шоҳи,  
Мукаррар бўлмагайсан, эй гули хандон, таваҳҳум қил.

Ногоҳинг фурқатиди кўзларимга чунки қон тўлди,  
Анинг-чуи узга юздин, кўзлари Чўлион, таваҳҳум қил

Аё эй беҳабарлар, ишқ бозорига юзланма,  
Тушар душвор савдолар, дема осон, таваҳҳум қил."

Жудоліқ ўти куйдурди вужудим, он дари дийдор,  
Қуирсан шаъшаъи ҳижронда, дирбон, таваҳҳум қил.

Замонинг тун, қадам босқон ерингча бўлмасун ирмон,  
Мабодо, топмагайсан, Вийсий, беармон, таваҳҳум қил.

Ғам ит оқым үтидин бошимға тож эткали мойил,  
Сирешким Қулзумын қон ила амвож эткали мойил.

Умидим: шәми ҳижрон васлиға табдил бўлғайму!  
Фиреқинг лашқари умиди торож эткали мойил.

Тилинг — сўзда, лабини — кулкуда, кўнглинг — дилин  
олмоқда,  
Кўзунг — мулки дилимдин сабримн бож эткали мойил.

Ғами дунёин дундин хориж ўлсам тонг эмас, зоҳид,  
Хаёли маҳвашим кўнглумдин ихрож эткали мойил.

Кўнгулдин истама ҳусн аҳлидин махсуслиғ расмин,  
Неча ушшоқин эшикида афвож эткали мойил.

Кўнгул боғланди зулфинг торина, таскин эмас мумкин,  
Сабо таҳрикидин ҳар лаҳза алвож эткали мойил.

Сабо жавлонн зулфинг торини жамъ этмади ҳарғиз,  
Нўла қилсанг, кунун яъсини нассож эткали мойил.

Қадаҳ тут, соқиё, лаб ташна кетмай даҳри фашийдин,  
Бошимда дорлар Мансури Ҳаллож эткали мойил.

Увайсий, матлабинг ҳақ махзанида лутф этар, сабр эт,  
Узин билдирмаку бизларин муҳтож эткали мойил.

Сучукликдинму лаъли нобинга бўлмиш шакар дохил,  
Лаб ичра сўзларингга то бўлубдур мухтасар дохил.

Фироқнинг ўқларидин бул вужудим равзани равзан,  
Хусусан, ҳар тарафдин бошима тингу табар дохил.

Нетайким, зойил ўлдим лавҳи маҳбубим хаёлидин,  
Кеча уйқуда тушдин кўнглума бўлди хабар дохил.

Агар журм ўтса мендин, ғайра ҳамдам бўлмагил, эй гул,  
Мабодо куймагайсан, оҳим ўтига — шарар дохил.

Лабнинг сиррин кеча-кундуз кўнгулда андоқ асрарман,  
Ки гўё қаъри дарёда садаф ичра гуҳар дохил.

Эшитсанг бетаассир сўзни, озор ўлмагил, эй дил,  
Маломатдин муҳаббат нахлига бўлғай самар дохил.

Увайсий, истасангким, кўзга маҳрам этма ғафлатни,  
Кеча уйқунин тарк эт, ёра бўлғайсан саҳар дохил.

Тырыкчак расмин оламда кўнгли шоддин сўрғил,  
Фидо жоғ айлаганларни кўзи жаллоддин сўрғил.

Умиди васли ёр айлаб олан асбоблар расмин,  
Бу меҳнат тоғида ул тешайи Фарҳоддин сўрғил.

Муҳаббат мажмари нчра куйиб кул бўлган эрларни,  
Биебошларда Мажнун жисми побунёддин сўрғил.

Юрожи реша-реша захм бўлгон нотавон ажрин,  
Ғазаблиғ раҳмсиз ул ханжари фулоддин сўрғил.

Таҳи девора қолгонким губор олудалар рангин,  
Мурассаъ ғам билан бул хонайн барбоддин сўрғил.

Жудолиғ захри бирлан ҳажрида жуш айламоқликни,  
Висол илғида тутқон жоми хайри боддин сўрғил.

Хушу ақлиғ била қилғид дема, Вайснй, намозинғни,  
Қи андоқ расмин зоҳид — дили озоддин сўрғил.

Жунун тоши бугун афгон аро, жоноп, таваҳҳум қил,  
Баюгаҳ жори бўлди дийдадин туфон, таваҳҳум қил.

Бериб илғингга тиги рашк ул гайр аҳли, эй қотил,  
Тукарда қонимъ шукридин, эй нодон, таваҳҳум қил.

Бугун сайр айламыш гулшанин гулрухсорлар шоҳи,  
Мукаррар бўлмагайсан, эй гул хандон, таваҳҳум қил.

Нигоҳинг фурқатидин кузларимга чунки қон тўлди,  
Анинг-чун узга юздин, кузлари Чулпон, таваҳҳум қил

Аё эй беҳабарлар, ишқ бозорига юзланма,  
Тушар душвор савдолар, дема осон, таваҳҳум қил.

Жудалиқ ути куйдурди вужудим, оч дари дийдор,  
Куярсан шайшаъи ҳижроннда, дарбон, таваҳҳум қил.

Замонинг тун, қадам босқон ерингча бўлмасун армон,  
Мабодо, топмагайсан, Вайсий, беармон, таваҳҳум қил.

Олиб қалам қўлимга, қошинг айласам хаёл,  
То топтиким ҳузурини дил сад ҳазор сол.

Уздумки меҳр риштасини истаҳоладин,  
Аммо ҳумо замирига бандлик юрак кашол.

Толпинғуси мағас каби жон нутқи шаҳдинга,  
То айлади итобини сарпуш лаъли бол.

Қошинг хаёли чулғади андоқки, ваҳ, кўнгул —  
Гўё қалам ичида кўмулмишду мисли пол.

Етмас хатингни гардига машқ этса ҳўблар,  
Ҳуснинг китобат айлаган — азбаски зулжалол!

Дардимни айтибон, ғамимнинг шарҳин айларам,  
Нозук табиатингга агар бўлмаса малол.

Вайснй жаҳондин ўтса не армон фироқ ила,  
Умри ичида ёр агар деса: «Пир — аёл!»



Оҳким бемеҳр дилбар соридин ёнмиш хаёл,  
Меҳринг истардин, нетай, ҳаргиз хаёл улмас малол.

Истаганча ҳуси бозоринг баҳоси ортким,  
Йуқ ажаб бўлсам харидоринг, аё Юсуф жамол.

Тоқатим ҳирмони ўтган йуқ экан васлинг аро,  
Риштаини ишқингда дил побаст айлабдур хаёл.

Қолғон умримким, хаэлигиниз ўтар, беҳудадур,  
Лозим эрмиш: мен дуо умруннга қилсам моҳу сол.

Кўрсанг ул ойини ҳаво тахтида, навмид улма, дил,  
Шаҳ гадо аҳволиға раҳм этса бордур эҳтимол.

Қофиялиғ мисраимга берди султоним амал,  
Гуйини мисра бошингда ҳарфлар янглиғ мисол.

Дардмандлар бир-икн кун тур, деди, сендинмудур?  
Рухса қилсанг яхшироқдур фаҳмима, эй лаъли бол!

Вайсий ҳар ерда дуойи жонинг айлар субҳу шом,  
Тахту тожини насиб этсун худойи лоязол.

Бул кеча, шукрим, менга кўрсатти юз висол,  
Билмонки, ушбу ҳодиса тушдурму ё хаёл?!

Улдурмакидни илгарини ҳажрини машаққати,  
Алҳамдиллиллаҳ, етти менга давлати висол.

Кўрдим сени-ю, кетти хирад айб қилмаким,  
Равшаддурурки, кўрса қуёш ойгадур завол:

Ул шўх қувлади мени: «Борғил, ямон!» дебон,  
Айдим бу сўз жавобига: «Сен эмди яхши қол!»

Расм эрди элда бир дила бир дўст сир тутуш,  
Таҳсин будурки, бир кўнгул ихра ики хаёл.

Фаҳимини нури уни муқаррар баҳоча йўқ,  
Рухсоринг ой дегону қошингини янги қилёл.

Қим сажда қилса қошинга тасдиқи айн этиб,  
Ҳосил бўлон бу иккисидини айни илми ҳол.

Жон ўртапур мудом бу фокуси жисм аро,  
Йўқтур насим ўчиргали маъшук леубол.

Дарёин илм жуш урубон мавжи назмидин,  
Вайсийини таъби чашмасидини чиқти бу зулол.

Баил ўлғалики, зулфи паришондур кўнгул,  
То шамъи руҳни ҳуснига парвонадур кўнгул.

Ўнги ҳасл жомида васлингни бодасни,  
Майхонаини фироқ аро мастонадур кўнгул.

Ғайр аҳли ҳақти сенга мени печа тил билан,  
То борғалики кўйинга журмонадур кўнгул.

Бўлма малул зикри забонимга, эй рафиқ,  
Аввалда ҳасратнинг била афсонадур кўнгул.

Зоҳид, такаллум этма харобот элига сен,  
Ғам шарбатини қуйғали хумхонадур кўнгул.

Мажнун танимни раъшасини таъна этмагил,  
Бир Лайливати ғами била девонадур кўнгул.

Эй зоҳид аҳли истама дил масканин бу дам,  
Озорлингни кунжида пинҳонадур кўнгул.

Қаллошлиғ мақомига солсанг бугун мени,  
Факронани таним эса, шоҳонадур кўнгул.

Найсий, тафаккур этма халойиқ илосига,  
Билдимки, таъна қушларига денадур кўнгул.

Маъшуқ аҳлидди васл рамзини сўрсам ўлдирур, сўрмасам ўлам,  
Дардди аҳлига ишқ дўконини қўрсам ўлдирур, қўрмасам ўлам.

Рашк жабрина қўйма, эй ажал, бўлса ҳаминиши ёр ғайр ила,  
Даргоҳида мен тинмай ит бўлиб, ҳўрсам ўлдирур, ҳўрмасам ўлам.

Сабр этмагимдин йўқтур иложим, истасам ани токи рўзу шаб,  
Қў-бақў бўлиб мен ҳам дарбадар юрсам ўлдирур, юрмасам ўлам.

Соғинибдуман, бўлибон йироқ, ёр деб эди: «Айлагил ҳазар!»  
Гул юзин бугун олдиға бориб кўрсам ўлдирур, кўрмасам ўлам.

Мендин ор этар, хору зор этар, фони дунядин ушбу жон кетар,  
Вайсийи ғариб ранги сарғайиб турсам ўлдирур, турмасам ўлам.

Нигоро, ҳажра сол, мен дилбарни ҳаржоба майл этсам,  
Сенингсиз бир замон бул зийлати дунёга майл этсам.

Лабингдин маърифат дарёсига фарқ улди бу кунгул,  
Садаф батиндаги ул гавҳари яктоға майл этсам.

Хату холиниги савдоси тушубдур бошима онча,  
Бошимга тоғи ғам тушсун, булак савдоға майл этсам.

Юзунг раънолпғи ғунча, ядинг мисли қизил гулдур,  
Эрам боғи аро ҳам ул гули раъноға майл этсам.

Агар дохил эсам мажлис аро, мен шамъи мажлисман,  
Бу жон парвонадек куйсунки, базмороға майл этсам.

Мени куйинг ялоғига агар сен айласанг лойиқ,  
Эмас андоқ, нигоро, манзари болоға майл этсам.

Нигоримнинг юзу зулфига ҳайрон улмайин, Вайсий,  
Кузим чиқсун, агар дунёу мофиҳоға майл этсам.

Бир пари пайкар суманбар ёра ошиқ бўлмишам,  
Лаъли дилкаш, сўзи хуш дилдора ошиқ бўлмишам.

Мадди оҳим кукдадур, сориг юзумда ашки ол,  
Ул қадри раъно, юзи гулнора ошиқ бўлмишам.

Қилма гулқандинг ила заъфим иложин, эй ҳаким,  
Менки гулбарги шакаргуфтора ошиқ бўлмишам.

Нолау афғон этармен, қумрию булбул каби,  
Не учунким, сарви гулрухсора ошиқ бўлмишам.

Лабларингдин то кўрунмиш хуш-хуш онча тишларинг,  
Лаъл бирла ул дурри шаҳвора ошиқ бўлмишам.

Дўстлар, кўнглим олан зулфи мусулмонкуш эрур,  
Кофиредур, кокули зуннора ошиқ бўлмишам.

Ўзни қутқармоқ учун елдим, югурдим ҳар сари,  
Оҳу вовайлоки, бора-бора ошиқ бўлмишам.

Баски саргардон қуюн янглиғ югурмакдур ишим,  
Ишқ водисига мен аввора ошиқ бўлмишам.

Вайсидини хуш истамоқлик йўқ муносиб, не учун?  
Бир пари пайкар суманбар ёра ошиқ бўлмишам.

Журма булгайму эваз, назми забон келтирмишам,  
Тухфа булгайму экан, бағримда қон келтирмишам.

Русияҳлик бирла шармисорлик даргоҳинга —  
Барги сабз ўринга, эй сарви равон, келтирмишам.

Эй карамбахш, ўтмасанг бу журму исёндин бугун,  
Лозим қатл айласангким, бошу жон келтирмишам.

Даргоҳингдин мен йироқу гарчи бу нолам яқин,  
Ҳар саҳар, эй гул, фироқингдин фиғон келтирмишам.

Жастужў қилгонча жонон васлидин бўлдим йироқ,  
Соғиниб рафлатим, дийдамга чунон келтирмишам.

Соқнѐ, зарфингга май қуй, муғбача илкига бер,  
Ташналикдин эмди ўлмакка гумон келтирмишам.

Кокулнинг кўнглумин андоқким этибдур печу тоб,  
Кўзу қошингга муҳаббатни ниҳон келтирмишам.

Ҳар хато ўтса Увайсийдин бу дам афв айлагил,  
Узр тақсирин бугун, эй меҳрибон, келтирмишам.

Менинг дарду-ганим билмакка бұлғайму киши ҳамдам,  
Наднимдур ситам бирла алам, вақним, ишимдур ғам.

Күзум маҳрумн ҳусни — чун тўкар ашқимни боронин,  
Яқиндур, фарқ этар оламинким бул дийдайн пуриям.

Ки расво бўлмайин токим ололмас ҳақ сиридин бў;  
Қимиким сўйиға лойиқ бўлур, расвоин бу олам.

Рамузи ишқ кўнглумга чунон соҳиб бўлибдурким,  
Дам урсам бир неча рамзи муҳаббатдин, қани маҳрам?

Аъ эй поэим аҳли, Вайсидин назминг дариг этма,  
Нечунким, бу жароҳатлиқ кўнгулга бўлғуси марҳам.



Мени ул ёри вафодор билибдур, билдим,  
Ўзига онча харидор билибдур, билдим.

Шодига шод, ғамига янаким ғамғилик,  
Беғараз дўсти дилафгор билибдур, билдим.

Неча ушшоқлар эшикида афвож эрмиш,  
Банним, онлара сардор билибдур, билдим.

Порсолар мени Мажнунга рафиқ ўлмакими,  
Найларам, ўзига душвор билибдур, билдим.

Туздаги лола ўшал шўх бағир қоним учун,  
Ани зебандайн дастор билибдур, билдим.

Ишқ эли айни сиём ичра эрур, албатта,  
Дўст ваҳҳин алар ифтор билибдур, билдим.

Қулбайи Вайсий ул ойини талаб этса не ажаб,  
Зарра меҳрини кўнгул аншор билибдур, билдим.

Бугун, эй дўстлар, фарзанди жондонимни соғиндим,  
Гадо бўлсам не айб, ул шоҳи давронимни соғиндим.

Мусофирман, ғарибман, бекасу ҳам бенаводурман,  
Вужудим дарда тўлди, эмди дармонимни соғиндим.

Тилимнинг зикрию кўнглимни фикри, яхши фарзандим,  
Азилим, ёлғузим, давлатли султонимни соғиндим.

Кеча-кундуз йўлиға мунтазирдурман, тикарман кўз,  
Келиб ҳолим сўрибон кетса, меҳмонимни соғиндим.

Насибин узмади тагрим, иложин топмағай келса,  
Онам деб бўлгуси бағри қизил қонимни соғиндим.

Қаронғу бўлди олам кўзима ушбу жудоникдин,  
Кўзу кўнглум зибси, моҳи тобонимни соғиндим.

Мени бекас Увайсий йиғлагайман рўзу шаб тинмай,  
Уйимнинг зийнати, кўз равшани, хонимни соғиндим.

Муҳаббат шавқидини кунглумда бир зарра асл-кўрдим,  
Туфанли ул ғами дунёни дунни он қадар кўрдим.

Азал тоғидини учтим, то адам саҳросига туштим,  
Ҳама жабру жафони бир ўзумга болу пар-кўрдим.

Етиб кунжеда, етти суйи ҳақдин бу машомимга,  
Кезиб шаҳру вилоят, ку-бакўйин дарбадар-кўрдим.

Тариқат йўлида тай қилдим ул жамъи сулуқларни,  
Тариқи пшқининг олида бир-касби ҳунар кўрдим.

Кўзин ёлида тун-кун кўзларимдин ашк боронини,  
Туқардим доимо, то олами нямни днгар-кўрдим.

Бугун бу даҳри фонийда кимиким шоду хуррамдур,  
Узин аҳволидин бу бандани мен беҳабар кўрдим.

Нидо келгай харобат аҳлидин: «Кел бода иш айла!»  
Эшитмас ҳеч кимса, мен аларни кўру кар кўрдим.

Ҳасл айла, Увайсий, муғбача жоми внолини,  
Ки фурқат заҳрини васл илгидин доим шакар кўрдим.

Бир танобона учун мен сенга муҳтож ўлдум,  
Не учун фаҳми хирадзодая меърож ўлдум.

Барги сабз илгима олмоққа тараддуд эттим,  
Эй ғани, давлатинг олдидаки қаллож ўлдум.

Ишқ мулкига бўлиб шоҳ, аё шоҳи жаҳон,  
Бу жаҳоннинг уйиди тўймайин ихрож ўлдум.

Ҳасратим миннатидин нуктайи шарҳ этсам мен,  
Лашкари ғамға ажаб турфаки торож ўлдум.

Ҳадди эрмас саги кўюнгга Увайс ўлса дучор,  
Бир танобона учун мен сенга муҳтож ўлдум.

Қатра-қатра қон тўқарким, интизорингдин кўзум,  
Кўз тутар шаб-рўз ҳусини ошқорингдин кўзум.

Барқи бепарво нигоҳингдин етар жонга асар,  
Лайлагай уммид лутфи беғуборингдин кўзум:

Ёндирар ҳушумға, кўрсам кўзларинг мастонасин,  
Садқа бўлмасму бу чашми пурхуморингдин кўзум.

Гар баҳор ўлса намобн, беҳабар ўлмас саҳоб.  
Олмасам таҳсин эмас ҳусини баҳорингдин кўзум.

Мақдамнингга печа кўзларини нисор этти азал,  
Мунда эрмас, анда ҳақ этгон нисорингдин кўзум.

Ихтиёрини кўзу кўнглини берибдур печалар,  
Ўзгалардиндур дема, беихтиёрингдин кўзум.

Сабр мактабхонасига кирди, дил олса сабақ,  
Ул сабабдиндур, фиғонким, беқарорингдин кўзум.

Кўрмагай Лайлини Мажнун кўзи бирла кимсалар,  
Эй ингори Лайливаш, ул ёдгорингдин кўзум.

Вайсий шукр айлар жабин торинча, эй Мажнуншиор,  
Нур зоҳир қилди ул шаб-рўз торингдин кўзум.

Е илоҳа, бергасан ул шоҳи султонимга раҳм,  
Айлагай шояд кўриб бул чашми гирёнимга раҳм.

Қилди тақдири азал Юсуф жамолидин йпроқ,  
Тонг эмас, гар айласа, Яқуб Канъонимга раҳм.

Бағри хунобимга фарқ ўлгай халойиқ бу замон,  
Не бўлурким айласанг оққан қизил қонимга раҳм?!

Лабларингга онча термулдимки, ҳарниз демадинг:  
«Айлайин мен ушбу дам расвойи подонимга раҳм!»

Телбаликдан гар менга раҳм этмагинг бўлса муҳол,  
Гўдаки, бечорайи фарзанди ҳайронимга раҳм.

Дасти кўтаҳман, қў тум етмаклинги душвордир,  
Етгуси илгинг сенинг ул кори осонимга раҳм.

Етса шоҳаншоҳлар арзингга гар, Ҳайсен, нетонг?  
Кўрса аҳволимни, қилса ашки боронимга раҳм.

Ҳокими ҳусн айлади зулм ила бизни беватан,  
Хизр лаълини шавқи ташлабдур яна чоҳи зақан.

Сабр тоғига чиқар ишқ офатидин қочқон эл,  
Меҳнати ҳижрон ила охир бўлур гулгун кафан.

Ер руҳсат қилди хат иршоди зоҳир айлабон,  
Қайда боргай бу кўнгул, зулфин хаёлиди расан?

Ҳажрдин кўз йўли бирлан бағрим оққай, эй рафиқ,  
Шомдин то субҳна ҳамроҳ эрур бу пираҳан.

Етти мисраъда туганди исми, ҳарфин истасанг,  
Етти мисраъдин бу ён ўтма, аё соҳибсухан.

Аввалидин аввали, иккинчид ин — иккинчи ҳарф,  
Ол бу қисм шланки, жамъ эт, чиқ қуси бир гулбадан.

Хони гозий назмига пайрав муборак исмини,  
Ғайри расм ила ёшурмиш Вайсий байтул-ҳазан.

Эрнинг мен зора қилгон илтифоти рост экан,  
Ким вафо йулида ким босаботи рост экан.

Ваъда қилди: «Жоннинг олиб, ҳажрдин айлай нажот!»  
Ваъдага айлаб вафо, қилгон нажоти рост экан.

Чашмайи ашъорида маъни суви оби ҳаёт,  
Дил тирилди ул судин, оби ҳаёти рост экан.

Курмасам онинг юзин, кунглум деди, жонни нетай,  
Ул ситамдин, эми билдимким, мамоти рост экан.

Илтимос эттим мени муҳтож, ҳуснидин закот,  
Бермади менга деманг, ҳуснин закоти рост экан.

Дил сиёҳига берур ул шоҳ нутқидин барот,  
То юзун кўрмай демон, берган бароти рост экан.

Дер эдим ёримнинг исмини: Масиҳодур оти,  
Эми билдим бу жаҳонда Вайсий оти рост экан.



Даргоҳинга, эй маҳ, менг дсвоиа келибман,  
Билмай ўзимн ҳам яна мастона келибман.

Излаб туну кун, ёр каломини топай деб,  
Ҳар кўчада эл оғзида афсона келибман.

Маъзур тутунг, ҳайрати ҳар Лайливашиман,  
Ишқ водиснда Мажнуни ҳайрона келибман.

Амрингни тутуб бодилу жон ҳазратинггакам,  
Жонсўз ики шогирд ила парвона келибман.

Бир булбули бебол, бу гулзора етолмай,  
Ҳукминг қафас айлаб, анга журмона келибман.

Кўз ила ҳасаддин бу Увайсийни амон эт,  
Ё раб, бу шаҳи лутфи фаровона келибман.

Меҳнату аламларга мубтало Увайсийман,  
Қайда дард эли бўлса, ошно Увайсийман.

Истадим бу оламни, топмадим вафо эҳлини,  
Барчадин юмуб кўзни муддао Увайсийман.

Уз дилниг тааллуқдин, банд қил худо сори,  
То дегил кеча-кундуз: «Мосиво Увайсийман!»

Кечалар фиғонимдин тинмади кавокиблар,  
Арз то само узра можаро Увайсийман.

То кўриб хароботни таъна этма, эй зоҳид,  
Бир нафас эмас холи иқтидо Увайсийман.

Факр боргоҳига қўйса гар қадам ҳар қим,  
Бош агар керак бўлса, жон фидо Увайсийман.

Вайсий берисзат деб саҳл тутма, эй ориф,  
Ишқ аро ниҳон дарди бедаво Увайсийман.

Мақсуди кўнгул — лаъли майи нобинга қулман,  
Лидин сочилан ул дури нобинга қулман.

Эл сажда қилур масжид девориға ҳар дам,  
Улгунча бош олмон, қоши меҳробинга қулман.

Билмаслигим ифшосни эшитмаклигим учун,  
Бахтим каби ул көкули қуллобинга қулман.

Рутбанги фалак тоқида, эй бадри-саодат,  
Зотинга столмай, сеш маҳтобинга қулман.

Бул дэхр аро туш каби умримни кечурдим,  
Нечун очилур билмаган ул хобинга қулман.

Вайсий бу Жаҳон амрича иш қилди туну кун,  
То айди жаҳон Вайсийга: «Одобинга қулман!»

Фалак таадисининг зулмидин паршонман,  
Боқонча ўзума-ўзим, чу масту ҳайронман.

Урулди<sup>1</sup> кажга фалак рашқ этиб, мулойиб учун,  
Бу Миср кунжидаким, чун Азизи Қанъонман.

Бу чарх аду сифат айлаб, ўзини билгурди,  
Фалакни рашкидамен, гарчиким Сулаймонман.

Бошимга сочти бу гардун ғаму алам тухмин,  
Дил ичра хирмани ғам, анга мисли деҳқонман.

Ўзумни тангрига ташлаб, мусобирин туттум,  
Вале бу водий аро мубталоий ҳижронман.

Ғамим жамоли рафиқим, дину кўзум — моневъ,  
Худо ризоси шулар бўлса, лек хандонман.

Сабо салом етур улки соябонимга,  
Ҳумойи сояси бошимда, шукр, султонман.

---

<sup>1</sup>Урулди — гурулди, айланди.

Фигони — айб, 'оқи — таъна, бир бечора маҳзунман,  
Ки бир Лайлиг қариваш шоҳға аввора Мажнунман:

Дили мотам, қадн хам, табъи номавзуну беидрок,  
Лабнда кулгую, багрида қон, кўз ёши — Жайхунман.

Санам жомн муҳаббат берди, зоҳидлигини тарк этти,  
Путумда ишқ занжири, маломат ичра турғунман.

Ғамидин нозил ўлмиш ҳар кунн юз шоду юз мотам,  
Улус, айб этмагил, дардинн аҳволи дигаргунман.

Намозинг фосид эрмиш, зоҳидо, дўзахни ваҳидинн,  
Қарйби ломакондур, ул муҳаббат бирла мамнунман.

Жиму, ҳею алифким, мен киму, дардинг юки бирлан,  
Дилида нуқтаю бағримда доғим, лойиқи пунман.<sup>1</sup>

Ҳадиси лабларинг изҳор қилмоқликға маҳрам йўқ,  
Кеча-кундуз жигар хунобасидин дийда пурхунман.

Увайсинг нутқи бетаъсирға сол гўши покнингини,  
Бағир қон ўлғанымча айладим бир неча мазмун ман.

---

<sup>1</sup> Арабча жим, ҳе, алиф ва нун ҳарифлари биргаликда ҳўшиб ёзилса, Увайсийнинг асли номи — Жаҳон ҳосил бўлади.

Васл ўлса, жаҳон хўби, фирогинг соғинурман,  
Ким анжумане нчра сўроғинг соғинурман.

Жамшидни жоми менга гар бўлса муяссар,  
Кўйинг итидурманки, ялоғинг соғинурман.

Пайк этти кўнгул ушбу забонимни, нигорэ,  
Сир муждасидни дерга қулоғинг соғинурман.

Дил манзарини пок қилур эрди нягоҳинг,  
Не тонг, не ажаб, деса: «Қароғинг соғинурман!»

Ҳижрон тунн ҳамроҳ хаёлингни етурдим,  
То топқучаким, васли чароғинг соғинурман.

Қўйингга муқарраб қилу ё ол бу жонимни,  
Қонлиг юрагим дерки: «Пичоғинг соғинурман!»

Ишқ ўти фузунроқми ваё ҳажрини дуди,  
Эй ўт, чидамас дудига, доғинг соғинурман.

Эй соқийк беҳуш, нестай ўзга қадаҳини,  
Лаъли майидни куйган оёғинг соғинурман.

Ағёр элидин хотири жамъ ўлмади Вайсий,  
Жамъ эткали зулфини ни — тароғинг соғинурман.

Қатл этмакликка гулгуи кийди ул сийминбадан,  
Зулфи шабрангини ушшоқ аҳлиға айлаб расан.

Чиқса тиг урән этиб, чиқманг тамошосиға, эл,  
Қои түкиб қурбон этарким ёки айлар беватан.

Жон фидо қилгонлара лаъли лаби эрмиш Масеҳ,  
Беватанларга насиб этгайки дайри анжуман.

Кўз йулидини оқти бағрим; айла бовар, эй рафиқ,  
Шомдини то субҳға ҳамроҳ эрур бу пираҳан.

Кўзларинг — бодом, қаддинг — туби, зулфунг — анбари,  
Юзларинг — гул, хатларинг — райҳон, сифотингдур: чамани!

Ёр пилгини қадаҳ ичсам таваққуф қил, ажал,  
Ушбу сўзонлиг билла ўлсам куяр гуру кафан.

Сўзни ваҳм этмай дегил, ҳозир билиб соҳибқирон,  
Тарбият қилса не тонг, ҳамномиға Вайсул — қаранди!

Фаросат бобида хун дилсану бир дурри яктосан,  
Валоят ичра сен мактуби меҳмони муаммосан.

Изингни излабон эл, топмайини тупроққа тенг бўлғай,  
Латофат бўстонида гулу, лекин ҳувайдосан.

Сўзунга сўз мувофиқлар деган эллар ғалат билдим,  
Ибо этмасму мисли қатралар, сен чунки дарёсан.

Чу булбул не сабабдин мунчакин ширин мақол этмиш,  
Дили хун, ашки олу, сийна пора, булбулососан.

Утурдинг салтанат тахтида, эй шоҳаншаҳи даврон,  
Қилибсан ўзни Искандарвашу, фарзанди Доросак.

Чистон назмини вайрон десам, густоҳлик бўлғай,  
Либоси фақр аро мисли वालीи рутба болосан.

Увайсий «сикли мисраъ бошига бир ҳарф тож этти,  
Мурод улдур: чиқар бир исм, ўқур бўлсанг баимлосан.



Қайданам туттум ушал шўхи ситамгар этагин?  
Ситам этганча, кўнгул ушлади дилбар этагин.

Этагин тутса фано бўлса керак зарра каби,  
Тута олғойму киши хуршиди анвар этагин?

Белинги боғла, шакарлаб сифатин ёзмоқ учун,  
Тут анниг ҳимматидин хирмани шаққар этагин.

Кўзу қошинг, лабу зулфунг тутадур дўст кўнгул,  
Етгуси Кавсара, гар тутса бу ҳайдар этагин.

Айласа ушбу равиш, келса муҳайё сорига,  
Айлагайму бу Увайсийга муяссар этагин?

Сочилди не сабабдин жолалар чашми хумборингдин,  
Олибдур баҳра ўз мардумларинг ҳусни баҳорингдин.

Иборат доми узра сочти хоманг донайи маъмур,  
Қутулгайму кунгул шаҳбози бу ранглиг шикорингдин?

Фурури ҳуси улиб, қилма тағофил қолшин дарбар,  
Хабар тут тангри-чун, эй шух, ҳоли интизорингдин.

Қадам дийдамга қўйғил, хоки пойингдин умид улдур,  
Жило топқай кузум ойнаси гарди ғуборингдин.

Увайсий бошини халқ айлаган кимдурки, хор этма,  
Чу помол айламакда ваҳм қил парвардингорингдин.

Бошим кўкка етибдур, эй шаҳим, бул илтифотингдин,  
Умидим кўп эрур мен заррага меҳри саботингдин.

Тараддуд тешиаси бирла қозарман жустужу тоғин,  
Муяссар бўлса алтофи лаби қанду наботингдин.

Чу Луқмони ҳаким ўтмиш тирикликни кўриб чандон,  
Нлоҳи, касб этгон бўлсун ул умри ҳастингдин.

Ялаб тупроқ, бул байтул-ҳазан ичра етибдурман,  
Бу ғам шомда умид ила Маҳрухсор<sup>1</sup> отингдин.

Чинқармай болу пар, кошонами бузди фалак бодм,  
Аё семурғ, топти нечалар баҳра қанотингдин.

Сифотинг топтилар бир нечалар тулч амал бирла;  
Буким, кўтоҳлиғ бирла умидим исми зотингдин.

Ҳасу ҳилм маскаи айламиш бошдин оёғингди,  
Бўлолмай ҳамнишини Вайсий уётлиғдур уётингдин.

---

<sup>1</sup> Маҳрухсор — Моҳлар Ойим, яъни Нодира бегим.

Мени булбули этарам наво, кп бу хор захми яросидни,  
Хабар олмадим гули наврасим даҳани чу ғунча кушосидни.

Кўзи қатл этиб, сўзи тиргузур, не экан ингорими мақсади,  
Мени мақсадим ул эрур: ингор не этар — они ризосидни.

Суқидни дилни буки ўлди лаъл жигаримни лахтайн қопира,  
Чу билинди қадр ила қийматим сўз этар чоғида нбосидни.

Қош эғиб ғазаб била боқса гар, улус, этма менга тараҳхуме  
Етадур бу жоними қувватин, ўқи кирпигини атосидни.

Етур арзу додими, эй сабо, қуёш авж рутбали шоҳима,  
Ки ба зарра ҳусни закотини дариг эрмасун бу гадосидни.

Дилинг этма жавр ила кўп ҳажар, менга лутф айлаки Хожарим<sup>1</sup>,  
Ол ўзингга, эй гули настаран, бу ҳазин Увайсий дуосидни.

---

<sup>1</sup> Х о ж а р — Иброҳим пайғамбарнинг хотини, бу ерда Нодира бегимга шора қилинган.

Эй дил, нега уммид этасан раҳм санамдин,  
Албатта раво кўрмагуси ўзга — аламдин.

Жононима устод ўқитур ишқ китобин,  
Ул хатта вафодин эса, таҳрири — ситамдин.

Кўз лаҳза жамолидин ўлуб эрди чу сероб,  
Не баҳра эрур, холи эмас ўлгучи намдин.

Бир донайи шод ишқ тузогида кўринди,  
То амри муҳол ўлмоғи озод бу ғамдин.

Кулбамга келиб кеттию, дилбар изи қолди,  
Бечора кўнгул баҳра олур пойи қадамдин.

Вуслат туши хамёзи гарон келди кўнгулга,  
Жононими йўқтур хабари ушбу гиламдин.

Шукр айла, Увайсий, бу жаҳон шоду ғамига,  
Пешонага не келгуси — тақдир қаламдин.

**Кунгул** убида чу эҳром айла, айланайин,  
**Тараҳдум** ила ширин ком айла, айланайин.

**Азизмаки** дурушт руй бўлмагил, эй гул,  
**Юзингни** мен сори гулфом айла, айланайин.

**Ғариб** кунглуми билгунгдурурки — байгуллоҳ,  
**Бу сўз** билан ани икром айла, айланайин.

**Дили** шикастанн ҳақнинг қошида қадри бор,  
**Қв шаҳд** сўз ила эълон айла, айланайин.

**Сенингни**, эй фалаким, меҳри шоҳиднинг тиларам,  
**Кунгулни** шоҳинга сен дом айла, айланайин.

**Муяссар** улса сенинг дарғаҳинг, юзум суртай,  
**Дилимни** заррасин ором айла, айланайин.

**Увайси** хаста, занф, нутқиннинг хатоси кўп,  
**Кечурки**, шини саранжом айла, айланайин.

Мени жамолнигга кўп зор қилма, айланайин,  
Қилибми зор яна қилма хор, айланайин.

Ўзум ўзунгга десам сўзни, бовар этмассан,  
Сабони сўзига инкор қилма, айланайин.

Мудом ташна лаб ўттум, валеқрайиға  
Висол жомини нэхор қилма, айланайин.

Юзунг тажаллиси бирла кўзумни равшан қил,  
Дилимни ҳажр аро зангор қилма, айланайин.

Туганди исми ҳуруфи, сен ўтма тўрт хатдин,  
Дилингни қабз ила бемор қилма, айланайин.

Олингни, айланайин, мисраи бошини ҳарфин,  
Бу исм ҳаққи мени хор қилма, айланайин.

Ер кўйига борибон ватап этмай нетайин?  
Ваел умидин оёғимга кишап этмай нетайин?

Барҳам айлаб қадими маҳруми рафтори учун,  
Сояйи ул шаҳи сиймин бадан этмай нетайин?

Буйинми холи кўруб, тутса тааллуқни ғани,  
Дар маҳал кокулнин мен расан этмай нетайин?

Зулфини ёзғонида тегди машомимга асар,  
Тарки ул нофайи мушки Хутан этмай нетайин?

Тиймайин нола қилурдин гул учун булбулдек,  
Мен бу сийнамни фидойи тикан этмай нетайин?

Тегди бошимга табар чунки бу ширин сүзидин,  
Ўзимни ҳамнафаси Кўҳқан этмай нетайин?

Ўзга юздин кўзимни банд этибдур кўзлар,  
Қи хаёли кўзу, қошу зақан этмай нетайин?!

Токи дил сунмади — соқий майини қуймади ҳеч,  
Бу харобот эли-ла анжуман этмай нетайин?

Ишқ даштида шаҳид улди Увайсий, ваҳким,  
Бағримниг қонин узумга кафан этмай нетайин?



Қошларинг қибланамодур, назар этмай нетайин?  
Кирпигинг тири балодур, ҳазар этмай нетайин?

«Қўҳкан!» дебки нидо айлади Фарҳодиға ул,  
Бу ширин сўзига жондин гузар этмай нетайин?

Мен каби ҳеч кимнинг кўксини захм этгани йўқ,  
То маломат ўқиға мен сипар этмай нетайин?

Лабининг ҳасратида бўлди ғизо хунн дил,  
Яқоми ол сиршким-ла тар этмай нетайин?

Ул пари масканига етмади зоҳид — бешавқ,  
Шавқу завқини бугун болу пар этмай нетайин?

Шоҳ даргоҳиға йўл бермади, найлай, на қилай,  
Мен гадо ўзни бугун дарбадар этмай нетайин?

Учраса пурдили, сўзлашмагим айб этма,  
Қариби ҳақ эса, они падар этмай нетайин?

Ботини тунни хаёли йиқилур бўлса не тонг,  
Назм шамъи бида хавфу хатар этмай нетайин?

Масти беҳушлиғининг узрини етказмак учун,  
Ақли компллара хунн жигар этмай нетайин?

Лайливаш ёдида ёнди юрагим, оҳим ила —  
Ўзимн Мажнун этибон хабар этмай нетайин?

Вайсий, бонеш дилзорлиғингдин ваҳким,  
Сўзини занбур каби мен шакар этмай нетайин?

Ғам туниин равш **Э** н қилаи шамъи шабистониммуки?  
Сўрған: аҳволим **Ж** н ким, лутф ила султониммуки?

Қўнғлум ичра ю **Э** туман дардини изҳор айлагон .  
Тиги нодон илги **Д** ин чоки гирибониммуки?

Билмадим, юз ме **Ж** н каби девонани қилди ҳалок,  
Гўй этиб бошини майдон ичра, чавгониммуки?

Келди кўйингға **Ф** алаклардин малак арз эткали,  
Е ани тинчитмага **Н** фарёду афгониммуки?

Ҳасратимни зарра **А** изҳор айлаган вақтимдаким,  
Бир табассум айл **А** ди, ул лаъли хандониммуки?

Дайр аро бир-печ **А** - доноларни гуфторици банд —  
Айлади, ул тўтийи **Ш** ирин сухандониммуки?

Айлади афгон Ува **И** сий бу жудонир ранжидин,  
Демадинг бир, ма **Х** вашимс «Ул хонавайрониммуки?»

Дилбаро, ҳусн ичра сендек йўқ жаҳонда позанин,  
Хизматингда йўқду мендек бир ғуломг камтарин.

Ғам-емам бу дайри фонийда ёруғлик кўрмасам,  
Раҳм этиб гаҳ-гоҳ ҳолим сўрса гар ул маҳжабин.

Жон тараддуд қилди тандин кетгани, манъ этма, **■ҚД**  
Улмайниму, дилбарим ағёра бўлмиш ҳамнишини?!

Ҳасратимдин зарра изҳор айламакка кўрқарам,  
Топмағай ором ҳаргиз осмон бирла замин.

Кеча тонг отқунча фарёдим сенга манзур эмас,  
Токи ноламға малонклар қилурлар офарин.

Эй фалак, кажравли давронинг менга бўлди насиб,  
Не учунким, дўст аҳлининг кўрурман кулфатин.

Ёр васли — жону ақлинг, Вайсий тандур, негаким,  
Чикти жон таи мулкидин кўргач бу ҳижрон даҳшатин.

Қайси соқийдур, сабукашликда саршор ўлмагон?  
Қайси дайр аҳли эрур, лабташна — хуммор ўлмагон?

Қатрайи майдин агар бозори ишқи топса нур,  
Қайси ҳушёр аҳлидур, жамъи ҳаридор ўлмагон?

Ернинг исломни зулфидин қурилса ҳалқае,  
Қайси зоҳиддур, ёнилмай банди зуннор ўлмагон?

Ишқдин қилди ҳазар, тоқат қиллолмай тоғу тош,  
Қайси жисмедурки, бу дард ила бемор ўлмагон?

Ер қаддидин зуҳур ўлса тажалли, кимдур ул?  
Соя янглиғ қомати бирла пураёнвор ўлмагон?

Васл миръоти агар ағёрдин топса ғубор,  
Қайси дилдур, ҳажр аро кўзгуси зангор ўлмагон?

Ё азиз бошнини матлубига қилса поймол,  
Қайси толибдурки, эл бошига дастор ўлмагон?

Ул кунни Одам яратти, ёпти ғафлат пардасин,  
Аҳли ҳақлар олдида кимдурки, бедор ўлмагон?

Вайсий хўблар суҳбатини топмай қилур доим наво,  
Заҳр ютса кимдур ул, нутқин шакарвор ўлмагон?

Найлай, бу ҳазин кўнглума ишқинг хабар ўлғон,  
Сийнамки, маломат ўқиға, ваҳ, сипар ўлғон.

Зийнат беран ул манзари афлоклар узра,  
Кавкаб эмас, ул оҳи саҳардин шарар ўлғон.

Ширин дею Фарҳод ҳақиқатга уланди,  
Мансур каби жонидин охир гузар ўлғон.

Тегди асаре Лайли паричеҳрасидинким,  
Қайс эрди не учун ўзидин беҳабар ўлғон.

Дард аҳли мени тоҳи сар этса ажаб эрмас,  
Жисмим неча кун эрдик, то хоки дар ўлғон.

Солма назаре суду зиёнимға, халойиқ,  
Ишқ аҳлини кори кеча-кундуз зарар ўлғон.

Эй дил, нега уммид этасан раҳм санамдин,  
Аввалда ситамгар диликим, кал — ҳажар ўлғон.

Ул рутбайи Вайсийға жаҳон пўя урубдур,  
Қимё назарим манзурида хок зар ўлғон.

Иўқ мен каби ишқ ичракқ хуни жпгар ўлғон,  
Кундин кун фарёду фиғони батар ўлғон.

Мажпун тани урёниға таън этма, халойиқ,  
Дарду алами Лайлиниким, болу пар ўлғон.

Ул қул лабиға тангри каломини ёшурди,  
Ширин ул эрди, сабаби лаб шакар ўлғон:

Излаб туну кун, шавқи сиво айлаб ўзимни,  
Мен хагани кўргил, не учун дарбадар ўлғон.

Хоки раҳ агар ўлса бошим, шиква не айлай?  
Иўқ эрди муҳаббат йўлидак мўътабар ўлғон.

Мағрури ибодат ўзинги айлама, эй дил,  
Шайтонин ланидги хабар ол: хайри шар ўлғон.

Жонон сорига борсанг агар, пайк, баякбор —  
Вайспийи дегил, ҳажрида ҳоли дигар ўлғон.

Қай куни учради бир шўхи ситамгар мавзун,  
Жўзи бирла қоши ўйнар, ўзи дилбар мавзун.

Не ажаб, ушбу димоғимни муаттар этти,  
Тарқатибдурму экан зулфи муанбар мавзун?!  
172

Ики ялдоки, бир ой соридин инди қалинга,  
Билмадим мен ани қад бирла баробар мавзун.

Ваъда қилдинг менга сен: «Бир борайин!» деб, эй гуд,  
Унутибсан аниким, эй маҳи анвар, мавзун.

Рашкинг ила мени жонимга солибсан оташ,  
Не учун айладинг оламин мусаххар мавзун.

Соқиде, ташналиғим ила хуморим дафъин  
Айлади муғбачайи ул лаби шаққар мавзун.

Вайсений шаб-рўз не ажаб бўлса сенинг ҳайронниг,  
Қадинги дшвасидур ғайри мукаррар мавзун.

Чу булбул шавқи гул бирлан фиғон этмай, печук қилсун?  
Тикан захми билан кўксини қон этмай печук қилсун?

Бу умри бебақо даврида ҳижрони ғаниматдур,  
Кўрар ҳижронча васлини баён этмай печук қилсун?

Алишмас ҳеч ғами Лайлини Мажнун шодмонлиқга,  
Бу ғам ширинлигидан тарки жон этмай печук қилсун?

Балосиз роҳат излар элнинг имони хатардурким,  
Қиши донодур андоқ, имтиҳон этмай печук қилсун?

Халойиқдин дил узганини халойиқ излагай шаб-рўз,  
Аларга зикри тилдин бул нишон этмай печук қилсун?

Муҳаббатнинг ахири ёр висолига ҳижоб ўлгай,  
Ани ҳам тарк этиб, руҳини равон этмай печук қилсун?

Увайсий мажлиси табъида васфи ёр мазмуни,  
Анинг тавсифини вурди забон этмай печук қилсун?



Урма дам, бедард аҳли, дилда гам қўзғолмасун,  
Гўйинё захми вужудимга алам қўзғолмасун.

Ишқ мазмунни қўнгул лавҳираким ёзди азал,  
Котиби поёнадни қоши қалам қўзғолмасун.

Қуфрдин ёндурма, эй носеҳ, кўруб зуннорни,  
Ташламон, бўйнимдин ул позук санам қўзғолмасун.

Базми бунёднингни сели ашки вайрон айлағай,  
Жон тасаддуқ сенга, ағёра карам қўзғолмасун.

Орзумандона бормоқлиғ не ҳожатдур сенга?  
Мен борай олдингга ўлтирсанг, қадам қўзғолмасун.

Топти жон лаълинг Масеҳидин кими — бўлмас мамот,  
Қобиз илғида ажалнинг жоми ҳам қўзғолмасун.

Зарра изҳор этма, эй Вайсий, қуёшнинг нуридин,  
Тоб эта олмай Араб бирла Ажам қўзғолмасун.

Ҳеч кимса мен каби оламда расво ўлмасун,  
Ер васлини излабон ҳар лаҳза шайдо ўлмасун.

Бир пари рухсорасинда дониш холу хатин  
Кўрғач, ул дам банди зулфи анбаросо ўлмасун.

Тун аро Лайло дебон Мажнун бесомонадек,  
Донмо авборайи дашт ила саҳро ўлмасун.

Сийнам ичра мапж урар ҳар лаҳзаким, тўфони ғам,  
Бесафина мурча гарқ амвожи дарё ўлмасун.

Зоҳидо, таън этмагин олам аро расволигим,  
Ҳеч ким ҳайрони бир ҳусни мужалло ўлмасун.

Соғари саҳро юзунда жилвагар жононимиз,  
Нашъайи жони мулу пирн муалло ўлмасун.

Зарфи ҳуш ўли мабодоким, жунун паймонини,  
Ақлдин бегонау сармаст воло ўлмасун.

Ер кўйидини ётар ҳар дам нигоини «Фасбиру!»  
Мубталоини дарду доғи бемудово ўлмасун.

Шуълайи оҳим шарори чархи нилийдин гузар —  
Айлагай, ҳаргиз менингдек оташосо ўлмасун.

Бу менинг ҳайронлигимға ёр аксидур сабаб,  
Мисли Вайсий ҳайратни маҳви тамошо ўлмасун.

Пандим ол, эй, мардуминг ул хусна биноланмасун,  
Гарчи биноланса ҳам, тахтидин ифшоланмасун.

Кўз саҳоби ичса сув тахтул жало дарёсинди,  
Ашк борони мабодо ёғса, дарёланмасун.

Мен сорн ёз онча бепарволниг этсанг розман,  
Жон тасаддуқдур сенга, аёбра парволанмасун.

Тешайн рашким бошим қатл айламакка қасди бор,  
Бестун тоғида ул Фарҳод танҳоламанмасун.

Ишқ даштида неча пинҳона ноҳақ қатл эди,  
Иўл юр, ушшоқ аҳлига ғавғоси барполаманмасун.

Етмайини васлинг баҳосига чун саргардондуман,  
Сен билан қаллож ҳаргиз, ваҳки, савдоламанмасун.

Ер кўнглун истабон, дил муддаосинди кечиб,  
Мен каби бу рутбада ҳеч кимса адноламанмасун.

Гарчи Вайсий лафзида хосу, эрур маънида ом,  
Эмди мағлубим бу даҳр ичра муаммоламанмасун.

Узга сўз зикр айласам, гуфтор раъноланмасун,  
Булса савдо ғайр илан, бозор раъноланмасун.

Тушти зулфинг бўйинима, дин кетти илгимдин, нетай,  
Айтқали то куфр жим, зуннор раъноланмасун.

Дилрабодурсан санам, олдурди дил ишқ аҳликим,  
Даҳр аро бошдин – оёқ дилдор раъноланмасун.

Не ажаб тарсқдурман, заҳр то кор этмагай,  
Қасд этарга ушбу жун ағёр раъноланмасун.

Ишқ афсун айласа , этма алойиқдин умид,  
Ишқ бир чўғзе эруд, меъмор раъноланмасун.

Туррайи зулфига остим, найлайин мен хаста дил,  
Чиқти жон рашкид а, куп туммор раъноланмасун.

Вайсий назми васфи зинга, жонон, қасам: биллоҳким,  
Узга сўз зикр айласам, гуфтор раъноланмасун.

Муҳаббат ўтнин жисмимга ёқ бағрим кабоб ўлсун,  
Кўзум ҳуснунга сероб айла андоқким, пуроб ўлсун

Тузатқил базминги ораста, эй хўблар шоҳи,  
Таропайи наю, танбур ҳам чангу рубоб ўлсун.

Сенга бир нукта изҳор айлайини дардимдин, эй котиб,  
Қилиб ҳал кўзларим, ёзғил мяжам бирла, китоб ўлсун.

Насиб эт жоми майдини зухд элига қатра, эй соқий,  
Назора қилмай аҳволимга, доим масти хоб ўлсун.

Хуш улким, то дари мақсуддин гар анда во бўлса,  
Юзумга бир тарафдин мунда гар масдуд боб ўлсун.

Агар сен — орзу дийдорин, эй кўз мардуми, тинмай  
Ки андоқ йиғла, ашқинг мисли боронин саҳоб ўлсун.

Унайсий, гар қадам қўйсанг муҳаббат боргоҳига,  
Саги аҳли сафо бўлгилки, то жисминг туроб ўлсун.

Қовди кўйининг ити, олди бу оҳимдин ҳаво,  
Хирқайи жўлида, аҳволи табоҳимдин ҳаво.

Лахта-лахта бағримниг қонин ялогига қуюб,  
Ўтдим андин, туҳфа айлаб ранги қоҳимдин ҳаво.

Кўрди соямни рақиблар, сурди олдига солиб,  
Мен гадони маҳрум этти, топди шоҳимдин ҳаво.

Печа кун тўқтим тариқат йўлидин ашқим сувини,  
Ишққа бўҳтон айламаклик гарди роҳимдин ҳаво.

Донмо ҳажрни тушин торик била олмас кўзум,  
Не учун матлуъ субҳи гоҳ- гоҳимдин ҳаво.

Кеча ялло касб этар, кундуз мунавварликниким,  
Тушу кун меҳри руҳу зулфи снѐҳимдин ҳаво.

Қатрайи май қийматин соғарға соқий тўлдириб  
Қўлдиким, мугбаччайи ул дастгоҳимдин ҳаво.

Холу хат ёдила дилдорим ўлубдур сабззор,  
Ул сабаб топти баҳорниг боргоҳимдин ҳаво.

Демагна, маҳваш, итурднинг фикримни ҳижрон туши,  
Нега етсун тун аро уммид моҳимдин ҳаво.

Дил қуши парвоз этар гулрух маконига бугун,  
Болу пар айлабдур, ул пушти паноҳимдин ҳаво.

Вайсий султон ўлса бу соғар майиндин маст ўлуб,  
Ким мени Юсуф азизи Миср жоҳимдин ҳаво.

Бул машомим олди ул зулфи муанбардин ҳаво,  
Ғўйиё олди паришон ҳол дилбардин ҳаво.

Нутқи чандон ўлди ўхшар ёрнинг агёрга,  
Рашкида дардим ақалли олди аксардин ҳаво.

Иўқ умидим фони дунёда бу меҳру моҳдин,  
Не учунким, олди ул хуршиди ховардин ҳаво.

Васл аро ҳирмон ўтиға ташласам хокистарим,  
Тонг эмас, умидим илги ноз пайкардин ҳаво.

Ёр ҳақ эикрин деюб, қўйди қадам масжид сори,  
Аксн эрди, зоҳидо, меҳробу минбардин ҳаво.

Лафзидин ширин тақаллум сочти, сеҳри ошкор  
Айлади, олди пайистон лаъли шақкардин ҳаво.

Зарраин хуршида қошеъманки, билдингму, садаф  
Қатраға қилди қаноат, топти гавҳардин ҳаво.

Қилди жоду кўзлари афсуи менингдек нечани,  
Ҳусни ганжи узра ётқон икки аждардин ҳаво.

Соқилё, жон етти лаб, лаъли майидин ваъда қил,  
Оядилар аҳли беҳишт умиди кавсардин ҳаво.

Рамзи ганжини тугал мендин дема, зоҳид, кўнгул  
Олди мактубот ичинда ишқпарвардин ҳаво.

Вайсий жисми кул эмас деб, ишқ ўтиға қилма шақ,  
Ёр олдида олибдур жисми мажмардин ҳаво.

**Дедя бир кун менга ул маҳвашим: «Эй шўҳи бепарво!»**  
**Мен айдим: «Сен дема, мен дейки: солдинг бошимга савдо!»**

Ато қилди худо менга сенингдек дилбарни барно,  
Висолинг қатраедур, мавж урар ҳажринг бўлуб дарё!

Қаноатда дегил кўнглум қушин то ул қуши анқо,  
Нечунким, сен эурсан баҳри дилда гавҳари якто.

Табассум айлагил нолам насимга, гули раъно,  
Қи гулзори фироқ ичра мен эрдим булбули шайдо.

Баногаҳ етса васлинг, қилмағайсан нозу истиғно,  
Дегайсан мен гадо мазмунига, эй шоҳ, «Салламно!»

Замонингда агар мавжуд бўлса Вомиқу Уэро,  
Муҳаббатдин дам урмас эрдию ишқ айламас даъво.

Ажаб маъшуклик расмин билурсан, кўзлари шаҳло,  
Тополмас икки оламда Увайсий шўҳи базморо!



Жисмими риштаси, эй ишқ, ўшал тоба фидо,  
Айлайин ашкими ҳам ул гуля сероба фидо.

Бошими саждадин ар олмасам, эй халқ, не бож,  
Ақлимин айладим ул ғамзайин меҳроба фидо.

Сокин ўлсам умр борича ашинг ҳасратида,  
Зарфи сиймин бадан ул шевайин сиймоба фидо.

Барҳам айлаб кўзум уйқусини бедорлигим  
Васлида наргишини афсун этан хоба фидо.

Боқининг кўнглума ором, сўзинг — жонимга,  
Кулушинг — гирямаким, мен бўлай аҳбоба фидо.

Қилма номус, мени хирқайин жўлида кўруб,  
Эйки, нозукбадан, устингдаги синжоба фидо.

Вайсий ашъори бугун нуқтайин асроринг аро  
Мухтасар ҳам мутаассир дури ноёба фидо.

Ер, базм **орол** **лиғни** **гга** дарди пишхоним фидо,  
Базм, ар **о** **ра** **ъно** **лиғни** **гга** оху афгоним фидо!

Ғайр сори **га** **боқиб**, қилсанг такаллум дам-бадам,  
Лахчайи **рашк** оташига бағри бирёним фидо.

Манзур **улса** **жисми** беморимки дарди ёрга,  
Айлайин **жоним** - билан мен анга дармоним фидо.

Кўз тикар **ларким**, фалак тоқига, эй маҳваш, улус,  
Ийди рух **сори** **гга** ул дам жони қурбоним фидо.

Зулфи **нассо** **жинг** сабо таҳрики амвож айламыш,  
Ҳеч замон **жамъ** **ўлмагон** хотир паршоним фидо.

Шаҳсуворим **чиқса** саҳро сайри гулзор эткали,  
Лолазор айла **ай** **ўзум**, айлаб қизил қоним фидо.

Талху ширин **лиғ** **билла** қилсанг табассум гоҳ-гоҳ,  
Нури нисоним **анго**, эй лаъли хандоним, фидо.

Барқи бепарво **лиғ** **ул** кўз маъзариди мардуминг,  
Айлади, **ўт** **солди**, **қилди** сабру сомоним фидо.

Тири гамзанг **гап** **аро** қилса қадам ранжидае,  
Ашки ғалтоним **инс** **ору**, жоши меҳмоним фидо.

Зоҳидо, ёндирма **Вайси** **ини** маломат порига,  
Фашин дастори **игли** **қилгай** оҳи сўзоним фидо.

Езма тумморингини, умр, эй гул; керакмазми санго?  
Верма куб хорингга йул, булбул керакмазми санго?

Верма ҳар машшота илгина сочинг андешасин;  
Ожиз улгон шонаси, кокул керакмазми санго?

Ғўта ур баҳри таваккул ичра, эй ғаввос дил,  
Ишқ батни ичра ақли кулл керакмазми санго?

Қовламоғлиг ихтиёр этди, дедим бан ёлбориб:  
«Дарғаҳинг жоруб эдарга қул керакмазми санго?!»

Соқиб, қилдир муноди, етди жон лабга яқин,  
Ташна улсанг келки, соғар, мул керакмазми санго?

«Фасбиру!»— келди нидоси, қўймағил соғарга лаб,  
Мунтазир улгон сочи сунбул керакмазми санго?

Вайсий гул қон бағрина ёзди-ю, узди боғбон,  
Езма тумморингини, умр, эй гул, керакмазми санго?

Ёр, манъ этма бани, **М**ажнун керакмазми санго?  
Ол ашким, хирқайи **гу****л**гун керакмазми санго?

**К**уднамолиғдан вага р **н**омус эдарсанг ҳолима,  
**В**изни халқ эдган **уш****л**ал бечун керакмазми санго?

**С**очма ҳасрат тухми ни , эй Мажнуни саҳропиши,  
**Ш**аҳр расвоси эсанг **ҳ****о**мун керакмазми санго?

**И**стасанг ёр ила **уз**лук , зоҳидо, куб йиғлагил,  
**У**злугунг фарқ эдмага **Ж**айҳун керакмазми санго?

**С**олма бир номард **к**ў**н**глина муҳаббат нашъаси,  
**В**аҳки, ҳақ асрорина **м**акнун керакмазми санго?

**Ж**уни ноҳақ қилди **у**л **к**уз, эй жаҳонгири замон,  
**И**злагил лаъли лаб**и**ни , хун керакмазми санго?

**Е**д қилғил сан дуо **в**а **к**зтида, Вайсийи ҳазни,  
**И**лтифоти қуввати **м**а **ҳ**зуи керакмазми санго?

Гулшани даҳр ичра барча шод, қайғудур менго,  
Қим насиб ўлмиш, нетай, ҳижрони гулрўдур менго.

Элга бўстони карамдин марҳамат жорий этар.  
Бемурувват, сангдил донм жафожўдур менго.

Қайда бир бегонани ром эткали ширин забон,  
Ошнолиғ матрабида кўрди, бадхўдур менго.

Маст ўлуб лобарлик эттим, дайр аро топтих насим,  
Берган илгимга қадаҳ — зулфи сумаибудур менго.

Истадим мен ончунон бедорлиғ тогида деб,  
То веча фаҳм айладим — меърож уйқудур менго.

Сен жароҳатлик кўруб жисмиши, манъ этма, ҳаким,  
Тупраги бу танларим захмига дорудур менго.

Айиндин илгин агар ювса Увайсий не ажаб,  
Икки олам меҳриким, бир косайи сувдур менго!

Ғамниг унсу дардинг ватандур менго,  
Катон тўн сенингсиз кафандур менго.

Қаро кокулинг бўйишма, эй шаҳим,  
Ки куфр эткали то расандур менго.

Умид айламон сайри боғни бу дам,  
Ки юз турли доғниг чамандур менго.

Дема: «Даҳр боғидин уздинг гуле!»  
Илиғимда, ваҳким, тикандур менго!

Қочолмон фироқнигдин, эй муғбача,  
Висолиг умиди кишандур менго.

Улус таън этар: «Айладниг рўзгор!»  
Бу кулбамки, байтул-ҳазандур менго.

Умидим тўла раҳматингдин, илоҳ,  
Ки ҳамном — Вайсил қарандур менго.

Кирмасам майхона аҳли пчра, армондур менго,  
Кирсам, ағёр илгидин бағрим тўла қондур менго.

Бўлмаса васлинг муяссар айламон дилдин дарин,  
Ҳажр шомида хаёлинг моҳи тобондур менго.

Ишқ ўтида куйдим, ўртақдим фироқнинг ўтида,  
Васл чоғида, нечунким, доғи ҳижрондур менго.

Буздн нобунёдлар озор ила дил масканин,  
Ул сабабдин олами обод вайрондур менго.

Ғайр эли, шод ўлмағил бу дам кўруб ғам сайҳасин,  
Боғи давр бошим уза кажравли даврондур менго.

Соқиб, май тут, фироқ пчра талаб қилмиш ажал,  
Мастлиғда жондин ўтмоқликки осондур менго.

Орзуин васли жонон ўлса Вайсий не ажаб,  
Бермадим жон олдида, донм пушаймондур менго.

Эски, хуршиди жамолнингдин мунаввардур менго,  
Сенсиз ўлмаским зиёси меҳри ашвардур менго.

Истамон ул нофайн тотарнинг бад бўйини,  
Шона урғон чор зулфунгдин муаттардур менго.

Орзуйи сайри бор ўлсамки то, навмид ўлай,  
Гул — юзунг, райҳон — хатинг, қаддинг — санавбардур  
менго.

Ҳеч қилмассан мени бемора дармон, эй табиб,  
Ваҳки, кун-кундин зиёда дард бадтардур менго.

Чеҳраин зардимдин изҳор ўлса рашк, ўлмаиғ малуд,  
Ҳар неча сўз зоҳир этсанг билки, бовардур менго.

Қошимни хам этмам ичсамким заҳар ағёрдин,  
Не учув, нўш айларам ул лаъл шаккардур менго.

Айланур бўлсам мени Вайснйга не тоиғ, не ажаб,  
То ғаниматдур бугун ул чарх дилбардур менго.



Соқиб, берки бугун васл алида жом менго,  
Соғарингда кўрншур чеҳрайн гулфом менго!

Бўлди бағрим тўло қон ўқларининг фурқатидин,  
Солмади бир назаре кўзлари бодом менго.

Халқ, манъ этма, менинг раҳм этиб аҳволима сен,  
Кўйн сорига борай, туфроғи ором менго.

Ажаб эрмас кўзума бўлса снях ушбу жаҳон,  
Тенг эрур фурқатидин субҳ билан шом менго.

Нетайин шиква қнмай ваҳший тарсобачадин,  
Хоки раҳ бўлди таним, бўлмади ҳеч ром менго.

Сочиб эрмиш юзининг мазранга донайн меҳр,  
Икки сайёд этиб кокулинн дом менго.

Аҳднин ўзгалара пухта этибдурму экин?  
Не учун доим этан ваъдасндур хом менго?!

Эй сабо, боргил ўшал меҳру вафосиз қошига,  
Берсуи ул бўйн насими била пайғом менго!

Пинғладинг, боқмади ҳеч; Вайсий, ул ойнинг йўлида,  
Айлади сарзаннш ул хос билан ом менго.

Айтайми, лутф ила сўр, дўст, бу ҳолимни сенга,  
Топширай сўрмасанг, аҳволи вуболимни сенго.

Васлинг уммидида нун бўлди фироқниг юкидин,  
Бўлмади таъсири ҳеч бу қадн долимни сенго.

Ендир, эй, шамъи висолинг мени парвона учун,  
Садқа айлайки бу охшом пару болимни сенго.

Бу муҳаббат ҳарамн ичраки хирмон иламен,  
Демаднинг: «Кўрсатай!»— эй шўх, «Жамолимни сенга!»

Кўйинга бормоқа хориждур илик бормоқидни,  
Туҳфа айлай ранги зарду ёши олимни сенго.

Зоҳидо, маълум этай: узрдурур тоатқа —  
Ишқ аро дард чекан ҳоли мақолимни сенго.

Топса гар Вайсий сени, эй уламо, бўлма малул,  
Кима дей: айт, демай дарди кашолимни сенго?!

Расво бўлур, гар ўлса киши мубтало сенго,  
Бегонадур тааллуқидини ошно сенго!

Жондин кечарки, қўйса киши васлицга қадам,  
Хайратда умри — айласа бир иқтидо сенго.

Гулзори ҳажрдин хабаринг борму, гулбузор?  
Жон булбулки, донм этарлар наво сенго!

Мақбуллиғидин этти йикроқ ўзлугим мени,  
Бўлғоймумен қабул, гар ўлсам фано сенго?

Ким юз ўтурса топқуси охир жазо, сени  
Тонқай юз олча айласа ким бир вафо сенго!

Меҳр истамак хато эрур оламнинг аҳлидин,  
Эй меҳрибон янгор, қилай илтижо сенго!

Қилмоқ муҳол Увайсийни доҳил висолия а,  
Гарчанд маҳрум ул қиладур жон фидо сенго!

Қилдғим дуойи ҳар сяхари илтижо сенго,  
Оҳу фэриғону пола билда юз наво сенго.

Недин муяссар ўлмади барқи нуфуским,  
Бир оҳу зорим ўлмади ҳеч мустажо сенго.

Зоҳирдурур менго сенго мақбул эмаслиғим,  
Бегоналар агарчи дурур ошно сенго.

Бу дийда кўзгуси ҳама маҳви лиқодурур,  
Андин эрурки чўр ҳама жўши сафо сенго.

Ғайри сенго муравваж эмас хўблиғи, вале,  
Собит эрурки, бу ҳама нашъу намо сенго.

Авжи силтеҳр устида гўёки моҳи бадр  
Ким, пол а ичра тобиши меҳри вафо сенго.

Кўргач юзунгда донайи зулфи снёҳипги  
Сайди каманд ўлдим у бас мубтало сенго?

Топмоқ муҳол даҳри фано ичра ваҳ, сени,  
Эй шоҳи ҳусн, хўблар ўлубдур гадо сенга.

Бу можароки, қайдин ўлубдур менго насиб,  
Рўзи азалки, руҳим ўлуб ошно сенго.

Билмамки, дард аввали, бу ранж охири,  
Ишқ ўлди ибтидоу яна интиҳо сенго.

Вайсий, мудом оҳу фирон айлаюб делор:  
«Е айюҳал-ҳабиб, файўътал — жазо сенго!»

Кимдурур иыққини, жоно, ошқор этмас сенго?  
Кимдурур күздин жпгар қопини нисор этмас сенго?

Кимдурур шавқинг аро тарки насиҳат этмаган,  
Кимдурур носеҳга душман, ўзни ёр этмас сенго?

Кимдурур фаҳму фаросатда аёз улмак тилар,  
Кимдурур донм умиди эътибор этмас сенго?

Курса ногаҳ бир хиром этмакда алвон ишвани  
Кимдур эшиқингда қуллуғ ихтиёр этмас сенго?

Қилса Мажнун кечани ул Лайлийн күзгу сафо,  
Кимдурур ишқингда күз, юзни ғубор этмас сенго?

Күз демасман, ё басиру ёки девори мағок,  
Кимдурур ул нури күзни интизор этмас сенго?

Остонингга бошим қуйдим, кутармак йуқ умид,  
Вайсий бечоранг вуболи ҳеч кор этмас сенго?

Кўруб ул донайи холинг, дедим: «Домингга салламно!»  
Нигоҳинг қатл этар, ул чашми бодгомингга салламно!

Масиҳо иктисоб айлар экан лаъли лабингдинким,  
Сўзунг мниг жон берур бир дамда, ул комингга салломно!

Ушал абру ҳилолинг ийди рухсорингда кўрсам мен,  
Ки қурбон айларам жонимни, айёмингга салломно!

Вужудим ичра жоним ўртанур фонус шамъидек,  
Чароғинг этмағил даркор, ул шомингга салломно!

Кўзум ҳал бўлди кўз тутмоқда то йўлингга, эй қосид,  
Дерам ҳар кун муяссар йўқду, пайгомингга салломно!

Тагофил қилма, эй соқий, бугун хуни жигар соғар,  
Ютарман ташналикдин ҳар надур, жомингга салломно!

Увайсий, қофия танг ўлса ҳам, мазмуни маҳвашдин,  
Хаёлини маҳкам эт, айғилки: «Эҳромингга салломно!»

Ишққа ким тушти — ўшал тушти ғами гирдоб аро,  
Умр ўткармаклиги улдур хаёлу хоб аро.

Орзуйи ҳусн бўлмакдин агар кўз тўкса ёш,  
Гўйиё ботмиш ҳалокатга, қолиб селоб аро.

Ишқ сирридин дам урма тангдил номардга,  
Он қадар маъюслиғ зоҳир бўлур арбоб аро.

Сол кўнгулга, сомео, хуршид талъат шавқини,  
Барҳам ўлгай нури кавкаб меҳри оламтоб аро.

То хаёлини етурсанг ҳажр зулмотидаким,  
Излагил ул моҳталъат кокили қуллоб аро.

Ўлгурубдур ишқ хайлини тамошоси учун,  
Афсарини эгри қўйибдур нурдин синжоб аро.

Хориж ўл ашъордин, тутгил, кўнгул, бир гўшае,  
Булгуча агёр сен, Вайсий, бугун аҳбоб аро.

Ер шавқияи чекарман доимо маскэн аро,  
Қилмасун тангри жудо ул марқаду мадфан аро.

Лайли кўйида кўруб Мажнунни таҳсин қилмағил,  
Иштиёқи ёрни музмар айламыш ул тап аро.

Билмағил Фарҳоду Шириндин, самандар қўшни кўр,  
Ёстанибдур ишқ савдоси била гулхан аро.

Толиб эрса ҳар киши матлубидин эрмас йироқ,  
Кўзга танҳодур валекин токи пироҳан аро.

Рашк боди кўнглум ичра қилди танни кўп мағоқ,  
Зоҳидо қилғил намозинг захмдин равзан аро.

Сўрмағил кўнглумни ҳар ёндин, меним-ла кўрмасанг,  
Дилни жо этти Увайсий фикри сийминтан аро.



Ер шавқили чекарман доимо маскәл аро,  
Қилмасун тангри жудо ул марқаду мадфан аро.

Лайли кўйида кўруб Мажнунни таҳсин қилмағил,  
Иштнәқи ёрни музмар айлампш ул тан аро.

Билмағил Фарҳоду Шириндин, самандар қўшни кўр,  
Естанибдур ишқ савдоси билә гулхан аро.

Толиб эрса ҳар киши матлубидин эрмас йироқ,  
Кўзга танҳодур валекин токи пирохан аро.

Рашк боди кўнглум ичра қилди танни кўп мағоқ,  
Зоҳидо қилғил намозинг захмдин равзан аро.

Сўрмағил кўнглумни ҳар ёндин, меним-ла кўрмасанг,  
Дилни жо этти Увайсий фикри сийминтан аро.

Васлиши жононадни сўрдинг бугун, эй дил чаро?  
Васл базми ичра ул ағёрға мойил чаро?

Эй улус, чиқма тамошога, агар чиқса санам,  
Жонинга жабр ўлмасунким, раҳмсиз қотил чаро?

Тонг эмас фитрокин остида югурса нечалар,  
Қатл улан жамъики бир тўғи билан бисмил чаро?

Излагил маъшуқ — жононинг изни, сен, эй кўнгул,  
Соҳибни майхона — пири дайрдур комил, чаро?

Дард эли, кўп нола бунёд этма соқий илгидин,  
Соҳибни майхона — пири дайрдур комил, чаро?

Мугбача, жабрингни йяғ бегонадни, зулм ўлмасун,  
Айлабон тафриқа, бергил бизлара қойил, чаро?

Тийра табъимдни ёзармен тийра тунда васфини,  
Ёр шавқидин чекар оҳим бу тун маҳфил, чаро?

Толиб эрсанг, зоҳидо, бўлғил фанойи фил вужуд,  
Мен фанойи фил — адамдурмен, бўлуб сойил чаро?

Вайсий назмидин чаро таҳсин чиқармай, эй улус,  
Ушбу байтм орзуйи пайрави Бедил чаро?

Еримни бугун илгида шамшири тамошо,  
Ушшоқларни бўйи ида занжири тамошо.

Қасд айласа, ҳар Сайдини ёндирмоғи мумкин,  
Ҳам донау ҳам дом ила тазвири тамошо.

Тахт устида султонлиғ этиб, шоҳлиғ эттай,  
Гаҳ-гоҳ бирор тук аро шабгири тамошо.

Гар раҳм қилиб ишқ элига, солса назар ул,  
Бир ёйини тўлдир са, туман тирн тамошо.

Сайёди ми бир гамзаин тигида ўлуб қатл,  
Бисмил бўлубон домда нахжири, тамошо.

Умиди висолниқ этиб кечау кундуз,  
Мендек неча ҳиж ронида дилгири тамошо.

Кўрдим бу кеча ўйқуда бир неча рамузи,  
Кўргон тушима ёрими таъбири тамошо.

Кел, зоҳиду, кўр ёрни, савод ишқ чиқарғил,  
Юз мусҳафни атрофида таҳрири тамошо.

Дурди май ичиб, кўнглими маъюслиғидин,  
Май лойи билан соқий бу таъмири тамошо.

Диб этма намози м аро ақлимни йитурсам,  
Невчунки, дилим самъида такбири тамошо.

Вайсый, санам афсонасидин ким талаб этса,  
Қаҳр этма аларг а, неки тафсири тамошо.

Юз ганжи уза кокили афсун тамошо,  
Жоду кўзи ул ёндаки мазмун тамошо.

Ваҳдат майи жомингда қилур жилва ажойиб,  
Васфин демакимда дили пурхун тамошо.

Гар раҳм қилиб ташналарин айласа сероб,  
Жон лабга етан қуллари мамнун тамошо.

Гул юз ила сунбул сочи узра қуйиб афсар,  
Бул ён қадам урса, қадн мавзун тамошо.

Кўз субҳаси бағрим қонини сочти, бу саҳро —  
Ашкимдин ўлуб долайи ҳомун тамошо.

Ағёр билан бода ичиб, маст гар ўлса,  
Ошиқларига чехрайи гулгун тамошо.

Ул Лайливаш афсонасидин, Вайси, дам урма,  
Сайл ичра бугун бўлгуси Мажнун тамошо.

Найлайин, билмонки, банд ўлди юзумга боблар,  
Баҳ, насиб ўлмиш нетай, бахтим кўзига хоблар.

Мунқатеъдур оби пайсон қулзуми мазмундин,  
Шеър аро бўлди мамот ул гавҳари ноёблар.

Касб этарди сендин, эй хуршид, юздин сол ниқоб,  
Фурқатингда туну кун хуршид ила маҳтоблар.

Кокулниг ҳар тори юз Мажнунинга занжир эди,  
То масожид аҳлига ҳошнинг эди меҳроблар.

Меҳр тобин, ҳажр тобин жону дил бирла қўшиб,  
Ким фалак чархида бул даврон ажузи тоблар.

Ҳар сўзи юз мавта жон бергай эди, эй ҳушманд,  
Бердилар бир неча жон ҳажрида лаъли ноблар.

Эй дило, манъ айлагил кўздин бағир хубобини,  
Сирни фош этти бугун кўздин туқулган облар.

Вайси, сен андиша қилма халқ нуу онидин,  
Кўз ёшнинг фарқ этса тонг йўқ маъдани одоблар.

Кузларнинг фироқида таида жолагун қонлар,  
Қилғалин тамошбесин саф чекибду мужгонлар.

Эй гани, карам айлаб, ҳуснингн закотидин  
Фақр аро гадоларга айлагайсен эҳсонлар.

Улмайинму уксукдин — менга қилмадинг парво,  
Ғайр аҳлига не деб марҳамат фаровонлар?

Зоҳидо, ҳазар қилғил хубларни домидин,  
Ҳалқа-ҳалқа юз узра зулфидур паршонлар.

Сабр ончунон эттим, булмади мурод ҳосил,  
Тишладим адаб тошин, токи синди дандонлар.

Бул шарорайи оташ саҳл тутма, эй маҳбуб,  
То чиқарди оҳимни кўнглум ичра сузонлар.

Сабр қил бугун, Вайснй, қилма ношикеболиғ.  
Тонгла ҳақ булур қози, дастинг ул гирибонлар.

Санам, ҳар бир сўзунг — бир гавҳари ноёблардурлар.  
Рамуз урёнларига гўйиё синжоблардурлар.

Қошинг невчун юзунг баҳрида кўз даврин этиб маскан,  
Муҳаббат аҳлини фарқ эткали- гирдоблардурлар.

Тонг эрмас куфри, ким бошига ҳумро айласа дастор,  
Лабниг бағримни этган дам-бадам хуноблардурлар.

Муқарраб бўлма, зоҳид, хўблар ҳусну жамолига,  
Юзи узра неча бахтим каби қуллоблардурлар.

Дило, ғафлатни маҳрам этма, ўлсанг толиби дийдор,  
Сени маҳруми жонон айлаганлар — хоблардурлар.

На ошнқларки, жонон йўлида помоллардурлар,  
Рағиғ зарду, боғир хуноба, ашки оллардурлар.

Қўруб май жилбасин жомингда, жон берсам ажаб эрмас,  
Мағас мақсуди, билсанг, кеча-кундуз боллардурлар.

Мудом асармен озор айламакдин хотири покни,  
Нечун — ёри азизим нозуки беҳоллардурлар.

Дило, йўл берма ҳар фосид хаёла, соф тут ўзини,  
Ки ошнқ кўнглини билмакка ул рамоллардурлар.

Жамолниг сорн парвоз айламас кўнглум қуши нечун?  
Юзуниг саҳнида ҳар бир дона янглиғ холлардурлар.

Шикор айлаб, кўнгул сайд этти ул сайёди бераҳми,  
Нечук жондур қутулғой, не ажаб чанголлардурлар.

Увайсий, сабр қилғил, шиква қилма ёр меҳридин,  
Ки пуртоб айлаган оламни чархи золлардурлар.



Қаю майхона сори юз қуянлар шоҳлардурлар,  
Муҳаббат сирридин фаҳм айлаган огоҳлардурлар.

Юзунг ойинадин равшан, билолмас — ул эрур жоҳил,  
Қи ҳам бадбахт, ҳам торик кўнгул гумроҳлардурлар.

Қўнгул, агёр аро ёр ўлса сенким рашкдин ўлма,  
Қи ҳар жо қаҳрабо манзури, билсанг, қоҳлардурлар.

Қўнгулни гам фалосинда тузаб, жон интизор ўлди,  
Қарор айлар эсанг дил тахтида, хиргоҳлардурлар.

Аё султони олам, мен гадои хоки роҳингман,  
Алимда зард чеҳрам бирла узрхоҳлардурлар.

Чунон мифтоҳи дилни кўҳи дандонимда бостирдим,  
Муҳаббат сиррини фощ этса ушбу оҳлардурлар.

Маломат музасин киймай қадам тебратма, эй зоҳид,  
Қи холи хордин йўқ, турфа қаттиғ роҳлардурлар.

Дединг, эй маҳвашим, тут тахти иззат доманин маҳкам,  
Ҳасли дарғаҳинг Вайсийға иззу жоҳлардурлар.

Сочингдин ўзга бирлан кўнглуми дом айлаёлмаслар,  
Агар дом айлаёса, ҳаргизда ҳам ром айлаёлмаслар.

Жароҳатлиғ дилимга фурқатниғ заҳри алам берди,  
Неча кундур — муолиж аҳли ором айлаёлмаслар.

Лабингдин маърифат дуррин баногўш этган эл кўпдур,  
Менингдак ҳеч кимса бода ошом айлаёлмаслар.,

Жигар қониму, билмон, кўз сорига топти йўл, ваҳким,  
Кўзумким чашмалар янглиғ, саранжом айлаёлмаслар.

Юзунг ҳар толибига, эй нигоро, қиблайи мақсуд,  
Увайсийдек хаёлниғ маҳкам эҳром айлаёлмаслар.

Фигонким, хушманлар теляба ахволимга кулмишлар,  
Бу манзум аҳлининг рахшила помолимга кулмишлар.

Туну кун айладим бир лайливанг васфин тила мажкур,  
Битай деб шавқу завқидин, лару болимга кулмишлар.

Неча кун тутқон эрдим ҳушу идроким била улфат,  
Бугун дашти жувун ичра қилу қолимга кулмишлар.

Муҳаббат дарсини такрор этардин манъи «қол» этдим,  
Мударрис аҳли бедардиг ила ҳолимга кулмишлар.

Таваккул пешасин пушок этиб чумдим ҳақиқатга,  
Қўлим сир доманида, эл бу афъолимга кулмишлар.

Бағир хунобман бедард аҳли гуфтугуйидин,  
Доғи кўз жуйидин оққон сиринк олимга кулмишлар.

Алар кулмакларини густоҳлик табънда фикр эттим,  
Яна гул хандасидек ушбу дам фолимга кулмишлар.

Хаёлниг бирла ишқинг бул вужудим хона тутмишлар,  
Хушу ақлимни қувлаб, телбайн девона тутмишлар.

Қўнгулким бир қуши ваҳший, уни ром эткали гўё  
Муҳаббатдин қафас айлаб, висолни дона тутмишлар.

Кел эй дард аҳли бўлсанг, ишқ сиррига қулогинг тут,  
Лабим бирла забоним ушбу дам афсона тутмишлар.

Фироқинг шони васлниг шамъина ёндурди андоқким,  
Юзунгнинг шамъи мисли жоним парвона тутмишлар.

Табибо, сен шифо этмакни таклифинг хаёга этма,  
Тани беморим ишқинг дардини жонона тутмишлар.

Сирингим донасин кўрди юзум тупроғида андоқ,  
Маломат қушлари бошим уза кошона тутмишлар.

Увайсий, мунча беҳушлиғ билла сир орзу қилма,  
Хабар топгон кишилар доимо пинҳона тутмишлар.

Жонсўз, ажойиб санамн ғайри мукаррар,  
Ёр олдида ғайра карамн ғайри мукаррар.

Шарҳ айласа васфиники девон чидай олмас,  
Ўртанди давоту қаламн ғайри мукаррар.

Шайдолғини сўрса бугун дилбарн зебо,  
Кўйинга етибдур қадамн ғайри мукаррар.

Билмам, на ажаб шўхи ситамкора йўлуқтим,  
Бир дамда юз алвон ситамн ғайри мукаррар.

Новакларидин сийнам аро захм етибдур,  
Марҳам топа олмай аламн ғайри мукаррар.

Истаб туну кун, ташналаб ўлсам ажаб эрмас,  
Соқий қўлида жомн Жамн ғайри мукаррар.

Муфлис кўрубон Вайсийга қилмас нега савдо?  
Дил махзани ичра драмн ғайри мукаррар.

Қўзларинг зоғул — басаб, лаъли лабинг шаҳду шакар,  
Бириси бепоу сар этти, бириси дар-бадар.

Оби найсон рамзидин комингға ёғмиш қатрае,  
Лаб аролаб чиқғон алфозинг эрур мисли гуҳар.

Юзларинг — гул, кокулинг — сунбул, даҳонинг — мисли мул,  
Қошларинг — ё, кирпигинг — ўқдур, кўзунг — бодоми тар.

Мақдаминг — хайру, ядинг — байзо, дилинг — боғи жинон,  
Модаринг — маҳдур, вале хуршиди анвардур — падар.

Зоҳиринг — миръоти тоат, равшан ўлғай журмимиз,  
Ботинингдур — пуркаронат, дайр пиридур — ҳунар.

Вайси, умринг борича васфи туганмас, сўзласанг,  
Васл чоғидур ғанимат, сўзни қилғил мухтасар.

Дема, маҳзун кунглум, ишқин дардига дармони бор.  
Ваҳки дармони на ўлсун, ўлмаки фармони бор.

Ийди рухсорин кўруб хушнуд ҳосилдур, валеқ  
Мисли ун кунлик ҳилолин садқаси, қурбони бор.

Изламакдин топмоғингга, эй дило, қилма гумои.  
Сен каби юз минг тополмай излаган ҳайрони бор.

Зоҳидо, фикр этмагил, роҳи муҳаббат тун эрур,  
Ул хаёли ёрдин, билсанг, маҳи тобони бор.

Тил ҳасаддин гам еди сиррин дея олмай бу дам,  
Васфини мазкур этиб тил, ёна бир армони бор:

Тонг эмас йиғлар эмас, Юсуф деюб ҳар рўзу шаб,  
Йиғласа ҳар Юсуфини бир Яъқуби Канъони бор.

Улма ҳижрон — тун аро, навмид васлидини бўлуб,  
Субҳ чоғи ҳақ таоло асрогон эҳсони бор.

Вайсигаким қилса зарра меҳрибонлиғ, паҳ, не айб?  
Кўнглида соҳибқирондек хуршиди тобони бор.

Эй саййинди оли, тутти гуфтор,  
Берма мени бул гарига озор.

Гар борсам ушал куйингга йнглаб,  
Сен қилма бу янгли телбадин ор.

Бормоққа алимда тухфа йуқдур,  
Ездим печа назм менки ночор.

Билдим сени дард элидин огоҳ,  
Сенсан печа мен кабига ғамхор:

Дил ичра не янгли жилвайн нур,  
Мафҳум улан сенга бу асрор.

Мен булбули гунгу бенавомен,  
Топмай, қилиб орзуйн гулзор.

Дарёйн муҳаббата тушубман,  
Қаърида кўруб гуҳар, баякбор.

Чумдим таҳина, қилиб таваккул,  
Киргай қўла, бўлса гар худо ёр.

Бир нуктасин айладимки тафсир,  
Ҳад йуқ тўла сўз қилурга изҳор.

Ҳасрат гули бирла сайқал урдум,  
Ойинайн кўнглум эрди зангор.

Айб этма бу сўзини, эй шаҳи шаръ,  
Мең мазлуму, омию гунаҳкор.

Вайсийга жаҳон эрур қаронғу,  
Жоҳи бу жаҳондин эт хабардор.



Исми аъзамнинг сифоти дилбарим номиндадур,  
Билсалар аслий тажалли юзи гулфоминдадур.

Мен нечук масту аласт ўлмай онинг ҳижронда,  
Журъайи ваҳдоният илгиндаги жоминдадур.

Ҳар сўзидин юз ўлук жон топса йўқ, не учун,  
Юз туман анфоси Исолар онинг коминдадур.

Қўз тутарменким сабо йўлига, тушган-чун йироқ,  
Бир неча равшан замир мазмуни пайғоминдадур.

Қўрқарам мужримлиғимдин ёрга ўлсам дучор,  
Қошу кўзин эҳтисоби васл айёминдадур.

Не осиф ишқ ўтини жисмимга ёқсам бешумор,  
Мақсади нопухталиғ ул ваъдайн хоминдадур.

Қилки санъат ила ёзгон жим жамол устндадур,  
Хатти мушкин оби ҳайвони зулол устндадур.

Оразингнинг орзусиндин қадимдур онча хам,  
Котиб имлосиндаким, хуршид дол устндадур.

Эй кўнгул, ром айламакликда нингоҳин истама,  
Қавсларким, икки оҳуи низола устндадур.

Зарралиғ касбини тавқил бандалиғ олмай нетай,  
Офтобиқим, ажаб сарви ниҳол устндадур,

Нутқи ширинингга сен хомушлиғ сарнўшин эт,  
Ваҳқи ғавғойи мағас билсангки, бол устндадур.

Асра, ё раб, дийдайн баддин ва ҳосид аҳлидин,  
Дилбари Юсуфлиқо авжи камол устндадур.

Восифи ёр ўлди, Вайсийдин гадолиғ истама,  
Мажлиси мазмун аро тахти хаёл устндадур.

Чикиб ишқ ути жүкс **ишқ** чокидин; бошимдин ошибдур.  
Қуруқ шохки, гүё **гүё** - ичидин ўт тутошибдур.

Қўзинг жон лабга **ети** урди, лабниг жон қўшти-жонимга,  
Бу икки дўстлар ул **ж** Оши махзуниг талошибдур.

Азал кунда асар этг **а** дн сирри май қулогимга,  
Бугун, ваҳ, дил бул **о** **и** жўш урмоқлиқда тошибдур.

Висолниг орзуси ши **д** ати ҳижронин йиқмоқда,  
Бу икки паҳлавон м **а** **и** дони дил узра курошибдур.

Увайсий, олма боши **и** зикру фикри ёр ёдидини,  
Сулуки ишқ аро бе **е** **и** ҳақ йўлдин одошибдур.

Рухниг узра ики гисуйн шабрангниг тутошибдур,  
Ки бир ганж устида гўё ики аждар талошибдур.

Гул эрмас, гулшан аҳли кўзларин қон ила тўлдирмиш  
Тегиб ғамзанг ўқи, невчунки ҳар ёнидин қарошибдур.

Шафақ эрмас, юзунг ҳижронда хуршиди ховардур,  
Анинг ўтлуғ танидин чарх унгури тутошибдур.

Қошинг савдоси мен девонанинг бошиға тушгонга,  
Сирешким сели тўфони фалак тоқидин ошибдур.

Танимга ўқларниг муҳлик эмас, билким, мадор истаб  
Бу тўрт деворға ҳар ёнидин чўялар қалошибдур.

Тараҳҳум бирла Вайсийга, нигоро, манзилиниг кўргуз,  
Бу муҳлик водиди ушбу мусофир йўл одошибдур.

Итишга туъма ўлмоқчун, санам, бағрим кабобидур,  
Яна сероб этмакчун ани, ашким шаробидур.

Гирифторингни юз зашжир бирла банд этиб бўлмас,  
Вале тадбири онинг ҳалқайи зулфунг танобидур.

Таажжубдур дилн ёринг алида дил шикастанга,  
Не айлай оқким, ишқ мазҳабни корн жавобидур.

Мени майдин этиб маҳрум, соқий, жамъ хотирсен,  
Суроҳинг остина боқ: анда жисминнинг туробидур.

Кунгулни қабзят зарфига музмар туттинг, эй дил, сен,  
Юзумдин зоҳир ўлғон бул арақ онинг гулобидур.

Қамардин йўқ асар ул шамс ёндошмоқда ҳар вақто,  
На ҳосил заррадин, жоно, жамолинг офтобидур.

Санам, ул рутбайи нозу итоб эрдинг, битуб чизе,  
Ҳабар туйди анингдин Вайснй, умримнинг шитобидур.

Езармен печә сүз — Мажнунни баҳс этган китобидур,  
Нигорим хублиғда Лайлининг берган жавобидур.

Тутуб Ширин сүзун, то Қўҳкан айлаб, тукуб қонни,  
Эмасдур лола, ул Фарҳоднинг бағрини хунобидур.

Фироқнинг пичра саргардондуманким, эй тағофилхуй,  
Висолингдин хабар тут, мисли саҳрода саробидур.

Зумуррад, латл, ёқутнинг губорини манъ этмакни  
Сиришким дийдалардин, ваҳки, борони саҳобидур.

На тадбир айлағум — билмон, лабидан қатъ ўлуб мазмун:  
Магар хомушлиғдин, ё магар нозу итобидур.

Қўнгулга ташлама, гардун, хасу хошок, тангри чун,  
Қарор айларда бир дам маскани олий жанобидур.

Ёғиб ғам ёмғирини, ушбу жаҳондурким, йиғилгон сув,  
На тамкин айламиш дил, Вайси, умрининг хубобидур.

Паришон айласанг зулфуйнгни, хуснэлтгнниг инқобидур,  
Ки мажмуъ айласанг, мавзун қаддигнниг печу тобидур.

Езай васфингни қай бир жўблиғниг бирла, ададсенздур,  
Агар истар эсам, саҳрода қум онниг хисобидур.

Сняҳ бўлса кўзумга тонг эмас олам. эё хуршид,  
Сенингсенг меҳрибоним — субҳи айёми шабобидур.

Халойиқ раъйи гардун бирла тушгайи токи ҳар суйи,  
Нироқ тушмоқлигим сендин — фалак чархини тобидур.

Тилим мазкуриндин ездим «самад» зикрин «санам» айлаб,  
Муҳаббат оташинда жисмима берган азобидур.

Дило, то жондин утмай булмоғунг дийдоригэ восил,  
Етарга ёрга утруда жоним бир ҳижобидур.

Сабо, жонона суйига гузар этсанг Баякпогаҳ,  
Хабар гар сўрса Вайснйдин, дегил: «Ҳоли каробидур!»

Ҳилоли авжи гардун гушайи тарфи кулоҳимдур,  
Нечунким, бу малакенимо мақоми боргоҳимдур.

Оқоргон дийда янглиғ интизориниғ шиддати бирла,  
Ёлулунгда умрлардур мунтазир улғон нигоҳимдур.

Тилармен шукр этмоқлиққа Луқмони ҳақим умрин,  
Сизи бу кулбайи вайронга еткурған ялоҳимдур.

Менинғ рағимга боқмай, эй париваш, печа инжитмак,  
Гуноҳимдур, гуноҳимдур, гуноҳимдур, гуноҳимдур.

Заниким, шавқ элини ишқ дарди муздина эрмас,  
Бу маҳфил шамъ янглиғ равшан этган ўтлуғ оҳимдур.

Саводи соя янглиғ партави хуршид васлингдин  
Мени маҳрум қилғон улфати бахти сиёҳимдур.

Агар топтим десам қадри тушин, айб этма, эй талъ,  
Билурман, лайлатул — қадри шабким, гоҳ-гоҳимдур.



Бу элким, тиги **ХИР** мон ила кўкси чоклардиндур,  
Дигли мажруҳ, **Ғайр** **О** зоридин ғамноклардиндур.

Муроди нахли бар **БЕР** мас, муҳаббат меҳри — равшанлиғ,  
Бу бонсдин ютар **ҒОИ**Т, кўзлари ғамноклардиндур.

Замона роҳати билгү **Р** диким, жисмида юз минг захм,  
Чу бисмил сайд янгл **И** **И** **Г** лойиқи фитроклардиндур.

Бугун сен асрагил, **Э** **И** нотиқ аҳли, сахт нутқингдин,  
Мабодо тегмасун **У** **Ч** **Қ** **У** н, тани хошоклардиндур.

Увайсий, ваҳм қилма **И** **Ш** қ тобидин, қуруқ тав деб,  
Рафиқинг, билмади **Н** **Г** **М** **У**, соҳиби идроклардиндур.

Қайда борсам, бағримнинг қони менга гулзор эрур,  
Доимо қуту насибим, истасам озор эрур.

Не учун домони ҳомун бўлмасунким, лолагун,  
Бул мени Мажнунга қолғонда фалак хунхор эрур.

Ҳокими ҳусн илгидин ичмай нетай амр айласа,  
Ичмоғимда ишқ нушин бу кунгул ночор эрур.

Ҳар киши бўлса харидори муҳаббат ул замон,  
Ҳақ билан ишқ иҳли қилгон ушбу кун бозор эрур.

Айб эмас қон йиғласам ёр олдида, тонг қолмаким,  
Лутф чоғи ҳамнишини ёрким, ағёр эрур.

Сарву гул насрин эмас боғ ичра изҳор этса руй,  
Сайр вақти сояйн ул сарви хушрафтор эрур.

Зоҳидо, сен узри тақсирингни бунёд айлама,  
Ким улус халқиға ишқ аҳли бағоят хор эрур.

Илтифоти ул нигоҳинг гардини қилма дариг,  
Ёр номанзурида миръоти дил зангор эрур.

Ташналар олдида уммид этма соқийдин аёр,  
Вайсий ул майни тополмай беадад хуммор эрур.

Кўзума май жилвасиким, илгима соғар ҳавас;  
Жисмима шавқ оташиқим, кўнглима дилбар ҳавас.

«Ал-аташ!» деб ҳажр ҳашрида юрубдур печалар,  
Донмо шаҳзодавашлар олдида кавсар ҳавас.

Қулзуми ишқ ичра чўмдимким умид айлаб, умид,  
Даст кўтаҳдур, агарчиким қилур гавҳар ҳавас.

Биз гадолар кеча-кундуз фақр малбусин қилур,  
Шоҳи сиймин тан қилурлар ул зару зевар ҳавас.

Вонзо, таклифи манъ этма муҳаббат йўлидин,  
Бизга ул меҳробин абрўдур, сенига минбар ҳавас.

Тонг эмас расми муҳаббатда гадолар берса жон,  
Ишқ касбин айлагайлар миру султонлар ҳавас.

Муҳаббат расмини билмакли ҳар жононадни келмас,  
Висоли ёрни кўрмакли ҳар мастонадни келмас.

Бўлурму ҳар кеча тоқим чароғи шамъ бедуде,  
Урушдик шамъга жисмини ҳар парвонадни келмас.

Кўруб Мажнун танин урён, сен таъи этма Лайлига,  
Утуш ўзлуқин бобидинки, ҳар девонадни келмас.

Унуткай дўст кўрган чоғда толиб сўзламакликни,  
Яна арз айламак маҳбуб ҳар афсонадни келмас.

Дило, сен хуни дил қилма, муҳаббат ошноси деб,  
Тараҳҳум ҳам мурувват, билки, ҳар бегонадни келмас.

Ки, эй зоҳид, топиб, бир ёрнинг олдида жон бергил,  
Ки қурбон айламаклик ҳар маҳи тобонадни келмас.

Дилдур маъдани мазмун, барҳам бермагил, эй шўх,  
Қелаи таънига номавзун, Вайсӣ, ёнадни келмас.

Тугди жумодил аввал, не бўлди, ёр келмас,  
Кўз интизор бўлди, ул гулўзор келмас.

Мен мунда ташналикда, ул анда турфа шодоб,  
Маст этса кўзу кўнгул кўзи хумор келмас.

Қабз ўлмоғимга бонс ҳажринг ҳужуми эрмиш,  
Васл аҳлига не бўлди, ҳаргиз дучор келмас.

Андин йироқ тушгач, хотир эрур паришон,  
Жамъ эткали кўнгулни дилкаш нигор келмас.

Бўлди кўнгул зимистон, пажмурда бўлди ишқим,  
Сабз эткали м уҳаббат ҳусни баҳор келмас.

Фасли баҳор келмас бу гулшани жаҳона,  
Ҳар қанча келса булбул, то гулўзор келмас.

Танбурни қўлга олдим, жон риштасини қилиб тор,  
Найлай бу анжуманни, соҳиб дутор келмас.

Васфини шарҳ этарда бепарда мазмун айлар,  
Гар таъна қилса мардум, Вайсийга ор келмас.

Мақоминг рутбайи идрок, Мажнунтар бориб бўлмас,  
Хусусан мен каби ботини кўру қар бориб бўлмас.

Юзунг меҳрини даъвосин қилурман рўзу шаб, хуршид,  
Агар даъвогарам, қошингга бемаҳзар бориб бўлмас.

Қўзум ҳусингга мамнун, гарчи топмам йўл хаёлингга,  
Дилимдин дил ҳаримингга бугун бедар бориб бўлмас.

Ибодат сайқали бирла дилинг миръогидур равшан,  
Мени беҳайр кўюнгга ишимдур шар, бориб бўлмас.

Либоси ложувард устунгда кўрдим, менга, эй жонон,  
Бўлур густохлик: пироханим аҳмар, бориб бўлмас.

Увайсий қошинга бормаслигининг боиси улдур,  
Чакасада шоҳбоз ўлтирса, мушти пар бориб бўлмас.

Гул юзунг, эй гулча, ул кун ошкори бир нафас,  
Демагил девоаларнинг интизори бир нафас.

Очма кўз ҳар норасоларнинг кўриб расволтигин,  
Бу замона аҳлининг Мажнуун шиори бир нафас.

Айладинг навмидлиг дарёсига фарқ, эй карим,  
Илгимн қил гавҳаринг уммидвори бир нафас.

Қайси соат эрди, пуш эттим қадаҳ лабрездия,  
Боз тут, муғбачча, ўлдурди хумори бир нафас.

Эй дило, сайқал урар, сабр ила мақсад гирдида,  
Даҳри фонийда бўлан кўзунг ғубори бир нафас.

Кўрди Мансур шаҳ юзини, берди «Ана-л-ҳақ»дн хабар,  
Бу мажозий шоҳларнинг зулм дори бир нафас.

Жўйбори кўздин ўксутма муҳаббат сабзасини,  
Бу бақосиз умринг, эй Вайсий, баҳори бир нафас.

То жилва, малоҳат қāду рафторинга махсус,  
То нури шарофат рухи гулзоринга махсус.

То ақлу фэросат дили покнингга эрур, ҳач,  
То шаҳду шакар лаб аро гуфторинга махсус.

Ишқ рамзиши ким сўзлади — лоф урди забони,  
Савдойи муҳаббат сени бозоринга махсус.

Шаб-рӯз мудом айлаган афғоними, эй тул,  
Ҳар ёи демагил зубдайн гулзоринга махсус.

То рашк губоринга сен, эй дил, юз ўгирма,  
Гар бўлсаки, ойинайн зангоринга махсус.

Сайқал урубон пок қилур кўзгуйи дилни,  
То бўлғусидур уя сирӣ асроринга махсус.

Юмғил кўзинг, эй Вайсий, агар бўлса париваш,  
То нури тажалли сени дилдоринга махсус.



Билсанг мени жонокими -- деҳқони муҳаббат,  
Муфлисларига айлаган эҳсони — муҳаббат.

Машмота олиб илгига гар айласа ҳайдар,  
Мамнун бўлур зулфи паришонӣ муҳаббат.

Ногоҳ назар солса ғариблар сори ёрим,  
Шахло кўзининг даврида мужғони муҳаббат.

Бўлса киши ул ҳусн беҳишти аро дохил,  
Кавсар лабида сабзау райҳони муҳаббат.

Қўнғлум қуши парвоз қилур бўлса ажаб йўқ,  
Невчунки, ўшал чоҳи занакдони муҳаббат.

Илгимни бу олам элидин ювмагим улдур,  
Ул пок замиримники; домони муҳаббат.

Ҳар машъали базм ичра табассумни ўлубдур  
Лаъли лаби ичра дури дандони муҳаббат.

Бир нукта такаллумдин агар бошласа маъшуқ,  
Ошиқ элига ул лаби хандони муҳаббат.

Зулфунг хаёли бул кун кўнглумдадур ҳаловат,  
Меҳринг тажаллисидин жисмимдадур фароғат,

Шояд тушармукин деб жононанинг гузори,  
Вайрона кўнглум ичра қилдим ажаб иморат.

Йўқ менда ақли комил, йўқ менда фаҳму дониш,  
Йўқ менда хайру эҳсон, йўқ менда ҳеч ибодат.

Тангри тажаллисидур қилгон юзунгда жилва,  
Қилсам сифат юзунгни айни менга шарофат.

Зулфунг мисоли сунбул, лаъли лабинг эрур мул,  
Қилсанг хиром, эй гул, қаддинг нечук латофат.

Ошиқларингни кўнгли қайд ўлмасун нечукдин,  
Бир нукта нутқи покинг ул маъдани малоҳат.

Ҳар кунда шукр зикрин баржо қилолмадим мен,  
Сендек ингор бизга ҳақ айламиш каромат.

Оламга фитна солдинг, юз минг жаҳонни жойинг,  
Саҳрода коза қилдинг, эй ёри хуш фатонат.

Қилди мурод даъво султонига гадоси,  
Даъвогарин Увайсий, тангри анга ҳимоят.

Ошиқ элига ёрининг озори — ибодат,  
Маъшуқ элига шутқи шакарбори — ибодат.

Афсус қилиб, оҳи сáҳаргоҳ чек, эй дил,  
Тоат гамидин бўлса дил афгори ибодат.

Ул булбули шўрнда ютар қон кеча-кундуз,  
Тойг отқуча шевак-иши, гулзори ибодат.

Жонон юзини кўргали донм жадал эттим,  
Топқонда кўзум, манъ этар аёри — ибодат.

Шаб — рўз висолингин тилаб, дилбарн нозук,  
Ҳажршигда кўнгул кўзғуси зангори ибодат.

Гар раҳм қилиб, сарв равон ўлса ажаб йўқ,  
Мендек веча расвосиға рафтори — ибодат.

Бағрим қонинди сочти кўзум, бўлди зироат,  
Лола демагилким, дили хунбори ибодат.

Умид тутуб раҳматидин, йиғлар эдимким,  
Бир қатрайи ашким — дури шаҳвори ибодат.

Эй Вайснй, бугун тоатидин айлама шиква,  
Маъшуқ сифатин ёзмаки гуфтори ибодат.

Дардим афзуя бўлди, ишқимни камол эттим ғалат,  
Жонимни қурбони ул абру ҳилол эттим ғалат.

Сидқ элига бир нафас, ваҳким, азиз ўлмак учуи,  
Дунлара ўзни ҳамиша поймол эттим ғалат.

Ишқ мактубида ҳол илмин. ўқумоқ-чун сабақ,  
Ушбу қабзийят билан ошуфта ҳол эттим ғалат.

Мақрун ўлдум, хопайи аслимға излаб ёрни,  
Жустужўйини кеча-қундуз моҳу сол эттим ғалат.

Лаъли ҳижронида ашким юзлара афшон этиб,  
Бағримни кўз мардумидин ишқилол эттим ғалат.

Ташладим маҳваш обғин остиға ўзни бугун,  
Қаддимни хуршиддини ёзмишда дол эттим ғалат.

Тушти дил чоҳи занахдона баякбор, эй рафиқ,  
Пашшадек олудайи ул шаҳд-бол эттим ғалат.

Халқ потиқлиқда нутқиға гумон ўлмиш губор,  
Бу муҳаббат жўйиндин оби зулол эттим ғалат.

Ибтидоий ишқ қилдим, интиҳодин беҳабар,  
Интиҳосизлиғда қоримни муҳол эттим ғалат.

Хориж ўлдим халқ ўтрусидин, эттим васфини,  
То хаёли фикрини, ваҳким, хаёл эттим ғалат.

Асрадим фарқи саримда донмо савдойи хом,  
Гўйинё бир нуктада долимни зол эттим ғалат.

Жаҳон гулзорига хоки қудумнингдин етар зийнат,  
Хиромингдин топар жон гулшани оройишу нузҳат.

Ҳаводори қадн нозофарини жилва таълимнинг  
Эрур товусу кабки хушхирому тўбийи жаннат.

Итиб Жамшиднинг жоми майи лаълинг ҳавосидия,  
Топис миръоти Искандар юзунгдин юз туман ҳайрат.

Навосанжи, адо фаҳми, суҳангӯ; нукта пардози.  
Суман бўйи, чаман рӯйи пари тарзе, снҳи қомат.

Бериб дониш баҳориға сўзунг оройишу тазйин,  
Фаросат дафтари мисраъларингдин топти жамъият.

Юзунг — рангин, лабинг — қандин, вужудинг — маҳзани  
тамкив,  
Даҳонинг — чашмайи Замзам, саропо маъдани роҳат.

Берур шеъри малеҳинг мурғи жона лаззати маъни,  
Найи килкинг берур жон тўтисиға шаккару шарбат.

Ясатти сўз арусин зевари номинг била Вайсий,  
Умид улдурки, бўлғой жойгоҳинг пардаи исмат.

Дилимни истасанг, дилбар, хаёлинг бирла ҳар соат,  
Хаёлим истасанг, субҳи висолинг бирла ҳар соат,

Кишига ишқ тегса, ношикеболиғни касб этгай,  
Бале, хомушлир расми фиолинг бирла ҳар соат.

Юзунгдин гул, лабингдин Хизр, лафзингдин шакарларким,  
Қи ҳар ҳиндубача ул юзда холинг бирла ҳар соат.

Сени топса киши — қадри туини топса тонг эрмаским,  
Саводи кокулинг нури жамолинг бирла ҳар соат.

Езибдур ҳарфи номик аввалин, фаҳм айла, эй маҳбуб,  
Азалнинг котиби абру ҳилолинг бирла ҳар соат.

Увайсий ёдию фикру хаёли кечау кундуз  
Дудоғинг ичраким, ҳайвон зулолинг бирла ҳар соат.

Қачон кўрсамки, маҳбубим, алигда жом ҳар соат,  
Кўзунгдин мастлиғ зоҳир, юзунг гулфом ҳар соат.

Муҳаббат шавқидини симоб янглиғ жисми урёним,  
Билурман, остонинг тупрағи ором ҳар соат.

Юзини — гўл, қошларини — ё, кифилгини — ўқ, кузларини —  
жаллод,

Парвишон кокулини ушшоқ элига дом ҳар соат.

Кўнгулни ишва тари бирла ёна боғламоқ недур?  
Азалда доғайи меҳрини этибдур ром ҳар соат.

Ки бир дам манъ бўлса моҳпайкарнинг хаёликим,  
Баробардур мевга то субҳ ила то шом ҳар соат.

Кўнгул зарфига ишқинг шарбатини соқий қуйғончун,  
Менга мафҳумдур сингон сақолим жом ҳар соат.

Бошимга ҳар балоу меҳнату кулфатни солмоқчун,  
Менга то қўйди хуш номим Увайсий ном ҳар соат.

Дило, Мажнунлиғ этма, ишқиниғ сиррини пицхон тут,  
Юрокниғ ичра доим ёр жабридиғ қизил қон тут.

Агар сен истасаиғ дардиниға дармон ёрдиш анда,  
Бугун оз айла дармониниғни, дардиниғни фаровон тут.

Демишлар саййинди кавнайн, дунё сиғни муъминдур,  
Агар оқил эсаиғ, дунёни қўвғлиниғ ичра эилдон тут.

Кел, эй соқий, бугун майхоналар эшқини во қилғил,  
Бериб муғбаччаниғ илқига соғар, базми даврон тут.

Меиниғ матлубим улдур: ўз қўлиниғдин журъа ичсам мей,  
Назокат дастгоҳисей, бугун бу қўлини меҳмон тут.

Қўнгул мулкига шоҳ эрди хаёлиниғ, печа соатлар,  
Ўзунг дил тахтада бир дам туруб, мулки Сулаймон тут.

Увайсий, орзу қилсаиғ ўтуб ўзлукдин, эй зоҳид,  
Қи истаб дар-бадар бўлғил, тоғиб бир нок домон тут.



**Интизоришг оҳиди бу хонумона тушти ўт,  
Хонумон недур, бу кеча жисму жона тушти ўт.**

**Ишқ ўти ҳар кимда бўлса, нолаю фарёд этар,  
Булбули бонолаям, оҳу фиғона тушти ўт.**

**Таҳсин эрмас хону мону, жисму жон, оҳу фиғон,  
Онча маҳрумманқи, мағзи устихона тушти ўт.**

**Доб эдинг, матлубу мақсудим сен ўлдинг, эй ҳабиб,  
Фаҳм қилғил, энди мақсуди жаҳона тушти ўт.**

**Неча сўз бирла мени гоҳ ўнгу, гаҳ сўл айладинг,  
Шукрлйллаҳки дилим бу нмтиҳона тушти ўт.**

**Қай куни ишқинг ҳавоси топти кўнглумда қарор,  
Ул сабабдиндурки, аҳли Марғилона тушти ўт.**

**Вайсий, суйдинг ишқ, куймаслик иложин नेताма,  
Аввало қолу балода ошиқона тушти ўт.**

Тан кишварида мурғи жон гулзоринг айлар орзу,  
Қуз манзарида мардуми рухсоринг айлар орзу.

Нутқи улусдин ҳар замон бўлғай бу кўнглум талх ком,  
Дил самъи, эй ширин забон, гуфторинг айлар орзу.

Бошимни қўйдим саждага, дил гардини қилмас қабул,  
Эй ҳожибн қибланамо, зуиноринг айлар орзу.

Раҳм этмагил, эй зулмгар, роҳат анга манзур деб,  
Юз захм ила урён таним озоринг айлар орзу.

Тангри мени халқ айлади, бўлдум харидоринг сенинг,  
Бошим менинг қон тўккали бозоринг айлар орзу.

Домоним ўлди лозазор, кўз бўлғонидин интизор,  
Қаддинг хаёлимга дучор, рафторинг айлар орзу.

Вайсийни навмид этмагил гулзордин, эй бобгон,  
Гар бўдмаса ул гул баҳам, то хоринг айлар орзу.

Эй санам, ихфолгим — изҳоринг айлар орзу,  
Сирри пинҳоним ҳамул асроринг айлар орзу.

Лаб дема, оғзим лабида ётқуси икки ўлук,  
Эй Масеҳим, лаъли шаққарборинг айлар орзу.

Ялди ялдойим — баёз илгинг, кўзум — наргисларинг,  
Қадди долим — сарви хушрафторинг айлар орзу.

Демагил: «Фаҳм айламансан путқи якборимни!» ким,  
Онча фаҳминим хушланғи — тақроринг айлар орзу.

Восилдиндин — васли, васлиндиндин шифойи комили,  
Ҳажр ранжурндаким, беморинг айлар орзу.

Самъига келди аласт овози: «Эй ўксуклигим!  
Кеча-қундуз орзу: дийдоринг айлар орзу!

Орзулигни кўриб, мендин таажжуб этмагил,  
Ўз юзунгим, ўз паришон торинг айлар орзу.

Хўқанд шаҳридин келганлар, кафшим йўқолди, сандаму?  
Ҳоли дилмин билганлар, кафшим йўқолди, сандаму?

Ул кун келдик шаҳри Хўжанд, кунгул бўлди анча хурсанд,  
Уратепа «Муғи баланд», кафшим йўқолди, сандаму?

Бағридодур лола доғи, бэхосилдур юз минг бёғи,  
Тамочо жо Кўдак тоғи, кафшим йўқолди, сандаму?

Бу гамда йўқ макда ҳамдам, йўқ-йўқотдим, дийдам.э нам,  
Кўкаблби — жонга марҳам, кафшим йўқолди, сандаму?

Кўгар манш, эй Нооқишо, Муғ йўлида қабарди по,  
Улфат беғим, Бульғал оғоҳ, кафшим йўқолди, сандаму?

Манзур эмас бўлак кавуш, илгимда йўқтур бир кумуш,  
Жондан ортиқ Шодмон бувуш, кафшим йўқолди, сандаму?

Уғлим утуғин эскисн, чармлаган эрди бир касе,  
Туқайжон пессик нафаен, кафшим йўқолди, сандаму?

Кафшим учуп куйди дилм, бор ҳам бўлса йўқтур пулим,  
Айлавайян Давлат беғим, кафшим йўқолди, сандаму?

Ғарибпарвардурсан, беғим, бекафш қолди бул пойим,  
Қулоқ солғил, Қозоқ ойнм, кафшим йўқолди, сандаму?

Маи — жисмдурман, сан — жоним ташлаб кегганим — армоним,  
Арзим эшит, Қўзихоним, кафшим йўқолди, сандаму?

Шояд кабардор улса шоҳ, туққуз фалакдин ўтти оҳ,  
Дуо қилғил, Вайсий — гумроҳ, кафшим йўқолди, сандаму?

Манам Фарҳоду саи Ширин, соғиндим ман, соғиндингму?  
Санам, дин кетти илқимдин, соғиндим ман, соғиндингму?

На сўз сайёд эрур сапдин, дариг этмай ишондим ман,  
Аё, эй ёри сўзи чин, соғиндим ман, соғиндингму?

Муяссар бўлса васлинг гар, на ҳожат ҳолими айтмак,  
Ки холим пурс, рангим бин, соғиндим ман, соғиндингму?

Санингсиз ўтган умрим сўрсанг, эй сиймин бадан, токим,  
На таҳрик ила на сокин, соғиндим ман, соғиндингму?

Сўзинг таъсирин очча: ёки бедор, ё эрур уйқу,  
Қулоғимга келур форин; соғиндим ман, соғиндингму?

Ёзибман руқъайи таҳсин, нигорин нозанин, лекин  
Қўнгул сарф айламиш меҳрин; соғиндим ман, соғиндингму?

Қўзнини интизор айлаб, йўлингга телмуруб ҳар кун,  
Увайсий айламиш тамкин, соғиндим ман, соғиндингму?

Интизор ушшоқлар ўлди, нигор уйғондиму?  
Ёзилиб мужгонлари, чашми хумор уйғондиму?

Эй ҳарим аҳли юқу жойига қил дохил мени,  
Тортибон хамёзасин, ул ёр ваҳор уйғондиму?

Уйқуни маҳрам этиб, бизларни маҳрум айлади,  
Уйқу дастидин кўнгулдур беқарор, уйғондиму?

Мен нечук бирёну сўзон ўлмайин ҳажр ўтида,  
Ғайр базми ичра шамъи барқарор уйғондиму?.

Андалиб осолигимдин инжигай ҳар жонивар,  
Ғунчалар қон боғлади, ул гулўзор уйғондиму?

Ваъда қилди неча лутфидин Увайсий зорға,  
Ваъдага қилса вафо ул номдор уйғондиму?

Мен булбули шўрида, бу гулзордин айру,  
Туштум кўз очиб — юмгунча дилдордин айру.

Эрдим мен азалдинки жамолнига харидор,  
Тушти бошига мотамни, бозордин айру.

Васлинда билурдим: фалак эрмиш менга номод,  
Идбора тушуб, тоянем ул ёрдин айру.

Билмонки фалак рашки, ваё жонни қадардин,  
Хўроким ўлуб ҳам, мени, ҳамхордин айру.

Илкимда алам соғаридин оғуён гамиш —  
Ичмакдур ишим, путқи шакардордин айру.

Пўқтур аламидин бу Увайсийга амонен,  
Тушмак не маҳол улди сазовордин айру.

Қай кунн менга бўлди ларди ногаҳон ўтру,  
Ул сабабдин, эй дўстлар, бағрим ила қон ўтру:

Бир ингоҳидни юз минг отти дил аро ўқлар,  
Заҳм — ошкородур, новаки — ниҳон ўтру.

Англағил, бўлур шояд, толиб эрсанг, эй кўнгул,  
Юзи гул, лабидур — мул, зулфи — зарфишон ўгру.

Тоиг эмас агар қилсам, тарки базм оролиғ,  
Байра базм аросинда гамзаси аён ўтру.

Қимни айладим мунис, бошимн асир айлаб  
Бўлди то алардин минг жонима зиён ўтру.

Ишқиди ўланларга дахл этма, эй зоҳид,  
Бўлмагай сенга бу дам хуни ошиқон ўтру.

Бир кеча ҳаром этсил, Вайсий, кўзга ғафлатни,  
Бўлғуси саҳар охир ёри меҳрабон ўтру.



Эйки, ишқ атфолисан, қадди ниҳолидин ўқу,  
Толибон қаддини, ондин сўнг хаёлидин ўқу.

То Зулайходек сазовор ўлмай, урма лофу қоф,  
Мажмари ишқ ила сен Юсуф жамолидин ўқу.

Қозмағил беҳуда ғам тоғини, меҳнаткаш кўнгул,  
Қасби Фарҳод ила Ширин лаъли болидин ўқу.

Ташналик дафъина, эй дил, ихтиёр эттинг бугун,  
Тинмайин руз ила шаб, кавсар зулолидин ўқу.

Ишқ мактабхонасига кирсанг, эй аҳли хирад,  
Токи устодингнинг аввал хатту холидин ўқу.

Гулрухунг васли муяссар бўлса: эй булбул мисол,  
Тоҳи қон ют, гаҳ юзун авроқи олидин ўқу.

Вайсий, илми қол ўқуб, ҳеч ўқмадинг бу даҳр аро,  
Пирин дайр ичра бориб сен илми ҳолидин ўқу.

Сабо пайкига пайғом айламаклик ихтиёр ўлмиш,  
Бугун маҳрумлигдин кўзда бағрим ошкор ўлмиш.

Қилиб ҳал кўз саводин нома ёздим, ботағофил ёр,  
Очиб пайғом, кўрсат юз, кўзум кўп нитизор ўлмиш.

Асар ул нофайи тотордин топти қаю танг дил,  
Муҳаббат буйидин олам бариси мушкбор ўлмиш.

Кўрубон заъфлиғ жисминни сен манъ этма пайкониғ  
Танимга уқларингдин ҳар тараф, билким, мадор ўлмиш.

Аё эй соқийи даврон, етибдур оғзима то жок,  
Менингдек ташналар чандон май ичмакка хумор ўлмиш.

Кўнгул қони уза бир сўзин деб доғ этти ул маҳваш,  
Ки гўё ёзди баргин лола, доғи ошкор ўлмиш.

Қадини сарвга бенгзатмагинг, Вайсий, адабдинму,  
Ушал гулчеҳра хушрафторнинг қадиға ор ўлмиш.

Менинг маҳбубим, эй дилбар, ўшал пом ичра ёстанмиш,  
Тафаккур қилмағил, мазмуни пайғом ичра ёстанмиш.

Нечукким орзу қилмай қўлингдин журъа ичмакми,  
Майи ваҳдат сенинг илгингдаги жом ичра ёстанмиш.

Ғазаб кўп қилма, пири дайр, ул юз сори телмурсам,  
Тажааллийи худё ул ҳусни гулфом ичра ёстанмиш.

Кел, эй соқий, аёғинг мурда диллардин дариг этма,  
Масеҳ анфосиким ул бодашом ичра ёстанмиш.

Таваккўл ўтина сол, аҳду паймонинг зиёд ўлмиш,  
Ки эй дил, бевафодиг ваъдаи хом ичра ёстанмиш.

Кўрубон донайи васлини парвоз этма, эй, зоҳид,  
Юз онча дарду кулфат донаси дом ичра ёстанмиш.

Кўриб фурқат тунин, эй Вайсий, навмил ўлма васлидин,  
Билурмусанки, дони субҳ ҳар шом ичра ёстанмиш.

Бугун воқеъ надур, ул шоҳи хубоним ачиғланмиш,  
Бағир қон эткали ҳам вўгу мужгоним ачиғланмиш.

Таваҳҳум айла, эй машшота, гар васл улсанг илгина,  
Каманди ошиқон — зулфи паршоним ачиғланмиш.

Бугун сабр айлагил, ишқ сиррини фош этмагил, эй дил,  
Тила мазкурлиғдин шуҳ жононим ачиғланмиш.

Мубаддал бўлди субҳни шома, торикдур жаҳон бори,  
Бу охшом васл аро ул моҳи тобоним ачиғланмиш.

Рафиқо, сурмагайса: «Нега ашк урнига қон тўқдинг?»  
Бўлиб навмид, паҳким, чашми гирёним ачиғланмиш.

Гирибон бобатул-васл ичра, ул тоб этти гардағни,  
Табассумлиғ била ул лаъли хандоним ачиғланмиш.

Қадаҳ тут, соқиё, соғарда кўргуз ёр аксини.  
Неча кундирки, Вайсийга ниғаҳбоним ачиғланмиш.

**Ғам ема, кунгул, раҳм этибон ёр келурмиш,  
Аҳволи дилим билгучи дилдор келурмиш.**

**Ҳижронида жисмим сиҳати заъфга мубаддал,  
Луқмони ҳаким ўрнида ғамхор келурмиш.**

**Кунглум қуши булбул каби кўп нолада эрди,  
Гулдек очилиб, орази гулзор келурмиш.**

**Афтода эдим, турмака йўқ эрди мадорим,  
Юз шукри худо, шоҳи мададкор келурмиш.**

**Шаҳбоз бу ён ёзди қанотин, чу ҳумоюн,  
То сояси бошим уза дастор келурмиш.**

**Табъимин матоини касод айлаб эди чарх,  
Ҳақ ҳукми-ла базора харидор келурмиш.**

**Вайсий, дема ҳар кимсага сен ҳасрати дилдин,  
Ҳол англагувчи соҳиби асрор келурмиш.**

Нигоро, оразу, ҳуснунгга кўнглум дилфингор эрмиш,  
Бу жоннинг андалибига нечукким гулғуздор эрмиш.

Бу тун дуқони базморолнғинғни шамъваш қурғил,  
Неча мендек жамолинг шамъига бенхтиёр эрмиш.

Мени маҳрум деб жонон юзидин, қилмағил таъна,  
Юзини ҳажридин ичгон чуи кузи абри баҳор эрмиш.

Дило, бу руқъа назминг халққа бовар булмасе не гам,  
Ашинг бир нукта васфи дард аҳлига тумор эрмиш.

Санам, рашкинг ила таслими жон улсам ажаб эрмас,  
Азиз меҳмона мезбонини хуби — жон нисор эрмиш.

Кел, эй зоҳид, азизи халқдурсан, қилма касби шиқ,  
Қи ҳусн аҳлини даргоҳида ошиқ хору зор эрмиш.

Увайснй, ёр истиғноси кўпдур, истама васлин,  
Кўпгул мажруҳининг захми ҳамнша бешумор эрмиш.

Бугун воқеъ педур, ул кокули қуллоб тарқатмиш,  
Берурга зеб ўзига зулфи анбартоб тарқатмиш.

Тушиб эрдик зулфи бўйнима ул тавқи қумридек,  
Тушуб машшота ашки дил аро, хуноб тарқатмиш.

Сочин тарқатти бул кун, саждагоҳин айлабон холи,  
Масожид аҳлини гўё қоши меҳроб тарқатмиш.

Аё машшота, жамъ эт, зулфидин кўнглум паршондур,  
Бу жамъи хотирим қувмоққаким, асбоб тарқатмиш.

Бағир қон ташналар рашк ила ўлмай найласун бул дам,  
Ушал гису ҳавоси бирла лаъли ноб тарқатмиш.

Урар ким шона зулфига тўкулгай ерга суи андин,  
Анинг шавқинда гўё, кўзларимдин об тарқатмиш.

Увайсий, кокули нассожлигда жаври кўп эрди,  
Мулойим, раҳмдил бўлмоққа масти хоб тарқатмиш.

Шавқи кўйингдин эрур кунглима парвозлиғ иш,  
Бўлди мафҳуми фалакдин бу замон созлиғ иш.

Мен муқарраблиғ этай деб, қилурам жустужу,  
Анга касб ўлди, фиғонқим, нестайин нозлиғ иш.

Нафс ҳамсуҳбат ўлубдур тилим авсофиғаким,  
Бу хаёлот кўнгулга қиш ила ёзлиғ иш.

Ишқ аҳливетпағ эди лойиққим, кору зор,  
Лойиқ эрмае эдиким, бу сифат эъзозлиғ иш.

Вайсий шукур айлағуси амди ҳасти пчра,  
Бўлди маҳбуб биле туллари ҳамрозлиғ иш.



**Айладинг изҳор базм оролиғинг, эй бағри тош,  
Ботагофил дилбарим рашкин этиб сиррини фовш.**

**Ишқ аро кўб йиғладим, туштим бу ҳижрон даштига,  
Тангри албатта берур кўб йиғлаган кузларга ёш.**

**Қошиға роғиб этиб, дил кўзи рашк ила боқар,  
Бир кўнгул, ё раб, не боис: икки маҳбуба талош.**

**Йиғлатур ул кўз фироқида, ҳақиқатму эмас,  
Бу шариятму эмас, сажда қилурда эгма қош?**

**Ул мажозу бул ҳақиқатму эмас, эй пири дайр,  
Ул намозу бул муҳаббатму эмас, эй кекса-ёш?**

**Тонг эмас зуҳд аҳлига ширин сўзин берса улуш,  
Айламиш такрор тинмай туну кун илми маош.**

**Ер куйида азиз этманг мени дилхастани,  
Иззати Вайсий будур, гўй ўлса чавгонига бош!**

Зулфининг ҳажрида келмас сунбули тотор хуш,  
Балки келгай менга они бўй этардин ор хуш.

Восил ўлмакдин ғизоли наргиси бодомиға,  
Кирпигидин кўз хаёлида менга озор хуш.

Гул чоғи таклиф қилма боғинга, эй боғбон,  
Гул висолидин эрур менга фироқи ёр хуш.

Жаниат ичра ҳур ила ғулмонининг айшидин менга,  
Ёстаниб кўйида, исмин айламак такрор хуш.

Эй Увайсий, яъслиғ ҳам хорлиғ ўлтиргуси,  
Ҳажр ила мен зор нохуш, васл ила агёр хуш.

Сығмадим оламга, билмон, күйи дилбардур васеъ,  
Дил кутармоқликда ул гарчи ситамгардур васеъ.

Шамъ узлук-узлугин равшан этар торик аро,  
Кеча хосу омга бир моҳи анвардур васеъ.

Кўнглуми гар олам этсам, эй қуёш юзлук пари,  
Тонг эмас, оламга ул хуршиди ховардур васеъ.

Тагдил бўлма, аё зоҳид, мени дил хастага,  
Ким фараҳ булса бу олам, анга маҳшардур васеъ.

Ишқ ўти машқ ўлса, жисминга бўлиб маскан, нетонг,  
Гулхан айлабдур самандар, қушга ахгардур васеъ.

Ростлиг тасхирига потиқ забон булса асир,  
Нукта нутқиға ики олам мусаххардур васеъ.

Орзуйи күйи жонон ўлса Вайсей тагдил,  
Билмадини му, дилбаринг элга баробардур васеъ.

Надомат ашқиға кимдур юзи помол мен янглиғ?  
Бағир хунобасидин донм ашки ол мен янглиғ.

Ажаб эрмас сўзинг ширилиғни ҳажрида жон берсам,  
Мағас ҳам булмамышдур муьталоин бод мен янглиғ.

Муҳаббат — жонда, дарди — дилда, кўз маҳрум ҳуснингдин,  
Юкп фурқатдин уламыш кимин қадди дол мен янглиғ?

Таажжуб саъб аҳволим, туганмас дарди кунглумдин,  
Қачон қобиздур эл жонига хатту хол мен янглиғ?

Азалда руҳу тан касби муҳаббат айлаган эркан,  
Бу савдода киши то булмади ишкол мен янглиғ.

Умидим — маҳрам улмоқ, мен эрурман гарчи маҳруминг,  
Бу мушкил иш аро кимдур паришон ҳол мен янглиғ?

Вусул айлаб тилим ҳар хат бошиға исми ҳарфини,  
Қўюбман тож янглиғ, олсангиз афьол мен янглиғ.

Дили хубон шод улгойму деб қилдим мувашшахни,  
Увайсий дер, кунгул топмоққа йуқ раммол мен янглиғ.

Фурқатнинг тарёкдек мастлиғдин эткон эрдн соғ,  
Шукр, васл илгида туттинг субҳда, соқий, аёр.

Сув садосидек бу мазмундин ҳувайдодур садо,  
Қайдин ифшо айлағай, бир соати солғил қулоғ.

Васлдин ишқ ҳосил ўлгай, ишқдин ҳажр оташи,  
Пилтау ёғдин на ҳосил, ёнмаса шамъи чароғ?!

Кўнглимн шаҳбози бисмилдурки, тиги рашк ила  
Донайи лутфинг сочиб, тазвирин айлабдур тувор.

Васл аро таҳсинму, кўнглимдин алам кам бўлмаса,  
Лоладек бағрим фироқинг шиддатидин дор-дор.

Сайри ҳуснингдин азал ифшо этан, чун ўл сабаб  
Кўзларимким, чашмалар янглиғ эрур, ваҳким, булоғ.

Бағрим ўлса реш-реш тонг йўқ, санамлар зулфидек,  
Васфи жонон ёзмақа Вайснй лисонидур тароғ.

Кўнгулга ўқин отти бегона ногаҳ,  
Оқиб қон бўлур жори ҳар ёна ногаҳ.

Бўлуб муҳтасибдек менга ваҳшат ангез,  
Йўлуқти жафобахш жонона ногаҳ.

Синуқ кўнглума тушти ташвиш ларзон,  
Ўзум ташладим анда субҳона ногаҳ.

Тараҳҳум тушуб кўнглига, сўрди ҳолим,  
Қилиб афв, эрдимки журмона ногаҳ.

Ки Мажнунлиғимдин маломат қуши ҳам,  
Бошим узра солмишди кошона ногаҳ.

Агар дардинг ўлса тонг эрмасдур улфат,  
Бўлубдур ғаминг менга ҳамхона ногаҳ.

Сўзумга, не тонгдур, йўқотгай ўзини,  
Йўлуқса гадо, шоҳу султона, ногаҳ.

Кечургил бугун ҳасратидин дам урса,  
Қелиб олдинга Вайсий давола ногаҳ.

Жамолнингдин йироқ туштум, аё дилбар, баякногаҳ,  
Қи гўё бошима савдо тушан маҳшар баякногаҳ.

Ушал кун манъ бўлди кўзларимдин ҳусни рухсорнинг,  
Кўзумга хору хородур зару зевар баякногаҳ.

Сенингсиз, эй шакаргуфтор, талх ўлди забонимга,  
Наботу, ангабину, қанд ҳам шаккар баякногаҳ.

Кўзимдин зоҳир ўлса бағр ҳам, жонон, фироқнингдин,  
Тегибдур сийшайн мажруҳига ханжар баякногаҳ.

Туман минг жилвайн ҳам ишвайн ноз этти кўргон-чун,  
Кўнгулни тўлтатолмон, кўрсам ул манзар баякногаҳ.

Кўзи жодуси дил қайд айламакда ул эди устод,  
Жудолни айлади ул шоҳи афсунгар баякногаҳ.

Ниҳони меҳр ўлуб, бағрим шафақгун айлади макнун,  
Қи гўё ёпти ерга хуршинди ховар баякногаҳ.

Бу нодоилар аро оқил эли бўлгунча, Мажнун бех,  
Жунун хайлига манзилгоҳ учун тоғ пла хомуи бех.

Муҳаббат Қарбалосида киши бўлса шаҳиди ишқ,  
Анингдек марднинг пирохани байзоси гулгун бех.

Раво йўқ шаънига фурқат йўлида назъи жон бўлсам,  
Масеҳим, то сенга сўрмоқлик аҳволи дигаргун бех.

Бу кулбам сорига, эй нури дийдам, юзланур бўлсанг,  
Қадам қўйсанг — оқаргон нитизордин чашми пурхун бех.

Сугорғил, зоҳидо, кўз мардумин баҳри муҳаббатдин,  
Ки ҳусн аҳлини даргоҳи аро то ашки Жайҳун бех.

Дедим: «Эй, соғаре, тутқил, тўлубдур қонга дил зарфи!»  
Деди: «Лабташанин хуммор агар бўлса жигархун бех!»

Ки эй Вайсий, муҳаббатдин агар юз минг жафо кўрсанг,  
Насиб эткай таолаллоҳ, ки то ўлгунча мамнун бех.



Қилур ўздин қуёшу ҳам қамар рухсорини таржеҳ,  
Тамоми маҳжабинлар сарви сийм ашъорини таржеҳ.

Кулаҳ буржинда иклилин қўюбон гар хиром этса,  
Мусаххардур ҳама жаннат қуши рафторини таржеҳ.

Агар тўти тасомеъ айласа гар оғзидин сўзин,  
Шакар ийсор лаълидин қилур гуфторини таржеҳ.

Парирўлар юз онча бодадин махмур агарчанди,  
Қилурлар ҳам яна ул наргиси хумморини таржеҳ.

Қр илғида ҳадиди тигдин жон изтироб айлар,  
Тўкарда айлагайлар қон ўшал айёрини таржеҳ.

Чароғи маҳфилоро ҳам қамарсниймо паривашлар  
Яна айлар ҳам ўлди ламъайи рухсорини таржеҳ.

Қади мавзунини кўргач чаманда сарв ҳам раъно  
Мусалламдур гули гулзор гулъузорини таржеҳ.

Кел, эй соқий, қадаҳ сунгилки, чеҳра арғувон бўлсун,  
Қи май соф эт бугун, айлар эсанг ул ёрини таржеҳ.

Хўтан саҳросида гўё ишимдур нофайи оҳу,  
Эрур хуш туррайи машшота атросорини таржеҳ.

Бисоти боғ аро гулчеҳраларда тарҳи раънолиғ,  
Алар ҳам айлагайлар хўблиғ меъёрини таржеҳ.

Таранжум айлабон гулзори табъ ичра наво соз эт,  
Суханраслар қилурмиш Вайсининг ашъорини таржеҳ.

## МУСТАЗОД

Бу ҳоли гадони шаҳи султоним эшитсун,  
эй ҳукми равоним,  
Гар булмаса таъсир, жигар қоним эшитсун,  
дей арзу фиғонам.

Мен — гарчи гадо, ёр — сенидек шоҳи жаҳоним,  
мен уз гарибингман.  
Бул арзи дилимни шаҳи давроним эшитсун,  
Жамшиндиншоним.

Мен сенга дуогуй шабу рӯз эрурман,  
шукри ҳақи жондур,  
Жонсузлигим ҳокимн хубоним эшитсун,  
йўқ шакку гумоним.

Олди мендин чоряку ун олти кумушни,  
раҳм айлагил, эй гул,  
Бонси «танобона»ки, бул хоним эшитсун,  
эй шамъи жаҳоним!

Хонзодами даврида «танобона»ни бермак  
зебанда кўрунмас,  
Келдим қошинга, ул маҳи тобоним эшитсун,  
сен узимн хоним.

## МУХАММАСЛАР

Қолдим балоя, кўпглуми бердимки, бошқа,  
Чунким, мудом икки кўзум тўлди ёшқа,  
Хуссини зуҳурин олдида не ҳад қўёшқа?  
Зулфини хаёли тушкали шўрида бошқа,  
Ғам бошқа ўлдурур мени, ҳижрони бошқа.

Булбулни саждагоҳидур доимо чаман,  
Фарз ўлди анга шом-саҳар тинимайин сухан,  
Ашк<sup>ти</sup> зуҳур ўлди бағир қони-пираҳан,  
Меҳробига не фарзки, мен сажда қилгуман,  
Қилгумдурур сужуд мен ул икки қошқа.

Чорлар нигор, олдига келтургали мени,  
Юз сўзини зоҳир айлади куйдургали мени,  
Қаддин танипти, хаттини билдургали мени,  
Кўзу қонинг талошадур ўлдургали мени,  
Ўлдур меники, қўйма икковини талошқа.

Айди бировга: «Мунда кетургия ятимни!»  
Бизга дедик: «Тош ила ургил ятимни!»  
Боз айди бизга: «Ҳолини сўргил ятимни!»  
Алкимини қон кўруб деди: «Кўргил ятимни,  
Бурни қоноди, оғзи етушқонда ошқа!»

Жон — таним, бағир — жигарим туъма ўхшади,  
Нодон эли еднию мени, боз кавшади,  
Бир сангдил муҳаббати Вайснийни қуршади,  
Жомий бир оҳ чекти, анинг кўпгли юмшади,  
Оҳим утини кўрки: асар қилди тошқа<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Бу мухаммаснинг ғазали Абдураҳмон Жомийники дегувчилар ҳам бор. Лекин навоийшunosликда бу фикр тасдиқланган эмас. Улуғ Навоийнинг ай-тиб ўтишича, Абдураҳмон Жомий турк тилида ишёр эмаган.

Эл дегай гаввос, кўздан гавҳар афшоним кўриб,  
Билмайини гавҳар соғингай ашки маржоним кўриб,  
Иктисоб этти чу булбул оҳу афгоним кўриб,  
Раҳм қилмаз, найлай, ул гул чашми гиреним кўриб,  
Ҳолима қилмаз назар бу жисми урсеним кўриб.

Раҳм вожиб ҳолима, бан бир қушп беболман,  
Шукрлиллаҳ ҳуси хуршидинг ёзанда долман,  
Сарв қаддингга ҳамиша сояйн помолман,  
Бод тебратдуқча зулфунгни паришонҳолман,  
Бир тараҳҳум эдмадинг ҳоли паришоним кўриб.

Ҳеч ким огоҳ эмаз, эй дўстлар, бан зордан,  
Жаврларким, ёғди бошимга фалак гаддордан,  
Нешларким, етти сийнам узра, эй гул, хордан,  
Зулмларким, тегди ишқида банга агёрдан,  
Арзим айтай, адл тахти узра султоним кўриб.

Онча излар дил, тополмаз ақлу ҳуш, идрокини,  
Тоиг эмаз, масти муҳаббат изласа тарёкинни,  
Ёшура олмон алидан кўзларим паноҳини,  
Нёча пинҳон айласа ишқида кўксум чоқини,  
Фаҳм айлар ул баним чоки гирибоним кўриб.

Ул на хуш гундур, дучор ўлдимки жононим биле,  
Рамзидан мақсуди дилни анда гелтирдим тила,  
Айлайин бу толен настимни бан кимдан гила,  
Ваъдайн васл айлади, ҳамхона айлаб ҳажр ила,  
Эй сабо, еткур салом ул аҳди ёлғоним кўриб.

**Пойи гардини билурман кўзларимга нуртак,  
Истарам ширин сўзни бол истаган занбуртак,  
Ул Фалотун табъига бу руқъа номанзуртак,  
Ул азизул-қадр олдида эрурман мўртак,  
Мўр арзин айтур эл борму Сулоймоним кўриб?**

**Манфаат олди табиат ёрнинг бозоридан,  
Қасб қилди бу сияҳ зарра анинг анворидан,  
Саҳв кўрсанг афв қилғил Вайсийнинг ашъоридан,  
Зарра ул ой ҳажрида жону тану деворидан,  
Мурда жисмим топти руҳ ул лаъли хандоним кўриб.**

Билмадим мен, не сабаб гул юзидин томди гулоб,  
Рашкидин дил меҳрида тутмиш кудуратдин саҳоб,  
Ушбу сўз мафҳум ўланча бўйнима мушкин таноб,  
Тушти то зулфунг юзунгдин, кўнглум ичра тушти тоб,  
Айламиш кўксум аро симоб янглиғ изтироб.

Нечалар пандинг баногўш айлади — топти камол,  
Нечаларга қаҳр тигингдин етардаким завол,  
Неча кун хоки раҳингга жисмим ўлди поймол,  
Нечаким, лаъли лабингдин бўсае қилдим савол,  
Бермадинг, эй шўх, истиғно камолидин жавоб.

Жон етибдур лабга, эй дилбар, бутун ғурбат билан,  
Етмадим васлинга бошим узра бу рифъат билан,  
Ошиқи бечорани куйдурма кўп ҳасрат билан,  
Ғайр соригга борурсен, мен қолиб меҳпат билан,  
Ғайр базмида жамолинг шамъидин очма ниқоб.

Мен нечук дашт ичра Мажнунларга маҳрам бўлмайин,  
Мен нечук ҳуш аҳли ўтрусида мубҳам бўлмайин,  
Мен нечук ҳажрингни бозорида пурғам бўлмайин,  
Мен нечук савдо билан расвойи олам бўлмайин,  
Телба бўлғай моҳ рухсорингни кўрса офтоб.

Бир нафасда айлағай тағйир афъоли фалак,  
Лола гул барги яқосидурки тимсоли фалак,  
Кўп қадн сарви равонни қилди чун доли фалак,  
Кўп йнгитли қилди пирн нотавон золи фалак,  
Эй сумаибарлар, ғанимат сизга айёми шабоб.

Васл аро сен нозу истиғнода, мен ҳасрат билан,  
Қўзларнинг тўкмакда қоним, кўзларим маҳват билан,  
Ул замон аблоби дил фатҳи эрур нусрат билан,  
Терлаган рухсоринги кўргач дедим, ҳайрат билан:  
«Турфа гулдурким, чекар ондин ҳаё ноби гулоб!»

Ҳажр бедозида йиғлатма, аё афсунгари,  
Сенки, эй хуршид, мен зарра — гуломи камтари,  
Раҳм қил, қилма шўҳор ҳуснунгни меҳри ховари.  
Кўз ёшим кўрднинг, фалакдин қўл юғил, эй Муштари,  
Бир нафасдин ортуқ эрмасдур сув устида ҳубоби

Қумридек сайри гулистон менга, булбулдек наво,  
Орзуин ҳуснинг-чун эшикнигда бўлдум чун гадо,  
Узди ҳар ёндин ранги уммидим, бўлди адо,  
Ҳалқайи зулфунгга осилди кўнгул, эй бевафо.  
Гўйиё тушмиш бу мискин бўйини ма мушкин таноб.

Маскан айлаблурки оташ ичра номусу ҳаё,  
Кавсар атрофида лаъл ила дури қиймат баҳо,  
Ваҳм этар кўнглум қуши толпинсалар бози қаро,  
Икки зулфунгни баногўшянгда титратмиш сабё,  
Уйлаким, очиб қанотин қор уза ўйнар гуроб.

Қилма манзил дил аро, дилдор, сен айлаб ҳазар,  
Не учунким, ниқ ўтидин кўп эрур ўтлиғ шарар.  
Қуймасун болу паринг, то бўлмасун сенга зарар,  
Сен парининг манзили вайрон керак, ё чашмалар,  
Маскан эттинг кўз ила кўнглумда, қилмай ижтинёб.

Қимки қилди хок роҳиға кўзин ашкин нисор,  
Қимки қилди оҳу афғон шавқида гул гулўзор.  
Қимки қилди танин помол ишқида гул шаҳсувор,  
Қимки қилди ёр кўйида гадолиғ ихтиёр  
Салтаят иқлимчида дерлар Амзирн кемёб.

Мен хастау зорингни бирор айламадинг ёд,  
Султон — сену, ҳоким — сену, мен кимга дейин дод?  
Умримни камолнини гаминг айлади барбод,  
Эй орази пасрин, сочи — сунбул, қадн — шамшод,  
Булбул киби ҳажрингда ишим нолау фарёд!

Дил куймаса илкимда шаробим тўкулурму?  
Афсус мунгаким, тўкулан коса тўлурму?  
Сайёд эли қайд айламай, оромн бўлурму?  
Сайд ўлди кўнгул кўзларига, ваҳ, қутулурму?  
Бир қушки, анинг қасдида бўлгай ики сайёд.

Эл билмади мен Мажнунн мумтоз рамузин,  
Қўрса киши ваҳм этгуси дорбоз рамузин,  
Сарф айламадинг мен била дамсоз рамузин,  
Ул мактаб ароким, ўқуда поз рамузин,  
Гўёки вафо илмин унутмиш эди устод.

Мухтож эрурман туну кун аҳли сафога,  
Шояд яди покин кўтарур бўлса дуога,  
Раҳм этмади мен булбули шўрида навога,  
Ашкимни кўруб, тез бўлур майли жафога,  
Оре итимас, чунки суви бўлмаса фўлод.



Топти бу кўнгул заррас Лайли хабаридин,  
Қон бўлди хўроким мени Мажнун ҳунаридин,  
Фарҳод қутулди ўлубон, дарди саридин,  
Мингдин бир эмас ўз юраким захмларидин,  
Ҳар нечаки, тоғ бағрини захм айлади Фарҳод.

Оташқа сазоворига, улким, сенга мақрун,  
Озоринга ожиз келибон, ҳоли дигаргун,  
Бир боқмаға мавқуф неча фонийн гулгун,  
Улукни киши дафи эта олмас, вале ҳар кун —  
Юз тир қилур дафи, кўзунг бўлғоли жаллод.

Захмим менинг изҳор эмасдур бадан ичра,  
Изҳор агар ўлса, эрур пираҳан ичра,  
Булбул не фиғон айламасунким, тикан ичра,  
Гул япроғи — тирноқлар эрур бу чаман ичра,  
Булбул пару болини юлуб, бергали барбод.

Ким журъайи май ичмаса, мастоналиғ этса,  
Бир чуғздек обод аро вайроналиғ этса,  
Вайс эғри қўюб бўркини, мардоналиғ этса,  
Не айб, Навоий киби девоналиғ этса,  
Ҳар одамнинг ёри агар бўлса паризод.

Мулаббаб боргоҳингда ажаб лутфу карам таҳсин,  
Қилурлар умр борича араб бирла ажам таҳсин,  
Фурури шоҳлиғда ишқ дардин баҳам таҳсин,  
Адолат борчаға, ушшоқ аҳлига ситам, таҳсин,  
Майи ҳуснунгға мустағрақ кун илқимда рақам таҳсин.

Даб эрмишсан кўруб аҳволими: «Девонайн расво!»  
Не аҳвол ўлсун аҳволимки, солдинг бошимма савдо,  
Табассум айлагил нолам насимига, гули раъно,  
Ки гулзори фироқ ичра мен эрдим булбули гўё,  
Ҳама шодоб аҳли ичра туштим пур алам, таҳсин!

Ажойиб офтоби давр эрур, олида улфатлар,  
Ҳама пиру жавон, шоҳу гадоларга эрур сарвар,  
Назора қилса, ҳар ёнға боқиб, ул кўзлари гавҳар,  
Баногоҳ кимни кўрса, сўз қотиб, кўнглини хуш айлар,  
Муниингдек подшаҳ олдида Вайсий еса ғам таҳсин.

Кулбама кўбди қадам дўст, шоду хандонман бугун,  
Гарди пойи тож бар сар, балки султонман бугун,  
Ғам, пари тур, шодлиғ тахтада меҳмонман бугун,  
Ҳаддан афзундурки, жаврдини паринионман бугун,  
Чархи кажрафтор зулми бирла ҳайронман бугун.

Кўнглум эрди ҳажру фурқат захми бирла ёралиғ,  
Айлади андуҳу мотам ёна пора-поралиғ,  
Қай бирига йнғларам, бир ёнда бахти қоралиғ,  
Менга юз кўргузди олам ичра юз авворалиғ,  
Дашту саҳрода қуюндек усру сарсонман бугун.

Мажнунни беҳуш боши узра хошокни дегил,  
Кўҳкан — Фарҳоднинг фарқи сари чокни дегил,  
Нечалар аҳли замондин кўзда намнокни дегил,  
Ақлу ҳушим даҳр хайли биймидин сокин дегил,  
Айб қилманг, эй фатонат аҳли, нодонман бугун.

Асрадим жонда шакаргуфтор ҳажрин, қон ютуб,  
Сақладим дийдамда хушрафтор ҳажрин, қон ютуб,  
Богладим ноламга гулрухсор ҳажрин, қон ютуб,  
Айладим музмар кўнгулда ёр ҳажрин, қон ютуб,  
Ғунчадек жайби тафаккур ичра пинҳонман бугун.

Учради бир шаҳсувори ботағофил, шўх-шанг,  
Айлади аҳволи зоримга менниг номусу нанг,  
Бағр қоним акси эрди — урди пиродаанга ранг,  
Гулгун этсам ашки хуноб ила доменим не тоиг?  
Лоладек саҳройи ғамда доғи ҳижронман бугун.

Дегил — озарбайжонча «дегил» — «эмас» маъносиде.

Истасанг кўнглум қушини кошонайн гулхан аро,  
Сўрсанг ақлим гавҳарини вайронайн маҳзан аро,  
Шамъ жонимдур менинг, билсанг чу маҳфил — тан аро  
Оҳу афғоним дегил булбул каби гулшан аро,  
Бир сиҳн қад сарвининг ишқида полонман бугун.

Дилрабойн, навинҳоли, сарв қомат, рустахез,  
Сенга, хўбони жаҳон, баъзи қулу баъзи каниз,  
Маҳвашиг тўти такаллум, дилбарн жондин лазиз,  
Не сабабдин сўрмадинг ҳоли дилимни, эй азиз,  
Бастайн занжири зулфи, чашми гирёнман бугун.

Тоғу ҳомун соҳибн Фарҳоду Мажнун — дўстлар,  
Мажнуну Фарҳод жойн тоғу ҳомун — дўстлар,  
Кундузим — тун, кўкрагим — хун, қоматим — нун, дўстлар,  
Даҳр дун, ҳолим — забун, иқбол — вожун, дўстлар,  
Меҳнати ғам бирла чун дасти гирёнман бугун.

Вайсий чуи заибур, гарчи фаҳми — мисли болким,  
Жазб бозорини савдоси аро ҳаммолким,  
Пиглади ҳолини кўргачдин анга раммолким,  
Ер ҳажри заррани айлаб бисоти молким,  
Фурқат ўти тобидин чун мўй печонман бугун.

Не арз этсам, суханрас, нуктаин ашъордин фаҳм эт,  
Рамузи ғуссау дарду алам гуфтордин фаҳм эт,  
Юракнинг захмини заъфар каби рухсордин фаҳм эт,  
Жигар қонин бу соат дийдаин хунбордин фаҳм эт,  
Фироқи ҳажрини бу чархи кажрафтордин фаҳм эт.

Бу афгон этдигим васл ичра хирмондин нишондур бу,  
Бу ашки лолагуни доғи пинҳондин нишондур бу,  
Жунуни ранги сорғи бағри бирёндин нишондур бу,  
Ки ҳам рухсори зардин захми ҳижрондин нишондур бу,  
Шарори сӯзиши бағрим тани бемордин фаҳм эт.

Ҳужуми лашкари ғам жонима ҳар ёна саф чекти,  
Қаро бағрим маломат новаки охир ҳадаф чекти,  
Қаноат айлади ул дурри ғалтондин садаф чекти,  
Сипеҳри дилга тағри ишқдин моҳи шараф чекти,  
Мени имсоқи ғамни шом аро ифтордин фаҳм эт.

Не идроқи таақул менда, бир ҳайронадин англа,  
Тани афсурдаин помолу дил вайронадин англа,  
Бугун монанди Мажнуну бесомонадин англа,  
Менинг гуфторимким, оқило афсонадин англа,  
Забоним лағзишини ҳам суҳан асрордин фаҳм эт.

Тополмам марҳами решн дили пурғам мудовоси,  
Талаб ҳам топмади захми жигар, марҳам мудовоси,  
Увайсий, новак узра боғлади ул ҳам мудовоси,  
Ки ҳам мазмуни гуфтори била барҳам мудовоси,  
Тақозойи каломин ҳам суҳан меъмордин фаҳм эт.

Шифо расмин тузубон, эй табиб, ишқингда бемор эт,  
Шнорим ёд эту жон риштасни таибуринга тор эт,  
Масеҳ анфосдурсенким, мамот аҳлига гуфтор эт,  
Лабиягдин ком олурда чини зулфингни намудор эт,  
Қадаҳ тут, маст қил, андин кейин таклифи зуннор эт.

Етубдур сенга, эй жонон, мақоми даври офоқи,  
Суми рахшнингда помол ўлди ул афлоклар тоқи,  
Сўзингнинг нашъасидин бўлдилар бир нечалар боқи,  
Сенга беҳудлиғ ила ёрлиғ истармен, эй соқий,  
Қадаҳ тутқил менга, ул бодани афюн ила ёр эт.

Ниқобиянгни кўтар, эй гулрухим, сайри гулистон қил,  
Кулуб ҳар ёна боқғил, зеб ила ҳар сори жавлон қил,  
Қилиб ҳайратдаким, ҳуснингга булбул бағрини қон қил,  
Юзунгнинг рашкидин гул хотири жамъни паришон қил,  
Табассум айла ғамдин ғунчаларнинг кўнглини тор эт:

Ажал хуммориға жон шарбатин паймонада сундум,  
Кўруб май софин агёр илгида, ғам зарфиға тўлдум,  
Бўлуб ўксуклик, ул муғбаччанинг илгига телмурдум,  
Ичиб дурди май, эй пири муғон, майхонада ўлдум,  
Таним тупроғи бирла дайр таъмириға девор эт.

Қадам ишқинга қўйдум, донмо ашки равон ўлдум,  
Тузаб рашкинг маконин, эй пари, бехонумон ўлдум,  
Лабияннинг фурқатида кеча-кундуз бағри қон ўлдум,  
Тилар кўнглумки, ошиқликда расвойи жаҳон ўлдум,  
Ул ойнинг ҳусниға, ё раб, мени мунди батар зор эт!

Топа олмам суроғ солсам жаҳон, кунгунгдек армонлиғ,  
Ул ойнинг орзусида бу жон ҳар кунда қурбонлиғ,  
Менга қолғонда дилбар тарк қилди расми жононлиғ,  
Кунгул, аввора бўлким, монети васл ўлди нодонлиғ,  
Сенга ким айдн: «Ағёр олдида ишқингни изҳор эт!»

Мунаввар қилди дил, гўё қаронғу кечани моҳе,  
Фалакнинг дастидин дод айлагондек урди бир оҳе,  
Дея: «Лутф айлаким, Вайснйга, бўл бу сўздин огоҳе!»  
Ямон кўз тегмасун ҳуснингга, эй маҳбублар шоҳи,  
Амир ашъоридин бу руқъани бўйнингга туммор эт.

Бўлди бул кун менга ул сарви хиромон ўтру,  
Жонима руҳи равон, жисмима дармон ўтру,  
Кўйглма шавақ, забоним сорп афгон ўтру,  
Тиг торлиб чу келур қатлима жонон ўтру,  
Ҳар дам оғзимга етар чиқмоғ учун жон ўтру.

Қаҳринги зоҳир этиб, лутфинги кўп қилма ниқон,  
Фурқатинг сийнам аро айлаган эрди тўла қон,  
Ҳажринги маскан этубдурмен, аё руҳи равон,  
Кўйглма келса хаёлинг, чиқар ўтрусига жон,  
Эл чиқар, уйга кирар вақтида меҳмон, ўтру.

Васл этмакка ўшал шоҳни нозим бўлсанг  
Шояд ул муғбача базми аро бозим бўлсанг,  
Мақсад ул ўлмақа васл ичраки жозим бўлсанг,  
Истабон васл қачон кўйига озим бўлсанг,  
Келмас оллингга бажуз новаки мижгон ўтру.

Кўйса ким ишққа қадам, ваҳки, гадо бўлеуси шоҳ,  
Шамъ бўлса агар, ул бўлғай ики олама моҳ,  
Очилур фақру фанодинки, худо сорнга роҳ,  
Ул қуш ҳажрида отсанг кечалар новаки оҳ,  
Ҳоладек чарх тутар дафънга қалқон ўтру.

Ҳажринг афсун этиб; кўймади бир зарра мажол,  
Чеҳраи зард этиб, айлади ҳам ашкми ол,  
Лайли ишқидин ўшал Қайс ажаб топти камол,  
Дашт девонасига мен қилурам истиқбөл,  
Чиқса-Мажнунга; не тонг, гули биёбон ўтру.



Ташналар май учун оҳи саҳар ўлмиш, не ажаб,  
Излабон шому саҳар, дар-бадар ўлмиш, не ажаб,  
Нашъасидин неча зеру забар ўлмиш, не ажаб,  
Майда соқий юзидин жилвагар ўлмиш, не ажаб,  
Тутсам ул кўзгуни илгимда фаровон ўтру.

Ишқ ўтини ғайр эли кўнглумдин ўчургач ёнди,  
Сепкали ашк сувин дийда кетургач, ёнди, ...  
Вайсий ҳолин деса хўб эрднки, сўргач ёнди,  
Келадур эрди ҳабибим, мени кўргач ёнди,  
Эй Навоий, нега чиқтим мени нодон ўтру?!

Көфир булур киши деса чаңгу рубоб талх,  
Айни дин улки, йуқ сифатинг, гар китоб талх,  
Шаккар гар улса, ҳажридаким лаъли, ноб, талх,  
Нутқинг фироқида менга бўлди шароб талх,  
Ҳар дам кузум тукар лабинг истаб гулоб талх.

Ҳар дам рақибдин аламе жонима етар,  
Невчунки, ёр ғайр қилан сўзига битар,  
Кўз йулидин бағир қониким, жуйдек кетар,  
Куйган юракни шўрини ашким фузун этар,  
Андоқки, туз суви била бўлғой кабоб талх.

Тушму хаёл: бўлди дилафкор базмида,  
Қўлда қадаҳ, тилида сўз ошкор базмида,  
Сўрдим: «На май эди кеча ағёр базмида?»  
Кўрдим рақибни бу кеча ёр базмида,  
Ширин лабинг ғазаб била берди жавоб талх.

Зулм айладинг менга, санамо, мақсадинг недур?  
Ҳеч демаринг: «Фироқим ичинда ғаминг недур?»  
Қошингга бандаман, кўзи афсунларинг недур?  
Чок ўлди жон яқоси, десам аччиғинг недур?  
Ҳаргиз демас катон сўзини моҳтоб талх.

Дўстимни душман айлади, бу ғам этиб менго,  
Юз оғуни-ичурди қошимдин кетиб менго,  
Дил лавҳида хаёлни қоши битиб менго,  
Ағёр бирла бода ичиб, зулм этиб менго,  
Айшимни айладинг кеча, эй офтоб, талх.

Гаҳ соғ улурману гаҳ девона бўлмишам,  
Гаҳ гулдек очилурману гоҳида сўлмишам,  
Ғам зарфидин тукилдиму гаҳ боз тўлмишам,  
Гаҳ заҳри ғам ютарману гаҳ беҳуд улмишам,  
Эй гул, ғамингда бўлди менго хурду хоб талх.

Қон тукти кузки, фирқати абру жиллоддин,  
Ё раб, насиб улурмуки ҳайвон зулоддин,  
Дам ургалики, қолмади зарра мажолдин,  
Эй гул на бўлди парда кутарсанг жамолдин,  
Ошиқларингнинг айшини қилди ниқоб талх.

Бўлди кими ғано хати иршод дайр пир,  
Хожам ики жаҳонда Увайсийга дастгир,  
Бўлғоймуки, агарчи мен ул мўрдур, сағир,  
Ишқу, вафо тариқида шод улмишам Амир,  
То ёрнинг рақибиға бўлди азоб талх.

Қил амон, ё раб, адулар можаросидин мени,  
 Сақлагил осий бу мардумнинг изосидин мени,  
 Сер айла лутфи султонлар атосидин мени,  
 Қил жудо бул бахту толеълар қаросидин мени,  
 Қутқар, эй хоним, Ҳасан боққол балосидин мени,  
 Қилгон ул беҳуда ҳам жабру жафосидин мени.

Кошғар юрти бузулди — келди, бердим хонумон.  
 Бош суқарға жой тополмай юрган эркан бемаков,  
 Яхшилик қилдим, уйимга, этмадим доду фиғон,  
 Чиқмайми жойи имомдин, айлади бағримни қон.  
 Қутқар, эй хоним, Ҳасан боққол балосидин мени,  
 Қилгон ул беҳуда ҳам жабру жафосидин мени.

Ул мударрис сотти деб, солди бу кўнглумга ғубор,  
 Охири бўлди алар кори қошингда ошкор,  
 Раҳм этиб, арзимга еттинг сен, дединг: «Эй Тунқатор,  
 Йўқ замонимда менинг зўрлиқ!» — дединг, эй шахриёр,  
 Қутқар, эй хоним, Ҳасан боққол балосидин мени,  
 Қилгон ул беҳуда ҳам жабру жафосидин мени.

Қозилар олдида бердим ўн икки тиллосини,  
 Ена беш тиллонин бердим, мен пулин фойдосини.  
 Розини қилди қозилар, манъ айлади, иғвосини,  
 Ена чиқмас жойидин, ялгон қилур даъвосини,

Қутқар, эй хоним, Ҳасан боққол балосидин мени,  
Қилғон ул беҳуда ҳам жабру жафосидин мени.

«Чик!» десам, албатта олдимга болосин ташлагай,  
Сўрасам, оғзин очиб, албатта илким тишлагай,  
Қўрқарам: тухмат қилиб, бир менга гавго бошлагай,  
Қилди савдойи мени шаб-рўз кўнглум гашлагай,

Қутқар, эй хоним, Ҳасан боққол балосидин мени,  
Қилғон, ул беҳуда ҳам жабру жафосидин мени.

Бир неча мендек ғарибларнинг атоси сендусан,  
Мушкил иш осон қилурда муддаоси сендусан,  
Вайсийи бечоранинг дардин давоси сендусан,  
Ет менинг фарёдима: эл подшоси сендусан,

Қутқар, эй хоним, Ҳасан боққол балосидин мени,  
Қилғон ул беҳуда ҳам жабру жафосидин мени.

Май бериб, маст қил, эй мугбача, султон ўлай,  
Бу гадолиғ унутаи, мен Жамшиди даврон ўлай,  
Раҳм қил ҳолима, мақрубайи жонон ўлай,  
Ё тирик дафн қилинг, халққа шинҳон ўлай,  
Токи ишқ ўти аро қил каби сўзон ўлай,  
Ё ажал жомини тутқил, бугун осон ўлай.

То бугун жонима жонона ситам билгурди,  
Фурқатидин дили маҳзунима ғам билгурди,  
Жисми уреними захмига алам билгурди,  
Бу ғариб ҳолимаким, таън Ажам билгурди,  
Токи ишқ ўти аро қил каби сўзон ўлай,  
Ё ажал жомини тутқил, бугун осон ўлай.

Ё раб, ул ёри ситамгарга гирифтор эттинг,  
Мунча бераҳм, жафожуйи дилозор эттинг,  
Куфр этиб, зулфини то буйнима зуннор эттинг,  
Мисли парвонадек ўтига сазовор эттинг,  
Токи ишқ ўти аро қил каби сўзон ўлай,  
Ё ажал жомини тутқил, бугун осон ўлай.

Санғдил, берма зарар дилга, хаёлиғ чоғи,  
Ҳажрдин берма хабар токи висолиғ чоғи,  
Талх ком этма бугун оби зулолиғ чоғи,  
Лйшима берма хазон қадди ниҳолиғ чоғи,  
Токи ишқ ўти аро қил каби сўзон ўлай,  
Ё ажал жомини тутқил, бугун осон ўлай.

Мастлиғдин хабар этти мени Мажнун айлаб,  
Мени расво кўзимниг ёшини Жайхун айлаб,  
Мавж урдурди ҳамон Қулзуми пурхун айлаб,  
Дод этай шоҳимъ, домоними гулгун айлаб,  
Токи ишқ ўти аро қил каби сўзон ўлай,  
Ё ажал жомини тутқил, бугун осон ўлай.

Ё раб, ўз ҳоли паришонима токай йиғлай?  
Тўқуб олдимга бағир қошима токай йиғлай?  
Тинмайин тундаги афрошима токай йиғлай?  
Сўрмагон ҳолими султонима токай йиғлай?  
Токи ишқ ўти аро қил каби сўзон ўлай,  
Ё ажал жомини тутқил, бугун осон ўлай.

Соқилё, ташнайи хумморини билган яхши,  
Давр аёғи била аҳволини сўрган яхши,  
Сағ ўлуб Вайсий бу майхонада турган яхши,  
Бермаса, ташнаси даргоҳида ўлган яхши,  
Токи ишқ ўти аро қил каби сўзон ўлай,  
Ё ажал жомини тутқил, бугун осон ўлай.

Аввало мен ушбу дунёнинг вафосин билмадим,  
Вожгун золи фалакнинг муддаосин билмадим,  
Дўстлигининг неча гамга ибтилосин билмадим,  
Ваҳжи, беҳуда улуснинг можаросин билмадим,  
Бу дили ашкостадин ўтган хатосин билмадим,  
Бу жудолиқга не бонс, интиҳосин билмадим.

Бул йироқли, ваҳжи, ноқобиллигимдинму экин,  
Ё магар ҳақ амрига қоҳиллигимдинму экин,  
Мосиволарга яна мойиллигимдинму экин,  
Мен ғариб бечорайн сойиллигимдинму экин?  
Бу дили ашкостадин ўтган хатосин билмадим,  
Бу жудолиқга не бонс, интиҳосин билмадим.

Бу замона аҳлининг кориға ҳайронман баса,  
Чун саҳобида ниқобиға бафармонман баса,  
Офати беҳудадин чоки гирибонман баса,  
Ўз гуломингман сенинг, хотир паришонман баса,  
Бу дили ашкостадин ўтган хатосин билмадим,  
Бу жудолиқга не бонс, интиҳосин билмадим.

Ўлган эрдим, ҳамдамимдин шаммайи топдим ҳаёт,  
Билмаман, борму экин топган ҳаётимда сабот,  
Хотирин бир гўшасидин қилди шоҳим илтифот,  
Ул сабаб таълим қуши парвозга тояди қанот,  
Бу дили ашкостадин ўтган хатосин билмадим,  
Бу жудолиқга не бонс, интиҳосин билмадим.

Эй дило, бе амри ҳақ бир дона қум бежо эмас,  
Банда гофилдур, муқаддам аҳли бепарво эмас,  
Тогдаги кўк майсаларга ҳожати дарё эмас,  
Вайсий, бир зарра фаросатдин сенга нфшо эмас,

Бу дили ашкостадин ўтган хатосин билмадим,  
Бу жудолиқга не бонс, интиҳосин билмадим.



Қилдим сенга, ёр, иқтидо мен,  
Бу мазҳаб ичинда порсо мен,  
Ҳам солики роҳи пуржафо мен,  
Жўлидайн марди бейбомен,

Мажнуни ҳазини дил адомен,

Авворайн зору бенавомен.

Куйдурди, нетай бу доғи ҳижрон,  
Фарёд этибон чекармен афгон,  
Бул жону таним йўлида қурбон,  
Дарду, аламу ғамим фаровон,

Келтирмишам эмди илтижо мен,

Кўтоҳ қусур норасомен.

Лайли ғамидин бу дил яроси,  
Тушти мени зора можароси,  
Мажнун уйдур кеча қароси,

Чарх узра чиқар фиғон садоси,

Мажнуни ҳазини дил адомен,

Авворайн зору бенавомен.

Дарбар қилибон қаландарона,  
Ҳам жанда, кулоҳи ошиқона,  
Бўлдим ҳарамн сорн равона,  
Таҳ нолайн зор, гаҳ тарона,

Келтирмишам эмди илтижо мен,

Кўтоҳ қусур норасомен.

Йўқтур бу жаҳонда ёру ҳамдам,

Бир аҳли рамуз мунисе ҳам,

Бу воқеадин кўнгулда юз ғам,

Бир ерда қарору сокин этмам,

Мажнуни ҳазини дил адомен,

Авворайн зору бенавомен.

Оҳимга туташти гардуни дун,

Бир Лайли этиб мени жигархун,

Вайсийга келибдурурки Мажнун,

Кимга дейин эмди зор мазмун,

Келтирмишам эмди илтижо мен,

Кўтоҳ қусур норасомен.

Бағримн сўрсанг, мисолн лола гул япроғидур,  
Вақки, япроғи на ўлсун, бағрин ичра доғидур,  
Қўқкаядек қозғоним Ҳомун аро гам тоғидур,  
Қўлдағи тешамин сўрсанг, сабрнинг тирноғидур,  
Жисму жоним остони дарғаҳинг тупроғидур,  
Раҳм қил, давлатли султоним, мурувват чоғидур.

Бўлғон ул «Қолу бало!» да руҳи Мажнунворман,  
Онинг учун бу жаҳонда толиби дийдорман,  
Васфини этмакда донм соҳиби ашъорман,  
Орзуйн ҳуснунг айлаб, рўзу шаб беморман,  
Жисму жоним остони дарғаҳинг тупроғидур,  
Раҳм қил, давлатли султоним, мурувват чоғидур.

Аввало жаври фалак бирла бузулди хону мон,  
Билмадим, меҳнат қуши бошимга қилмиш ошён,  
Лутфинг истаб донмо юрдум жаҳонда бағри қон,  
Қил мадад мен зора, эй шоҳаншаҳи соҳибқирон,  
Жисму жоним остони дарғаҳинг тупроғидур,  
Раҳм қил, давлатли султоним, мурувват чоғидур.

Муҳтасибн ишқ айлабдур жаҳон аввораси,  
Ул сабабдур рўзгорим бирла бахтим қораси,  
Қўйинг ичра итларингнинг мандуман бечораси,  
Сен эурсан донмо бечора кўнглум чораси,  
Жисму жоним остони дарғаҳинг тупроғидур,  
Раҳм қил, давлатли султоним, мурувват чоғидур.

Арзи дилдин бир неча ашъор мен қилдим рақам,  
Қўз саводин ҳал қилиб, шояд юзи бўлса баҳам,

Тилга мазкур айласа бўлгайму дилнинг дарди кам,  
Бўлма, дил, навмид, шояд қилса султонинг карам,  
Жисму жоним остони дарғаҳинг тупроғидур,  
Раҳм қил, давлатли султоним, мурувват чоғидур.

Ҳасрати олам била кўнглум хасу қошқоқлик,  
Нъслиғ тигида кўксумдур ҳамиша чоклик,  
Ишқ ўтига, найлайин, бисмил танам фитроқлик,  
Орзуин ҳуснунг учун кўзларим намноқлик,  
Жисму жоним остони дарғаҳинг тупроғидур,  
Раҳм қил, давлатли султоним, мурувват чоғидур.

Корвоп йўлдин одошса кеча, моҳини тилар,  
Кимки аъмодур, кўрарга нур, роҳини тилар,  
Бўлса ҳожатманд ким, бузрук паноҳини тилар,  
Вайсийн бечора — Мажнуи қул нигоҳини тилар,  
Жисму жоним остони дарғаҳинг тупроғидур,  
Раҳм қил, давлатли султоним, мурувват чоғидур.

Бир кеча солди соясини, рахшидур саманд,  
Ким сарв — қадди, сўзи — асал, лаъли нўшқанд,  
Ул тилга келди оғзин очиб, шоҳи аржуманд.

Бир аждарини ўқурдим апинг, гирдидур каманд,

Сўрдим: «Магар бу мор — афъидур» дедим, деди:

«Йўқким йилон, билки, азобингдурур санинг!»

Сарви қадини дейму ваё каж кулоҳини,

Хунхор повақниниму чашми снѐҳини,

Ўким тавил зулфини ё важҳи моҳини.

Ё раб, қабул қилки ғарбининг оҳини.

«Қавсар бошндзким на шафақдур?» — дедим, деди:

«Йўх-йўх, шафақки, бағри хунобингдурур санинг!»

Юз шукур айларамки, висоли фароғина,

Юз бўса айларамки, топонда оёғина,

Юз онча шукр, чорладниким, васли боғина,

Ё раб, бу сўзни деса бўлурму қулоғина:

«Кун юзини ёзан на сабақдур?» — дедим, деди:

«Қилғон азал насиб китобингдурур санинг!»

Гул юзли, шахд сўзли, қаро кўзли ул ингор,

Наргислари узори аро мисли навбаҳор,

Юз мишгта жон бир ингаҳигадурур инсор,

Ё раб, қачонда ёр билан айлағунг дучор?

«Ҳажри раҳини турфа узоқдур!» — дедим, деди:

«Сабр айлаёлмаганки шитобингдурур санинг!»

# ЧИСТОНЛАР

## I

Ул на гунбаздур, эшигу туйнугидин йўқ нишон,  
Неча гулгулпўш қизлар манзил айлабдур, макон?  
Синдириб гунбазни, қизлар ҳолидин олсам хабар,  
Юзларига парда тортилган, ётурлар бағри қон!

«Анор».

## II

Ул на: боши тўрт, бўйни олтидур, соҳиб сухан,  
Бели тўрт юз, пойи бир, жони ики юз роҳзан?  
Тош эмас, дил муддаоси бўлса ҳосил, эй гадо,  
Бул Азиз Миердурким, Юсуфи гулпирраҳан.

«Дутор».

## III

Ул на қушдур, боши саксон жисми ўттуз, пойи бир,  
Жони тўрт юз, ақли ўндур, фаҳми эллик, беназир?  
Номи ўлмасликка хат олмиш ўшал махлуқким,  
Ёшурубдур ўзни абжад ичра. Ким ул дилпазир?

«Фалотун» — Платон.

## IV

Ул на шаҳридур, йнгирма боб, бир бозори бор,  
Булбули мингдур, ажойиб етти юз гулзори бор?  
Ёна вафи шаҳри Румдур, ҳиндулар тутмиш ватан,  
Ташна сўрса, боғи абжаддин чиқар анҳори бор!

«Қоғоз».

## V

Елғузимда учради: ул дев эди ёки пари,  
Минг боши, қирқ эргаши бор, ёна саккиз навкари.  
Ҳолга келмас, бутни тақмас, борчаси жаллодваш,  
Тўрти чорлаб, ўну эллик, менга юзланди бари.  
Бирининг қўлида уч юз ханжару тўрт юз пичоқ,  
Ўзининг оғзиде булдур: «Пора қил!» — деб гапларил.

«Ғам ҳаддин ошти!»

- Абзоб* (а) — боблар, эшиклар (бирлиги — боб).
- Авсоф* (а) — мақташлар, васфлар, таърифлашлар.
- Аён* (а) — жаннат.
- Адно* (а) — паст
- Аднон* (а) — Ҳижоз ва Нажд (оқини сувга бой жойлар)даги тоза қонли араблар; гўзал манзарали жойларга ишора.
- Адноний* (а) — жаннатга тегшли.
- Аду* (а) — душман.
- Ажам* (а) — Арабдан ташқари Шарқ мамлакатлари.
- Ажр* (а) — эваз, бадал.
- Алаож* (а) — 1) кўнгулга олиш, дард чекиш; 2) яхши жойлар, ложа-лар.
- Алойиқ* (а) — алоқалар.
- Алтоф* (а) — лутфлар, одамгарчиликлар.
- Амвож* (а) — мавжлар, тўлқинлар.
- Ангабин* (а) — 1) асал; 2) узум шарбат.
- Анжум* (а) — юлдузлар, бирлиги — нажм.
- Анкабут* (ф-т) — ўргимчак.
- Арус* (а) — келинчак.
- Асҳоб* (а) — улфатлар, дўстлар, суҳбатдошлар.
- Атфол* (а) — болалар, гўдаклар, бирлиги — тифл.
- Афвож* (а) — тўдалар, гуруҳлар; бирлиги — фавж.
- Афсаҳ* (а) — жуда ширин (ёқимли) сўзлаш.
- Афъи* (а) — заҳарли илон.
- Афъол* (а) — феъллар, хатти-ҳаракатлар.
- Ашкаста* (ф-т) — шикаста, эзилган.
- Бадр* (а) — тўлини ой.
- Байзо* (а) — 1) оқ, оқ рангли, ялтироқ; 2) тухум; яди байзо — оқ билак; Мусо паёғамбарнинг қўлига ишора.
- Барот* (а) — озодлик, оқланганлик; *хатти барот* — оқланганлик тўғрисидаги ёрлиқ.
- Бажуз* (ф-т) — бундан бошқа.
- Батн* (а) — қўйин, қорин, ички қисм (масалан; садафининг ичи).
- Баякбор* (ф-т) — бирдан, кутилмаганда.

**Бебок** (ф-т) — бебош, ҳаёсиз.  
**Бестун** (ф-т) — 1) жуда баланд тоғ, 2) Фарҳод канал қазинган тоғ.  
**Бечун** (ф-т) — 1) ўхшашсиз, ўхшаши йўқ; 2) тағри.  
**Бисмил** (ф-т) — сўйиш, бошини кесиш; сўйилган, жон бераётган.  
**Бобатул-васл** (а) — ёқа.  
**Боз** (ф-т) — овчи қуш.  
**Ботин** (а) — қалб, ички дунё

**Важҳ** (а) — юз, бет.  
**Вайси** (а) — камситилган, хор, ғариб.  
**Васеъ** (а) — кенг.  
**Висоқ** (а) — уй, жой, макон.  
**Во** (ф-т) — очиқ.  
**Вожгун, вожун** (ф-т) — терс, тескари, чаппа.  
**Восиф** (а) — мақтовчи, васф қилувчи.  
**Вофир** (а) — мул, жуда кўп, фаровон; аруз баҳрларидан бири.

**Гила** (ф-т) — ўпкалаш (кина сўзининг юмшоқ маъно оттенкаси).  
**Гиреҳ** (ф-т) — тугун, чигал, ўрим.  
**Гудоз** (ф-т) — куйиш, эриш; сўзу гудоз — куйиш ва эриш, тоблаиш.  
**Густох** (ф-т) — беодоб.  
**Гўй** (ф-т) — тўп, чавгон ўйнидаги тўп.

**Давомал-қут** (а) — вақтнинг доимийлиги.  
**Даввор** (а) — айланувчи; **гунбази даввор** — айланувчи гунбаз, осмон-га шиора.  
**Дайр** (а) — 1) бутхона; 2) майхона; 3) бевафо дунёдан нолиш.  
**Дар** (ф-т) — эшик, дарвоза.  
**Дастор** (ф-т) — салла.  
**Дирам** (ф-т) — дирҳам; кўп ҳолларда умуман пул маъносинда келади.  
**Доман** (ф-т) — этак, бар, кийимнинг этаги.  
**Дун** (а) — паст, тубан, пасткаш; **дунёи дун** — пасткаш дунё.  
**Дунёу мофиҳо** (а) — дунё ва ўндаги нарсалар, бутун борлик.

**Ё айюҳал-ҳабиб** (а) — эй дўстлар!

**Жабин** (ф-т) — манглай, пешона.  
**Жайда** (ф-т) — эски, йиртиқ кийим.  
**Жинон** (а) — жаннатлар.  
**Жозим** (а) — пинтулувчи, жазм этувчи.  
**Жубур** (а) — жабрлар.  
**Журъа** (а) — қултум, ютум.  
**Жусту жў, жустужўй** (ф-т) — изламоқ, ҳаракат қилмоқ.  
**Жўбор** (ф-т) — ариқ.  
**Жўҳул** (а) — жаҳллар; **аҳли жуҳул** — жаҳиллар, жаҳолат аҳли.  
**Жўлида** (ф-т) — тўзғиган (кийим тўғрисида).

**Залил** (а) — оёқ ости қилинган, хор.

**Зан, заки** (а) — гумон, тахмин.

**Занбур** (ф-т) — асалари.

**Зард** (ф-т) — сарғи.

**Зарф** (а) — чидиш, май қўпиладиган қузача.

**Заъф** (а) — кучсизлик, хасталик.

**Зебанда** (ф-т) — ярашқ, ярашмлы.

**Зил** (а) — сняя; **зиллulloҳ** — таңгрининг сояси.

**Зойил** (а) — йўқолиш.

**Зоғал-басар** (а) — қора кўз, баъзан «кўз қорачиги» маъноснда ҳам келадн.

**Зул-жалол** (а) — улуглик эгаси, худо.

**Зуннор** (ф-т) — бут, салиб.

**Иббор** (а) — бахтсизлик, иқболнинг антоними.

**Ижтиноб** (а) — тортиниш, сақланиш, ҳазар қилиш.

**Ийсор** (ф-т) — очиш.

**Иккил** (ф-т) — 1) тож; 2) зийнатли.

**Иктисоб** (а) — ўрганиш, юқтириш, касб этиш.

**Илми қол** (а) — ўқиб ўрганиладиган илм.

**Илли ҳол** (а) — рнзат билан ақдан ўрганиладиган илм.

**Имдод** (а) — мадад бериш.

**Имсоқ** (а) — 1) бахиллик, мумсиқлик; 2) сақлаш.

**Ину он** (ф-т) «у-бу», ҳар хил «калта-култа» гаплар.

**Ицфиол** (а) — хижолатчилик.

**Исми зот** (а) — худонинг исмлари.

**Иштиқоқ** (а) — 1) ишлаб чиқариш; 2) келиб чиқиш, келтириб чиқариш; 3) араб тилида бир узакдан 18 кўринишда янги сузлар ҳосил қилиш (ясаи ва узгартиш); 4) этимология.

**Ихрож** (а) — ниқариш, ташқарига чиқариш; сургун қилиш.

**Ихфо** (а) — яшириш.

**Каж** (ф-т) — эгри, тескари.

**Кажрав** (ф-т) — тескари юрвчи.

**Кал-ҳажар** (а) — тошга ўхшаш.

**Касир** (а) — кўп; майда.

**Катон** (ф-т) — катон толаларидан анда нафис қилиб туқилган мато, шу матодан тикилган аёллар кийими.

**Кашол** (ф-т) — чигал, мушкул.

**Килк** (ф-т) — қалам; қамниш қалам.

**Кисоат** (а) — қийматбаҳо, тоза кийим.

**Киште** (ф-т) — кема.

**Кулл** (з) — барча, ҳамма, тула.

**Кун** (а) — буя.



**Хунун** (ф-т) — энди.

**Ауфв** (а) — тенглик, мувофиқлик.

**Қўтоҳ** (ф-т) — калта, қисқа.

**Қўжкан** (ф-т) — 1) тоғ қазувчи; 2) Фарҳоднинг лақаби.

**Ламъа** (а) — ёғду, шуъла.

**Ларзиш** (ф-т) — қоқилиш, тойилш, довдираш.

**Лолубол** (ф-т) — ўзини эркин туттиш, бебоқлик.

**Лоша** (ф-т) — ўлакса, ўлимтик.

**Лоядхулу** (а) — кирманглар.

**Лоянзуруна** (а) — кўринмайд.

**Мавосил** (а) — етишадиган жой.

**Мавт** (а) — ўлум.

**Мавқуф** (а) — тўхтатилган.

**Магас** (ф-т) — чивин.

**Мажмар** (а) — 1) манқал; 2) мушк, анбар, исиріқ каби хушбўй тутақчиларни солиб тутатиладиган идиш.

**Мазраъ** (а) — экин жойи; пушта, марза.

**Макнун** (а) — яширилган, беркитилган.

**Малбус** (а) — кийим; кийинтирилган.

**Мамот** (а) — ўлим.

**Мансури Ҳаллож** — сўфийлик инқобида эркин фикрлаб, зулмга қарши чиққани учун подшоҳлар томонидан дорга осиб ёки терисини шилиб ўлдирилган тўртта мусулмон файласуфларидан бири.

**Мардуд** (а) — рад этилган.

**Марқад** (а) — гўр, қабр.

**Масдар** (а) — ҳаракат номи, аслида сўз ўзаги.

**Масдуд** (а) — тўсилган, ёпилган; ўзаги — сад.

**Масвҳ, Масиҳо** — 1) соғлиқ бағишловчи; 2) ўликни тирилтирувчи; 3) Исо пайғамбарнинг лақаби.

**Масожид** (а) — масжидлар.

**Матлуъ** (а) — юз кўрсатган, тулуъ қилган.

**Мафҳум** (а) — англашилган, фаҳмланган.

**Машон** (ф-т) — димор, ҳидлаш аъзоси.

**Машиота** (а) — пардозчи, гримёр.

**Маъдум** (а) — йўқотилган, йўқ қилиб ташланган, ўзаги — адам.

**Мақрун** (а) — яқинлаштирилган, ўзаги — қарин.

**Макоф** (ф-т) — гор.

**Маҳват** (а) — кўрқитиқ, ваҳм.

**Маҳзар** (а) — ариза (ёзув маъносид).

**Маҳфил** (а) — тупланиш, йиғилиш, суҳбат жойи.

**Маҳфилоро** (а-ф) — ўлтиришни безовчи, мажлис ярашиги.

**Мино** (ф-т) — 1) шиша; 2) кўкимтир тус; 3) осмонга ишора.

- Минқор** (ф-т) — қушларнинг тумшуғи.  
**Мифтоҳ** (а) — очқич, калит.  
**Мосиво** (а) — 1) нарсалардан кечиш; 2) ўзидан кечиш.  
**Мофиҳо** (а) — мавжуд нарсалар.  
**Муалло** (а) — юксак, юқори; ўзаги аъло.  
**Муарриз** (а) — аризачи, даъвогар.  
**Мубҳам** (а) — ноаниқ, яширин.  
**Мувосил** (а) — етишниш; ўзаги — васл.  
**Мудово** (а) — даволанган.  
**Мужалло** (а) — ярқираган, жилоланган.  
**Мужрим** (а) — гуноҳқор, айбдор; ўзаги — журм.  
**Муза** (ф-т) — этик.  
**Музд** (ф-т) — ҳақ, кира пули.  
**Музмар** (а) — яширинган, остига яширинган.  
**Музтариб** (а) — хижолатда қолган, осойишталигини йўқотган, изти-  
 робли.  
**Мукаррар** (а) — қайтарилган, такрорланган.  
**Мул** (ф-т) — шарбат, шароб.  
**Муқодий** (а) — жарчи, нидо қилувчи.  
**Мунқатеъ** (а) — узилган, кесилган.  
**Муравваж** (а) — ривожланаётган, ривожланишдаги.  
**Мурассаъ** (а) — безакли, (қийматли тошлар билан) безатилган.  
**Мусаббир, муъобир** (а) — сабр қилувчи, чидовчи.  
**Мусаммо** (а) — номланган, исмланган.  
**Мусобеҳ** (а) — ёритувчи, равшанлаштирувчи; ўзаги субҳ.  
**Мустаграқ** (а) — чўмилган (ҳайратга), ҳайратланган; ўзаги — фарқ.  
**Мусҳаф** (а) — 1) саҳифаланган, китоб; 2) Қуръон.  
**Мутаассир** (а) — таъсирланган.  
**Муҳтасиб** (а) — тафтишчи; шариятга риоя қилинишини назорат  
 қилувчи.  
**Мўрча** (ф-т) — чумоли.

- Нағҳат** (ф-т) — ёқимли ҳид, хуш бўй.  
**Назъ** (а) — жон бериш пайти, охириги нафаслар.  
**Найсон** (ф-т) — апрель ойи (римликлар календарининг еттинчи ойи);  
 абри найсон — баҳорги ёмғирли булут; оби найсон — баҳор ём-  
 ғири.  
**Нассож** (а) — 1) тўқувчи; 2) ўрилган, сочдан ва соч ўрувчига ишора.  
**Наҳну қасамно** (а) — асли қисмат, азалдаги.  
**Новак** (а) — камон ўқи, найзаси.  
**Нозим** (а) — 1) назм айтувчи — шоир; 2) тартиб-интизомга солувчи.  
**Пол** (ф-т) — қамш қалам ичидagi тола.  
**Нофа** (ф-т) — киндигининг қонидан хушбўй мушк олинадиган (асо-  
 сан Такла-Макан чулларидagi) кийинкининг киндик ости бези.

**Нофайи тотор** — ўша киндик қокидан олиннадиган энг хушбўй мушк.

**Ношакболлик (ф-т)** — чидамсизлик, тоқатсизлик.

**Нўшханд (ф-т)** — чўройли кулгу, ёқимли табассум.

**Озим (а)** — борувчи.

**Озурда (ф-т)** — рапжиган, озорланган.

**Олуда (ф-т)** — булганган.

**Пайқ (ф-т)** — чонар, хабарчи.

**Иечу тоб (ф-т)** — 1) буралган, тўлганган; 2) соч ўримини тўлганши.

**Пираҳан, пирохан (ф-т)** — кўйлак.

**Побаст, пойбаст, побаста (ф-т)** — оёғи боғланган, кишанланган.

**Пуштипо (ф-т)** — 1) тепки, орқасига тепмак; 2) юз ўгурмак, кечмак.

**Пўта, фўта (ф-т)** — белбоғ, лунги.

**Пўшак (ф-т)** — ёпишчиқ, кийим маъносида ҳам ишлатилади.

**Раб, рабб (а)** — 1) тарбия қилувчи; 2) хўжайин, жаноб, эга; 3) тағри.

**Равза (а)** — 1) боғ, бўстон; 2) уй; 3) жаннат.

**Равзан (ф-т)** — туйиук.

**Рам (ф-т)** — чўчиш, қўрқув, ҳуркиш, бир томонга қочиш.

**Раммол (а)** — фолбин (қумда фол очувчи).

**Рамз, рамуз (а)** — ишора, бирор фикрни ишорат билан билдириш.

**Расан (ф-т)** — боғич, боғлагич, арғамчи.

**Рохион (ф-т)** — ярқировчи, ялтировчи.

**Роҳзан, роҳзан (ф-т)** — қароқчи, йултўсар.

**Резон (ф-т)** — тўкилувчи.

**Реш (ф-т)** — яра, тилниган.

**Реша (ф-т)** — илдиз, томир.

**Рино (ф-т)** — 1) инжиқ, табиати поэтик; 2) дунё нарсалари, пулу мол ва мансабни писанд қилмайдиган киши; 3) бебош, бебоқ.

**Руд (ф-т)** — 1) ариқ; дарё; 2) чолғу асбоби.

**Рутба (а)** — киши эгаллаган жой, мавқе, мартаба, мансаб.

**Рўзи жазо (ф-т)** — жазо куни, қиёмат.

**Рўсиёҳ, рўйсияҳ, рўсияҳ (ф-т)** — юзи қоралик.

**Сабҳа, субҳа (а)** — тасбеҳ.

**Савм, сиём (а)** — рўза.

**Сад ҳазор сол (ф-т)** — юз минг йил.

**Сайҳа (а)** — қичқиряқ.

**Салламно (а)** — қойилмиз, офарин.

**Самъ, самъи (а)** — 1) эшитгич, қулоқ; 2) эшиткиш, тинчлаш.

**Сарзаниш (ф-т)** — дашном, койиш.

**Саринор (ф-т)** — тўла, сероблик.

**Сифийа (а)** — кема.

- Сағб** (а) — қийинчилик.  
**Саҳоб** (а) — булут.  
**Саҳронишин** (а-ф) — саҳрода яшовчи.  
**Сиво** (а) — бўлак, бошқа.  
**Сижн** (а) — қамоқхона, зиндон.  
**Сипонд** (ф-т) — сириқ, сириқнинг уруғи.  
**Сифла** (а) — паст.  
**Собит** (а) — 1) турғун, барқарор; 2) исбот этилган, аниқланган;  
 3) қутб юлдузи.  
**Соид** (а) — билак, қўл.  
**Солик** (а) — ислом фалсафасида бирор оқимга мансуб, суфликда бирор йўналишни тан олган ва унга амал қилувчи.  
**Соғар** (ф-т) — 1) пиёла, май ичиладиган идиш; 2) бир пиёла май.  
**Субур** (а) — сабр.  
**Сувор, сувора** (ф-т) — 1) отлик; 2) мусикий йўлларида бир.  
**Сулук** (а) — 1) ислом фалсафасидаги бирор йўл, оқим; 2) гоя.  
**Сум, сумм** (ф-т) — туёқ.  
**Суман, ёсуман** (ф-т) — хушбўй оқ гул.  
**Сурах, сурахий** (ф-т) — май идиши.  
**Сўзон** (ф-т) — куйган, куйиб турган.  
**Сўрох** (ф-т) — тешик.

- Тааллуқ** (а) — 1) боғланиш, тегишлилик; 2) рўзғор тутниш, уйланиш.  
**Таассур** (а) — тушунча, таассурот.  
**Таоққул** (а) — ўйлаш, ақл билан мулоҳаза қилиш.  
**Табдил** (а) — алмашилиш, ўзгариш, ўзгартниш, ўзаги — бадал.  
**Табоқ** (ф-т) — ёмон, оғир.  
**Таваққуф** (а) — тўхталниш, кутиш.  
**Таваҳхум** (а) — ташвишлиниш, ваҳм қилиш.  
**Тавил** (а) — чўзилган, узун.  
**Тажалли** (а) — кўриниш, жилваланиш; улуғворлик.  
**Тазарруғ** (а) — ялиниш, зорланиш.  
**Тазвир** (ф-т) — алдов, найранг, ҳийла.  
**Талх** (ф-т) — аччиқ.  
**Талхком** (ф-т) — ҳаётни аччиқ.  
**Талғат** (а) — кўриниш; юз, чеҳра, гўзаллик, чирой.  
**Тамасхур** (а) — масхаралаш.  
**Танобона** (ўз.) — ердан олинадиган солиқ.  
**Тарёк, таряк** (ф-т) — афюн, захарли дори.  
**Таржеҳ, таржих** (а) — 1) афзалият; 2) эҳтимоллик.  
**Тасомеъ** (а) — тинглаш; эшитиш.  
**Тасхир** (о) — эгаллаш, қўлга киритиш.  
**Татовил, татовил** (а) — чўзилган, жуда узун; ўзаги — тавил.  
**Тавфриқа** (а) — ажрлиш, сочилиш, ажралиб кетмоқ.  
**Тафсир** (а) — изоҳ, шарҳлаш, кенг баён этиш.

**Тағйир** (а) — ўзгариш.

**Таҳриқ** (а) — қўзғолиш, ҳаракатга келиш.

**Таҳт** (а) — ост, таги.

**Тобиш** (ф-т) — 1) товланиш, жилваланиш, ярқираш; 2) иссиқ.

**Торик** (ф-т) — қоронғи.

**Торож** (ф-т) — совуриш, барбод бериш.

**Тунқатор** (ўзб.) — хон амалдорларидан бири, миршаблар бошлиғи.

**Турбат, туроб** (а) — тупроқ.

**Турра** (а) — сочининг тугуни, жингаласи, соч гажаси.

**Тўзма** (а) — емиш, овқат, таом.

**Урён** (а) — яланғоч.

**Усру** (ўзб.) — 1) жуда, энг; 2) кўп.

**Уқбо** (а) — нариги дунё, охират.

**Уқул** (а) — ақллар.

**Фавт** (а) — йўқолиш, ўтиш, ўлиш.

**Фал йўғтал-жазо** (а) — сенга яхши жазо ато қилсин!

**Фано** (а) — йўқ бўлиш.

**Фанойи фил-вужуд** (а) — ўзлигини йўқотиш, тириклигича ўзини йўқотиш.

**Фанойи фил-аътам** (а) — йўқотилган, жудо қилинган; туннинг аввалги қисмида йўқотилган киши.

**Фано фис-сайр** (а) — сайр воситасида йўқолмоқ.

**Фараҳ** (а) — севинч, шодлик.

**Фарзона** (ф-т) — доно, билимдон, мард.

**Фаббиру** (а) — сабр қилинғлар.

**Фатонат** (а) — зийраклик, тушуниш, ақл.

**Фатҳ** (а) — 1) очиш; 2) қўлга киритиш.

**Фашиш** (ф-т) — салланнинг чап томондан осилиб турадиган учи.

**Фигор** (ф-т) — 1) яраланган; 2) азобланган.

**Фитрок** (ф-т) — қанжирга (эгарнинг орқа қисмида овланган қушларни илиб қўйишга мосланган қайиш).

**Форин** (ф-т) — 1) тешиб ўтувчи; 2) отилиб, қайнаб чиқадиган (масалан, фаввора сувлари).

**Фосид** (а) — бузуқ, ёмон, ярамас, ножўя (хаёлга нисбатан).

**Фузун, афзун** (ф-т) — ортиқча, кўп.

**Фусун, афсун** (ф-т) — сеҳрлаш, жоду.

**Хамёза** (ф-т) — эснаш.

**Хайл** (а) — тўп, тўда.

**Хасм** (а) — ёв, душман, рақиб.

**Хат, хатт** (а) — 1) хат, битик; 2) гўзаллар лаблари атрофидаги билинар-билинмас тук; 3) янги чиққан мўйлаб.

**Хирад** (ф-т) — ақл.

**Хиргоҳ** (ф-т) — чодир.

- Хирқа** (ф-т) — дарвешлар кийими; содда, эски кийим.  
**Хифта** (а) — сизил ҳаракат; 2) аччиқланиш; 3) қош билан қилинадиган турли ишоралар.  
**Ховар** (ф-т) — Шарқ.  
**Хор** (ф-т) — тикан.  
**Хора; хоро** (ф-т) — қаттиқ тош.  
**Хузро** (а) — 1) кўклик, кўк ранг; 2) кўк ўт, майса; 3) усмалӣ қош.  
**Хурд** (ф-т) — кичик; *хурду калон* — катта-кичик.  
**Хутур** (а) — хотирлаш.

- Чакас** (ўз.) — овчи қушлар учун махсус қўлда кўтариб юриладиган кичик қўндоқ.  
**Чаро** (ф-т) — нега, нима учун?  
**Чобук** (ф-т) — чаққон, тез; чобук сувор — уста чавандоз.

- Шаб** (ф-т) — тун, кеча.  
**Шабгир** (ф-т) — тунда олувчи.  
**Шабихум** (ф-т) — тунда қилинадиган ҳужум.  
**Шабоб** (а) — ёшлик, йигитлик.  
**Шарар, шарор, шарора** (ф-т) — учқун, алаңга, ўт, чўғ.  
**Шармгин** (ф-т) — уятли, одобли.  
**Шарр** (а) — ёмонлик, ёмон йўл.  
**Шаръ** (а) — шарият.  
**Шаъшаға** (а) — ёғду, ярқираш, ёруғлиқ, шуъла.  
**Шаҳбоз** (ф-т) — лочин; умуман овчи қуш.  
**Шикеб, шикебо** (ф-т) — чидам, тоқат, қаноат, сабр.  
**Шокир** (а) — шукр қилувчи.  
**Шона** (ф-т) — тароқ.  
**Шутур** (ф-т) — туя.  
**Шўрида** (ф-т) — гангиган, ўзини йўқотган, ҳаяжонланган.

- Эҳё** (а) — тирик, тирилиш.  
**Эҳром** (а) — ҳаж маросимида боғланадиган лунги; эҳром боғламоқ — бирор ишга киришниш учун тайёрлик кўриш.

- Яд** (а) — қўл, яди байзо — оқ биллак.  
**Якто** (ф-т) — тенгсиз, ягона.  
**Ядо** (ф-т) — қишнинг энг узун ва қоронғу кечаси; 22 декабрга тўғри келади.  
**Янзуруна** (а) — кўринадиган, кўринувчи; ўзаги — назар.  
**Яъс** (а) — кўнгли чўкиклик, қайғу, эзилиш, маъюслик.

- Қабл** (а) — олдин, илгарӣ; қабл-анта-мамот — ўлимнингдан, илгарӣ.  
**Қадр туни** (а-ўзб.). «лайлатул қадр» кечаси десмак.  
**Қаллож, қуллож** (а) — бирор нарсани куч билан ўзига тортиш.

**Қаллош** (ф-т)—1) ялқов; 2) бузуқ, беҳаё, 3) камбағал, ҳеч нарса иш ва ҳеч кимни писанд қилмайдиган; 4) бепарво, бсор.

**Қилу қол** (а)—гап-сўз.

**Қиртос** (а)—1) қоғоз варағи; 2) қоғоз ўрови (сочилувчилар); 3) устига қоғоз қўйиб, йўли белгилаб ёзиладиган лавҳа.

**Қолу бало** (а)—азал, тақдир, қисмат.

**Қосид** (а)—хабарчи.

**Қулzum**—Қизил денгиз (форсларда).

**Қуллоб** (а)—1) чангак, қармоқ; 2) маҳбуба сочининг учигаги жингалак (қўнғироқ)қа ишора.

**Қумурчоқ** (ўзб.)—итбалиқ.

**Ғалтон** (ф-т)—томалоқ (дурга нисбатан); кўз ёшига ишора.

**Ғули биебон** (ф-т)—сахройи одам, одам ёввойиси.

**Ғуроб** (ф-т)—қарға.

**Ғўта** (ф-т)—сувда сузиш.

**Ҳадаф** (ф-т)—нишон.

**Ҳидид** (а)—тез, ўткир.

**Ҳодиқа** (а)—боғ, жашнат.

**Ҳажар** (а)—тош.

**Ҳамнишин** (ф-т)—бирга ўлтирувчи, ҳамсуҳбат.

**Ҳашр** (а)—қиёмат.

**Ҳижоб** (а)—парда.

**Ҳирмон, ҳирман** (а)—1) маҳрумлик; 2) жудолик; четлашиш; 3) таққиланиш, рад этилиш.

**Ҳожиб** (а)—1) хизматчи, чодирнинг пардаларини очиб турувчи пардалор; 2) дарвозабон, қоровул; 3) четки жой, қирғоқ; 4) парда, тўсиқ; 5) қош.

**Ҳола** (ф-т)—ой ва қуёш атрофида ёгиндан аввал ҳосил бўладиган «қўрғон».

**Ҳомун** (а)—1) текис сатҳ, текислик; 2) қуруқ қумлик, қўриқ; дашт; 3) тоғи ҳомун—кимса бормайдиган ясси тоғликка ишора; 4) Мажнун кезган дашт.

**Ҳосид** (а)—ҳасадчи.

**Ҳубоб** (ф-т)—қупик.

**Ҳувайдо** (ф-т)—кўрнниб турган; пайдо бўлган.

**Ҳумо** (ф-т)—афсонавий бахт келтирувчи қуш.

**Ҳумюн** (ф-т)—1) қутлуғ қадам; 2) подшоҳларга тегишли нарсаларга шу сифатни қўшлаган. Масалан «кутубхонаини ҳумюни» — подшоҳ кутубхонаси демакдир.

**Ҳумро** (а)—қизил, қип-қизил.

**Ҳусук** (ўзб.)—озлқ, етишимовчилик, камчилик.

**Ҳўру** (ўзб.)—рўбарў.

# МУНДАРЖА

Оташин шонра . . . . .	3
Ғазаллар . . . . .	17
Мустазод . . . . .	238
Мухаммаслар . . . . .	234
Таржеъбандлар . . . . .	251
Таркиббанд . . . . .	259
Чистонлар . . . . .	260
Луғат . . . . .	261



На узбекском языке

## УВАЙСИ САД ДУШИ

Редактор *Т. Алимов*  
Рисом *Ш. Мудаммаджанов*  
Расилар редактори *В. Немировский*  
Техн. редактори *М. Мирражабов*  
Корректор *Ш. Собирова*

ИБ № 2036

Босмахонага берилди 9. 02. 83. Босишга рухсат этилди 29. 07. 83. Формати 70×108<sup>1/32</sup>. Босмахона қоғози № 3. Адабий гарнитур. Юқори босма. Шартли босма. л. 11, 9. Шартли крас. от. 12, 24. Нашр л. 7. 2. Тиражи 25. 000. Заказ № 877. Баҳоси 65 т.

Ўзфур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриети.  
Тошкент—700129. Навоий кўчаси, 80.

Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари бўйича УзССР Давлат комитети Тошкент „Матбуот“ полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасининг 1-босма хонаси. 700002. Тошкент, Ҳамза кўчаси, 21.